



*Хотира 18000  
уйгонса гузал*

**БАХТСИЗЛИКДАН  
БАХТИНИ  
ТОПГАН**

**ТОҶИР МАЛИК**

*Эркин МАЛИК*

*Хотира  
уйғонса гўзал*

**БАХТСИЗЛИКДАН  
БАХТИНИ  
ТОПГАН  
ТОҶИР МАЛИК**

**Эркин МАЛИК**

«SHARQ» НАШРИЁТ-МАТБАА  
АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ  
БОШ ТАҲРИРИЯТИ  
ТОШКЕНТ – 2019

УЎК 297.1  
КБК 86.38  
К 37

**Масъул муҳаррир Аҳрор Аҳмедов**

К 37                   Малик, Ғркин.  
Бахтегизликдан бахтини топган Тоҳир Малик /  
Ғркин Малик . – Т.: «SHARQ», 2019. – 160 б.

Аллоҳ таоло бу ёруғ дунёдаги ҳар бир бандасига бир мартаба янаш умрини ато этади. Лекин шундай инсонлар борки, иккинчи мартаба ҳам яшай бошлайдилар. Ўлим улар учун шунчаки бир хотима, холос. Ўзбекистон Халқ ёзувчиси Тоҳир Малик орамиздан жисман кетди, аммо биз билан маънан яшамокда, яшайди ҳам. Бунинг сиз ва биз билмаган сиру синоатлари, сабаблари бор. Қўлингиздаги хотира китоби ана шу ҳақда.

**УЎК 297.1  
КБК 86.38**

ISBN 978-9943-26-969-9

© Ғркин Малик, 2019.  
© «SHARQ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси  
Баш таҳририяти, 2019.



## НАМАНГАН ВА ЎШ САФАРЛАРИ ОЛДИДАН

Наманганнинг “Шўркўрғон”ида яшайдиган тадбиркор Равшанбек Мирзаакбаров билан Тоҳир икковимизнинг ваъдамиз бор эди. Равшанбек яқин бир йилдан бери севимли ёзувчисини қишлоғига таклиф қилиш ҳаракатида юрарди. Ҳаракатки, қишлоқ марказида кутубхона ва тил ўргатиш марказини очиш. Қурилиш тезроқ битса-ю, Тоҳир Малик келиб, уни очиб, оқ йўл тиласа. Тоҳирга Равшанбекнинг саъйи-ҳаракатлари ёқиб, “баракат топсин, Худо хоҳласа, албатта, борамиз”, деб қўйган эди.


Мажмуа 2019 йилнинг 19 апрелида очилишга тайёр бўлди. Тоҳирга қўнғироқ қилиб хабарни етказдим. Яхши, борганимиз бўлсин дейишини кутдим. Нимагадир у жим.

– Машинада боришга қийналсангиз, поездда борамиз, довондан ўтишимиз билан Попда кутиб олишади, – дедим мен.

– Гап шундаки, – деди Тоҳир, – кеча Қирғизистондан марҳум Турсунбой акамнинг ўғли Муроджон қўнғироқ қилиб, 24, 25, 26–апрель кунлари Ўшда отасининг 80 йиллиги нишонланишини айтиб қолди. Сафарлар кетма-кет бўлиб, иккита жойга борсам, чарчаб қолсам керак. Сиз “Шўркўрғон”га икковимизнинг номимиздан бориб келаверинг, Ўшдан қайтишда Равшанбекнинг қишлоғига ҳам тушиб ўтамиз, қалай гапим маъқулми?

Маъқул демай иложим қанча. Қадрдонимни озрок аяш керак. Шундоқ ҳам у анчадан бери дард билан олишиб ётибди.

Камина Наманганга бориб қишлоқдаги минглаб ўқувчиларнинг талабларини, қишлоқдаги минглаб ўқувчиларнинг талабларини Тоҳирга етказдим ва албатта,





Тоҳир Малик қишлоғингизга яқин кунларда келиб, сизлар билан учрашади, деб уларни умидвор қилиб қўйганимни ҳам айтдим.

Шундай қилиб, Тоҳир Малик бошлиқ бир гуруҳ ижодкорлар Турсунбой Адашбоевнинг юбилейини ўтказиш учун қўшни Қирғизистонга отлана бошладик. Ким самолётда, ким енгил машинада... Тоҳир икковимиз поездда борадиган бўлдик. Илгари ҳам Самарқандга тезюар “Афросиёб” поездида бир неча бор бориб келганмиз. Қадрдоним кўп тиражли “Бекажон” газетасининг эксперти. Газета таҳририяти қошида ёш қаламкашлар учун “Маҳорат мактаби”ни ташкил қилган, машғулотларига ўзи ҳам, бошқа таниқли шоир ва ёзувчилар ҳам тез тез ташриф буюриб туради.

Сафарга чиқишимиздан бир кун олдин ҳаво айнади. Изиллатган совуғи ҳам бор эди. Апрель ойи. Ахир кини узоклаб, баҳор ёзга ўз ўрнини бўшатиб бергани йўқ ҳали. Костюм устидан енгилроқ яна бир нарса киймаса бўлмайди. Лекин ҳозирча ёмғирдан дарак йўқ, осмонни куюк булут ўраб турибди. Шунгами кайфиятим тушиб кетди. Бунақа об-ҳавода Тоҳирнинг қон босими ошадди. Ҳаво етмай, йўтали кўзийди. Астмаси бор. Машхур шоир Шавкат Раҳмон ҳам шу дард билан оғриб, “Осмон тўла ҳаволар, фақат менга етмайди”, мазмунида сатрлар битган эди, раҳматли. Баҳор ҳавоси-ку, ҳализамон офтоб чараклаб чиқиб кетса ҳам, ажаб эмас дейман ичимда. Сафаримиз ташкилотчиси Аҳрор Аҳмедов поездга чиқта олиш учун Тоҳир Маликнинг паспортини сўраб қолди.

Хўн дедим-да, дарровда Тоҳирга кўнғироқ қилдим. Кўпинча тўшакни унинг ўзи кўтарарди. Тоҳир ишга кетган ёки мазаси бўлмай қолганда келинимиз олардилар. Тўшакни келин кўтарди. Юрагим шув этиб кетди.

Ҳа, келиним, Тоҳир Малик ишга кетиб қолдиларми? дедим тўё ўзимга ўзим далда берган бўлиб.



– Йўўқ... – дедилар келин хомуш. Сездим овозида “қанийди ишга бора олганларида”, деган бир маъно бор эди. Келин:

– Мана, ҳозир... деб ғўшакни Тоҳирга берди. Хайрият, гаплаша олар экан. Шунга ҳам ичим бир ёришди.

– Лаббай...

Қадрдонимнинг овози жуда олисдан эшитилгандек бўлди. Баттар эзилдим. Менга ҳам ҳаво етмаётгандек бўлди. Аммо ўзимни тутдим.

– Таксирим, дедим шахдам овозда, худди мендаги шахдамлик унга ҳам ўтиб қоладигандек, поездга чипта олишга паспортингиз керак бўлиб қолди, Шерзод ишга кетган бўлса, бирортасини юбора қоламан...

Нимагадир жавоб бўлавермади. Мен овора бўлманг, Исмоил обориб беради дейишини кутардим. Катта набираси Исмоилжонни бўйи чўзилиб, бобожонисининг узок яқин ишларига яраб қолган эди. Катта арава қайси йўлдан юрса, кичиги ҳам шу йўлдан юради деб, Исмоилнинг тарбиясига бошқача қарарди Тоҳир.

– Боролмайдиганга ўхшайман... ахволни биласиз-ку... – деди у тушкун бир кайфиятда.

– Балки йўлга чиққандан кейин ҳаво ўзгариб, яхши бўлиб кетарсиз, қолаверса у ёғи тоғ ҳавоси-ку...

– Яақ... сўраганларга мандан салом денг, Муроджонга узримни айтиб қўйинг, яхши бориб келинлар, омин...

Шундай деб Тоҳир гапни қисқа қилди. Ичим ғуримшаб бўшашиб тушдим. Хаёлимда сафардан ҳам, Ўшда бўладиган учрашувлардан ҳам нур кетгандек бўлди. Турсунбой ака билан Тоҳир жуда қадрдон эдилар. Буни Ўшдагилар ҳам яхши билишарди. Турсунбой ака ҳаммиша у кишига кулиб туриб, Тоҳир Абдумаликович деб мурожаат қилардилар. Тоҳир ҳам жилмайиб, гапирсинлар деб қўярди. Тоҳир бора олганида қадрдонининг



руҳи қанчалар шод бўларди-я. Учрашувларга жон қирарди-я. Ўшликлар Турсунбой Адашбоевни тирик кўргандек бўларди-я, деб ўйлайман. Ҳа, борганида чиндан ҳам файз бошқача бўларди.

Айни дамда мени Тохирнинг Ўшга бориш, бормаслигидан кўра бошқа бир ташвиш ўраб олган эди. Ўпкам тўлиб, ичимдан дамо-дам титроқ босиб келарди. Тохирни ўзимча дўстона, ғойибона урушгим, бир умр тилга эътиборли бўлинглар, оғиздан чиққан ҳар бир сўзга фаришталар омин, дейди деб панд-насихат қилиб келган одам нимага ўша куни бунчалик тилига эрк бериб юборди экан? Ўзимча, бугун чоршанба, эртага пайшанба, кейин жума дейман-у, тилим айланмай қолади. Ўзимни йўқотар даражада бир аҳволга тушаман. Ҳа, ўзимдан ўтганини ўзим биламан. Кўнглимда кечаётганларни бировга айта олмайман. Гап шундаки, бир ҳафта олдин Тохир менга кўнғироқ қилиб ҳол-аҳвол сўради. Мен ҳам сўрадим.

Худога шукур мен яхшиман, лекин дўхтирларим сал нотинчроқ, кўнғироқ қилишиб, операция вақти келиб қолди, душанба, сешанба тайёрлаймиз-да, чоршанба куни тахтага оламиз дейишди. Мен уларга шу ишни пайшанбага кўчиришни иложи йўқми, дедим жиддий. У ёқдагилар ҳайрон бўлиб, жим бўлиб қолишди. Кейин, бизни операция кунимиз чоршанбалигини биласиз-ку, пайшанбага кўчиришни бирон-бир сабаби борми, дейишди. Мен мабода пайшанбада ўтиб қолсам, жумага чиқаришади-да, дедим, – деб баралла кулди Тохир.

Отининг калласидек юрагингиз бор-да, шундай қилиб, нима қиладиган бўлдингиз? – деб сўрадим.

Яя... бормайдиган бўлдим, яшатиб қўйибди-ку шунисига ҳам шукур...

Рози бўлмай, тўғри қиласиз, – деб Тохир тараф бўлдим.



Чунки ҳар замонда нафас қисишини ҳисобга олмаганда, кейинги пайтларда кадрдонимнинг аҳволи яхши эди. Милиция академиясига ишга, таклиф қилинган жойларга, учрашувларга бориб келаётган эди. Ишхонамизга келиб тўртинчи қаватга чиқолмас, машинасида бирпас, яримпас гаплашиб ўтирардик. Шуларни ўйлайман-у Тоҳирнинг “яхши бориб келинглар, омин” деган сўзлари қайта қулоғим тагида эшитилгандек бўлади. Наҳотки бу қулоғимда қолган охириги сўзлари бўлса деб, титраб кетаман. Аммо Тоҳир ўлим ҳақида гоҳ жиддий, гоҳ ҳазил аралаш кўп гапирарди. Худди бошқаларни даҳшатга солган ўлим, у билан ўртоқдек. Айтган гаплари навбатдаги ҳазилидек туйилиб кетди, менга.

Ахир, қаранг “Ҳаёт қайиғи” китоби мана қандай сўзлар билан бошланади:

“О, Ўлим жаноблари, келдиларми, марҳабо, марҳабо, қадамларига ҳасанот! Дилим кечадан бери нечукдир тушунуксиз хира эди. Бу ниманинг аломати экан, деб ўйлаятувдим. Қаранг, сизнинг ташрифи қудумингиз шабадасидан экан. Дил қурғурнинг ғашланиши аслида бекор нарса, негаки, мен сизни фоний дунё юзини кўрган, яъний туғилган кунимдан бери кутаман”...

Китобда келган бу сўзларнинг битилганига ҳам яқин беш йил бўлиб қолди. Тоҳирнинг навбатдаги ҳазилини ҳам Аллоҳ умр берса яна беш йилдан кейин кулиб эслаб юрармиз, деган ўй кўнглимдан ўтди. Илоҳа шундай бўлсин деб дуо қилдим.

\*\*\*

Йўлга чиққан кунимиз эрталабданок ёмғир шаррос қуя бошлади. Машинадан тушиб, то вокзал биносига киргунча шалаббо бўлдим. Ёмғирпўшт олишни унутган эканман. Вокзалда ёзувчи Ёкубжон Хўжамбердиев билан таниқли журналист Дилмурод Қирғизбоевларни учратдим.



– Тоҳир акам ҳам келиб қоладиларми? – сўради Дилмурод алланучук тараддуд билан.

– Ўшга боришни жудаям хоҳлаган эди, об-ҳавони кўрмайсизми, – деб ташқарига ишора қилдим. Аммо бутун хаёлим Тоҳирда бўлиб қолган эди. Уйига кўнғироқ қилиб, тузукми деб сўрашга ҳали вақт эрта эди.

– Афсус, поездда боришларини эшитиб, бир мириқиб суҳбатларини олишни кўнғлимга туккан эдим, бўлмаса енгил машиналарда ҳам кетовардим, – деди у.

Дилмурод шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф ва Тоҳир Маликка ўхшаган кишиларга оддий инсон деб эмас, Аллоҳнинг ердаги мўъжизалари деб қарар экан.

– Дарҳақиқат, – дедим мен унга, – бошқа махлуқотларга қараганда ҳар бир одамнинг ўзи бир мўъжиза. Лекин одам боласи чинакам мўъжиза эканлигини намойиш қилиши учун кўп йиллар савоб амаллар қилиши керак бўлади. Ҳа, тинимсиз меҳнат демоқчиман. Масалан, Шайх ҳазратлари нафақат уйда, ёзув столида, балки, аэропортларнинг кутиш залларида ҳам, учокларда ҳам, меҳмонхоналарда ҳам ёзишдан тўхтамаганлар. Устозимизни дунёга меҳнатлари танитди. Тоҳир Маликнинг ҳам дастлабки мақолалари, репортажлари, хикоялари чоп этилганига гувоҳ бўлганман. У ҳам тинмасиди. Каттагина мақоланинг тагида жимиртдек бўлиб, “Тоҳир Ҳобилов” деган исми шариф турарди. Бувалари Ҳобил ота бўлганлар-да. Ҳужжат шу кишининг номига олинган. Оталарининг исмлари Абдумалик эди. Кейинчалик оталарининг исм-шарифларига кириб, Тоҳир Малик бўлиб танилди. Адоксиз меҳнат ва изланишлар унинг ўша жимиртдек исми-шарифини матндан юкорига олиб чикди. Ҳозир шундай бир қўлбола китоб қилиб муқовасига “Тоҳир Малик” деб ёзинг-да ичида оппоқ қоғоздан бўлак ҳеч вақо бўлмасин. Кўзи тушган одам дарҳол қўлига олади. Ичида нима ёзилганини ўй-



лаб ўтирмайди. Тоҳир Маликми, демак зўр нарса ёзилган деб ўйлайди...

Мен Дилмуродга шуларни ҳикоя қила туриб бир вақтлар кадрдонимнинг республика болалар газетасига ишга келган кунларини эсладим. У ҳақда “Тонг юлдузи”га ушбу мақолани ёзиб ҳам берган эдим.

## ТОҲИР МАЛИК

Ўзбекистон халқ ёзувчиси, ўнлаб қисса ва романлар, киносценарийлар муаллифи, болалар газетасининг ҳарбий ватанпарварлик ва спорт бўлимини бошқарган.

Камина республика болалар газетасига институтни тамомлаб, йигирма тўрт ёшимда келган бўлсам, Тоҳир институтнинг кечки бўлимига ўқишга кириб оқ, суратчи бўлиб ишга келди. Шунинг учун ҳам у ўнинчи синфнинг ўқувчисига ўхшарди. У пайтларда суратчилик ноёб касб эди. Тоҳир камгап, камсукум, индамай билиб-билиб ишини қиларди. У фотоаппаратини чироғи – “вспышкаси” билан бўйнига осиб олса худди Жюль Верннинг “Ўн беш ёшли капитан” асаридаги табиатшунос олим Жак Паганелга ўхшаб қоларди. Жак Паганел ҳам бўйнига лупасини осиб олиб ҳар бир кўкат, ҳар бир ҳашаротни синчиковлаб текширгани текширган эди. Атрофдан бўладиган хавф-хатарни ҳам писанд қилмасди. Тоҳир ҳам шунақароқ эди. Хаёлимда ҳаётга ўша фотоаппарати линзаси орқали қараётгандек, фотоаппарати унга ҳар бир нарсани бўямасдан, аниқ ва равшан кўрсатиб бераётгандек бўларди. Бир сафар сахнада суратга олаётганда, орқамачасига йикилиб тушишига сал қолган. Ёзса столдан бош кўтармасди. Хати жуда майда эди. Ўзи бир асарида тасвирлаганидек, чумолини сиёҳга ботириб қўйиб юборганга ўхшарди. Раҳматли, машинистка Зухра опамиз “Ҳай, уйингга буғдой тўлгур



болам, бундан кейин ёзиб ўтирма, морза алифбосидек чизиб-чизиб кетовур, ўзим тушуниб оламан” деб кулардилар. Чунки Зухра опага ўхшаган машинисткаларни Иккинчи жаҳон уришига олиб кетиш учун морза алифбосини ўргатишган экан. Фарзандлари борлиги учун ўринларига Зебо исмли дугоналари кетиб, урушда ҳалок бўлганини опа кўп гапирардилар. «Мен дугонам Зебо учун ҳам ишлашим керак» дердилар.

Баъзан Тоҳирнинг тепасига бориб бир нима сўрамоқчи бўлсак бир қараб кўярди-да, кўрмаяпсизми, бандман дегандек яна қоғозни қитирлатаверарди. Анчадан кейин “боя нима демокчи эдингиз” деб сўрарди. Шоир Сафар Барноевга ўхшаганлар:

– Э, бор тошингни тер, пойиз кетиб бўлди, шоир, – дерди. Сафар атайлаб “шоир” деб Тоҳирнинг жиғига тегишни яхши кўрарди. Тоҳир бўлса:

– Билиб кўйинг, мен шоирмасман, – деб ғудраниб кўярди.

– Нима, биз шоирлар одаммасми ҳали, сенга, – деб Сафарнинг ясама жаҳли чиқарди.

– У ёғини билмадим-у, ҳар қалай мен шоир эмасман, – деб бўш келмасиди эркатой укамиз.

Шундай кунларнинг бирида Тоҳир таҳририятимиз йиғилишида мактов олиб, оғизга тушиб қолди. Мактаб бўлимининг бошлиғи Ҳамид ака Жалолов газета муҳокамасида Тоҳирнинг “5-“А” ва ҳафсала” мақоласини роса мактадилар. Адабиёт бўлимининг мудири Ўктам Усмонов ҳам “яхши” деб кўйди. Ўктам ака камдан-кам мақолаларга муносабат билдирардилар. Демак, у кишига ҳам ёқибдими, мақола зўр. Воқеа шундай: 5-“А” синф ўқувчиларидан “ҳафсала” аразлаб, кетиб қолади. Натижада “2”чилар кўпаяди. Ҳафсалани қандай қилиб синфга қайтарса бўларкин? Ҳамма гап шунда. Мақоланинг муҳокамасида кимдир “Тоҳир фантастик эле-



ментдан жуда моҳирона фойдаланган, шунга бошқача чиққан” деди. Бу гап бошқа мақолачилар учун ўзига хос бир дарс бўлди.

Шу муҳокамадан кейин Тоҳирнинг сафимизга тасодифан келиб қолмаганини билдик. У шоир Қуддус Муҳаммадийнинг “Ёш қаламкашлар” тўғарагига қатнашган, мактабда ўқиб юрганидаёқ “Гулхан” журналида ҳикоялари босилган экан. Ўша вақтда машҳур бўлиб кетган “Фарғона тонг отгунча” романининг муаллифи Мирзакалон Исмоилийнинг жияни бўларкан. Булар ҳақида Тоҳирнинг ўзи лом-мим демаган эди.

Тоҳир бошқаларга ўхшаб кўзга ташланишни унча хуш кўрмасди. Ҳикояларини эълон қилишга шошилмасди. Бўлмаса Сухроб ака ким битта яхши мақола ёзса мукофотига шеърини ёки ҳикоясини эълон қиламиз деб ваъда ҳам бериб қўйганлар. Тоҳир газетани биз учун қийин бўлган мавзу – спорт ва ҳарбий ватанпарварлик билан боғлиқ мақолалар билан тўлдирарди. Билсак бу мавзу унга қондан ўтган экан. Отаси Абдумалик ака мактабда ҳарбий спорт ўқитувчиси эканлар. У пайтда ҳарбий спорт ўйинларига алоҳида эътибор бериларди. Катта-катта шаҳарларда мусобақалар ўтказиларди. У ерларга Ўзбекистондан ҳам болалар борарди. Тоҳир муҳбир сифатида қатнашарди. Унинг яна битта ютуғи рус тилини яхши биларди. Биз укамиз сайру саёҳатларга маст бўлиб, ижодини эсидан чиқариб қўймаса гўрғайди, деб хавотирда юрардик. Аммо кунлардан бир кун “Шарк юлдузи” журналида “Ойга сафар” деган фантастик ҳикояси босилиб чиқди-ю, “5-“А” ва ҳафсала”га ўхшаб оғизга тушди. Шу билан бирга “Ҳикмат афандининг ўлими” қиссасини ёзиб нашриётга топширганини ҳам орқаворатдан эшитиб қолдик. Сафар Барноев Тоҳирни бағрига босиб: “Қачон ёза қолдинг бунақа чиқинларни, шоир, икки ўртада бизни синдирдинг-ку” деган эди.



Дарҳақиқат, Тоҳир суратчилик қилиб, мақолалар ёзиб, сафарларда бўлиб қачон ёза қолди экан бу ҳикоя ва қиссани? Яна янги жанр-фантастикада. Фантастика ўзбек адабиётида янги йўналиш бўлиб, ҳали бирорта ёзувчи бу мавзуга қўл урмаган эди. Бу йўлни ёшгина йигитча Тоҳир бошлаб берди...

Нима демоқчиман. Бўламан деган ижодкор майда-чуйда нарсаларга ўралашиб қолмас экан. Катта ишларни ният қилиб, “туяга миниб, олисни кўзлар” экан. Такрор айтаман ижод бу – машаққат. Пилла курти тут баргини бир чеккадан еб тугатганидек, қоғоз бетига тушаётган ҳарфлар ҳам ёзувчини бир кун еб тугатади. Пилла куртидан тоза ипак, ижодкордан эса унинг ёзган ўлмас асарлари қолади. Болалар газетасида танглайи кўтарилган Тоҳир Маликнинг ҳозиргача кўп томликлари нашрдан чиқди. Бу жилдларга бешта китобдан иборат “Шайтанат” қиссалари ва айрим роман, қисса, ахлоқ ва одоб бобидаги китоблари кирмаган. Демак, ижодга Тоҳир Маликка ўхшаб шов-шувсиз ҳам кириб келса бўлар экан. Тоҳир ҳеч қачон олдиндан фалон нарсаси ёзганман демайди. Жим юриб тап этиб бир нарсани ёзиб қўяди-да, иккита-учта ашаддий, юз-хотир қилмайдиган дўстлари қўлига топширади. У мактовларга эмас, асосан эътирозларга эътибор қилади. Нуқта, вергулигача қарайди. Унинг ёзганларини бир томчи деб олсак, ўқиганлари бамисоли денгиз. Яна китоб ўқиса алоҳида дафтарга қайд қилиб боради. Ҳа, конспектлаштиради. Сўзлаганда фалончи шунга ўхшаганроқ гап қилувди деб дудмал гапирмайди. Аниқ ва тиник мисоли билан гапиради. Оғиздан чиққан ҳар бир дудмал сўз учун у дунёда жавоб беришдан қўрқади. Бу ҳам ёш ижодкорлар ўзларига юқтириб оладиган яхши фазилатдир.

Шуларни суҳбатдошим Дилмурод билан ўртоқлашар эканман, у ҳаяжонини боса олмай:



– Қаранг-а, Тохир ака бошида газетага суратчи бўлиб ишга келганмидилар а, қойил, ишонгинг келмайди, – деди.

– Нафақат суратчи, балки яхшигина ғишт терувчи ҳам эди. Кейин ўша пайтларда бинолар томини ёпишда урф бўлган мансардани росаям қойиллатиб кўярди. Тоғдаги ёзувчилар дала боғ ҳовлисидаги кўпгина қаламкаш дўстларимизнинг томининг мансардаси Тохирнинг кўлидан чиққан. Ўттиз йилдан ошди, ҳар йили оғирдан оғир қорлар ёғади, баъзи томларни кучли шамоллар учириб ҳам кетади. Аммо Тохир курган мансардалар ҳалигачон килт этмай турибди. Уни тез-тез жарроҳлик амалиётига мажбур қилиб турадиган “грижа” деган балони ҳам ўша устачиликдан орттириб олган. Иш пайти ғайрати кўзиб, оғир бир тўсинни бир ўзи кўтариб юборган-да. Балки ўша пайтда ёнида ёрдамчи бўлмагандир. Ичида эт узилганини билмаган. Кейинчалик ёш ўтгандан кейин ўша дард ўзини кўрсата бошлади.

– Эссиз, – деб юракдан ачинди Дилмурод. Кейин Ёкубжон акамнинг ҳам белларида грижалари бор экан, салкин ҳавога зирқираб турибди, бир хабар олай-а, деб кўшни вагонга ўтиб кетди. Уларнинг жойи кўшни вагонда эди. Мен ўз хаёлларим билан қолдим...

## ДОВОН ЙЎЛИ

“Тошкент – Андижон” поезди аллақачон йўлга тушган. Тезлиги “Афросиёб”чалик бўлмаса ҳам қишлоқ ва далаларни ортда қолдириб, шитоб билан олдинга босади. Булутлар пастлаб, гўё ер билан осмон бирлашиб кетган, йилт этган нур йўқ. Вагон деразасини ёмғир мутгасил савалайди. Пастқам жойларда кўлмаклар ойнадек кўзга ташланади. Ёмғирдан янги барпо этилган боғлар, лалмикор ердаги буғдайзорлар бир текисда қорайиб



кўринади. Олдинда Қамчик довони ўз салобати билан чор атрофга ваҳима солади. Боши осмонга теккудек чўққилар булутлар асирида қолган. Маҳобатли қоялар қошида поездимиз бамисоли чумолидек ўрмалайди. Наҳотки поездимиз шу тоғларни ошиб ўтади, деб ўйлаб қоласан киши. Ана, пўлат излар Оҳангарон сув омбори ёқалаб боряпти. Ёғингарчилик кўп бўлганиданми сув сатҳи қачонлардир кўтарилган қадимги чизиғига етай деб қолибди. Довон тарафдан жуда катта сув оқими харсангларга урилиб, кўпиклар ҳосил қилиб, ваҳима билан тушиб келяпти. Йўлида учраган нарсани чирпирак қилиб, ўзи билан олиб кетяпти. Беихтиёр Тоҳир Маликнинг “Пўртанали уммонда сузар ҳаёт қайиғи” китобини эсладим. Гўё биз қайикдамиз-у, пўртаналар устида жад билан фақат, ҳа фақат юқорига интиляпмиз... Асарда жуда кўп таниқли ижодкорларнинг “ҳаёт қайиғи” яъни ҳаёт йўллари маҳорат билан тасвирланган. Ёзувчининг ўз ҳаёти қайиғи ҳам кафтдаги чизиклардек аниқ чизилган. Шу йўналишда Қаҳрамон ёзувчимиз Саид Аҳмад “Топганларим ва йўқотганларим”, Ўзбекистон Давлат мукофотига сазовор бўлган Носир Фозилов “Топдим-у йўқотмадим” деб замондошлари ҳақида асарлар ёздилар. Тоҳир устозларига муносиб равишда мавзуни жуда чиройли давом эттирди. Ёзувчимизнинг катта ҳажмдаги бу иккала китоби қайта-қайта нашр этилиб, хонадонларимизга аллақачонлар қумга сингандек сингиб кетди. Тоҳир уни қайта ишлаб, тўлмаган жойларини тўлдириб, баъзи боболарини қисқартириб, “Ҳаёт қайиғи” деб қайта номлади. У Тоҳирнинг кўп томликларига киритилиб, 14, 15, 16 ва 17 жилдлардан ўрин олди. “Шарқ” да чоп этиляпти.

Поезд довондан ўтиш олдидан бир бекатда тўхтаб олар экан. Тўхтаган жойимизда ёмғир ёғяптими, ёғмаяптими билиб бўлмасиди. Чунки биз энди тоғлар катто-



ри булутларнинг асирига айланган эдик. Ҳалидан бери пўлат из билан ёнма-ён келаётган “Буюк ипак йўли” ва унда ўрмалаётган сон-саноксиз машиналар ҳам энди кўзга кўринмас, булутлар ичида қолган эди. Вагон хизматчилари дераза пардаларини туширишимизни ва нарига тарафга ўтиб олмагунимизча, очмаслигимизни тайинладилар. Газетада ўқиганман, туннелнинг узунлиги йигирма километрга яқин. Улкан тоғ ҳализамон поездимизни бамисоли бир қатим ипдек ютиб юборишини ўйласам ваҳима босади... ахир тепадан неча триллион юк босиб туради-да... Сўрасам туннелдан йигирма дақиқаларда ўтиб олар эканмиз. Нимагадир нафасим қисиб, ҳаво етмаётгандек бўлаверди. Бу ҳолатни ўзимдан қувиш учун олдимда турган китобни беихтиёр варақладим. У кечагина босмадан чиққан Турсунбой Адашбоев ҳақидаги хотиралар китоби эди. Ягона нусхани, авайлаб Муроджонга олиб бораётган эдим. Уни ҳали Тоҳир кўрмаган эди. Дилмурод боя китобни кўлимдан олиб варақлаган, ундан ўзининг ҳам хотираси жой олганини кўриб, севиниб кетган эди. Чунки Дилмурод ҳам ўшлик эди-да, Аравондан.

Ҳа, китобни шундоқ очиб, Тоҳир МАЛИКнинг хотирасига кўзим тушса бўладими? Кўнгил яқинлигини қаранг. Бўлмаса, китобда қанчадан-қанча хотиралар бор. Беихтиёр Тоҳирнинг битикларини ўқишга тутиндим:

## ИККИ ХАЛҚНИНГ СУЮМЛИ ФАРЗАНДИ

Жаннатмакон акамиз Турсунбой Адашбоев бир-бирига жигар ҳисобланган икки халқ орасида шу сифатлари билан танилганлар. Буни эҳтимол, сифат эмас, ҳаётларига берилган баҳо, янада тўғрироғи, улуғ мукофот деганимиз маъкулдир. Икки адабиёт олами учун қилган



хизматлари учун Турсунбой акага ҳар икки давлатнинг кўп мукофотлари берилган. Турсунбой акага берилган унвону нишонлар бошқа ижодкорларга ҳам берилгандир. “Икки халқнинг суюмли фарзанди” деган расмий унвон йўқ. Таъсис этилганида ҳам, устозимиз Носир Фозиловдан кейин иккинчи бўлиб Турсунбой ака лойиҳа кўрилган бўлардилар. Аслида ҳам шундай: икки халқнинг суюмли фарзанди мартабасига этилганини исботловчи расмий қоғоз-ҳужжат бўлиши шарт эмас. Халқ юрагидаги муҳаббат кифоядир. Қоғоз-ҳужжатлар жавонда қолиб кетади. Халқнинг юрагидаги муҳаббат ва халқ дилидаги дуолар билан Аллоҳга рўпара бўлинади.

Турсунбой ака ҳақида хотира ёзиш ишлари бошланганига анча бўлди. Назаримда мен бу хайрли ишга охиргилардан бўлиб киришдим шекилли. Бунинг сабаби: вафот этган азизларим ҳақида сўз ёзишда юрагимда оғриқ туради. Хотира ёзишни бошлагунигизга қадар ўтган акалар, дўстлар мен учун тирик бўлишади. Хотира ёзилгач, уларнинг бу дунёни тарк этганларини тан олишга мажбур бўламан. Аслида уларнинг вафот этганлари улуғ фожиа эмас, “ўлим бизларни айирди”, дейилса-да, айрилиқ эмас. Чунки айрилиш фақат жисмандир, руҳда айрилиш бўлмайди. Энг муҳими, бу айрилиқ вақтинчалиқдир, Қиёматда яна кўришмоқлик, бирга бўлмоқлик саодати бордир.

Ёш ўтган сайин атрофимдаги азизларим, кадрдонларим сафи сийраклашиб борапти. Қариликнинг азоби турли касалликларга чалиниш эмас, балки айнан яқинлар сафининг сийраклашиши. Ўн йиллар давомида ёнингда турган кадрдонингдан бирданига айрилсанг, худди туш кўргандай бўласан. Аввалги йилларда ҳам бир қанча яқинларимизнинг Аллоҳнинг раҳматига кузатдик. Ўтган 2017–2018 йилги айрилиқлар, айниқса азобли бўлди. Яқин қариндошлар сафининг сийракла-



ша бориши қаторида ижодкор акаларимиз билан видолашувнинг нақадар оғир эканини ёшлар ҳис қила олишмаса керак. Турсунбой акани Аллоҳнинг раҳматига кузатганимиз онда Носир ака билан бирга эдик. Орадан ойлар ўтиб, уларни ҳам кузатдик. Бу масалада банда чорасиз. Умрнинг маълум бир бўлагида яхши одамлар билан бирга бўлиш бахти билан, бирга улар билан видолашув қайғуси ҳам бор.

Турсунбой ака ҳақида кўп нарсаларни ёзишим мумкин. Менинг битикларимни кузатиб борувчилар сезишса керак, бу хотирани Носир Фозилов ҳақидаги баёним билан бир хил усулда бошладим. Сарлавҳани ҳам бир хил қўйдим.

Чунки Турсунбой ака Носир Фозиловнинг туғишганларидай ардоқловчи кадрдон укаларидан бири эдилар. Турсунбой акам билан Носир акамнинг фазилатларида ҳам, қилган хайрли ишларида ҳам ўхшашлик кўп. Носир акам ўзбек-қозоқ адабиётлари, халқлари дўстлиги учун, Турсунбой акам эса ўзбек-қирғиз адабиётлари ва халқлари дўстлиги учун беқиёс даражада хизмат қилиб кетдилар.

Бу дунёда барча нарсалар, хусусан, яхши одамлар билан бирга бўлиш ҳам Аллоҳнинг марҳамати билан бўлади. Йўқса, урушдан аввал Ўш вилоятининг узок бир қишлоғида туғилган шоир билан урушдан кейин Тошкентда туғилган, умрида биронта шеър ёзмаган бола – яъний камина учрашармиди, ака-укадай кадрдонлашиб кетармиди? Баъзан шу ҳақда ўйлаб, ҳамонки биродарлашув тақдир ёзуғи экан, Аллоҳ айрим ишораларни ҳам берса керагу, бандаси англамас керак деб ўйлаб қоламан. Ишоралардан бири: раҳматли тоғам билан аямнинг болаликлари ~~Ўшда туғилган~~, Ўшда ҳозир ҳам яқин қариндошларимиз яшаётди. Мени ажаблантирадиган нарса, шоир Турсунбой ~~Адашбоев~~ билан

АДАШБОЕВ  
87.524



шеър ёзмаган Тохир Маликнинг устози бир – болаларнинг нуқтадон шоири Қудрат Ҳикмат эди. Мен 13–15 ёшларимда Қудрат ака бошқарган адабиёт тўғарагига қатнашганман. Турсунбой ака эса узоқ шаҳарда туриб Қудрат акага меҳр кўйганлар, сўнг дуоларини олганлар.

Олмос менинг юрагим,  
Толмас менинг юрагим,  
Ким айтади шеъримда  
Қолмас менинг юрагим...

Турсунбой ака билан учрашганларимизда устознинг бу сатрларини кўп эслардик. Энди... юраги шеърларига кўчиб қолган бу акамни эслаб ўтирибман...

Болаларнинг нозиктаъб шоири Турсунбой Адашбоевнинг номларини болалар газетасига ишга ўтганимда эшитганман. Нашриётлар ва кўпгина тахририятлар жойлашган Навоий кўчасидаги 30-уй ёнбошига жойлашган эскигина чойхона ҳар куни ёш ижодкорлар билан гавжум бўларди. Бу ўзига хос ижодий марказ эди. Бу ерда баъзан пешин чоғи, кўпроқ ишдан кейин ёшлар тўпланишарди. Адабиёт оламида қаддини тиклаб олган Абдулла Орипов, Шукур Холмирзаев, Рауф Парфи каби акалар қаторида энди тетапоя қилаётган ёшлар ҳам давра куришарди. Ана шу даврада фарғоналик Йўлдош Сулаймон, ўшлик Турсунбой Адашбоев, гулистонлик Тўра Сулаймон номлари кўп тилга олинарди. Уларнинг ижодларига юқори баҳо бериш қаторида одамгарчиликлари, меҳр-оқибатлари мақталарди. Ўшанда билдимки, водийга борувчи катгаю кичик ижодкорни Йўлдошали ака билан Турсунбой акалар албатта кутиб олишаркан. Баъзиларнинг пойтахтдан келган меҳмонларни кутиб олишларида тама бўлади: “Нашриётда ишлайди, китобим чиқишига ёрдами тегади”... Турсунбой ака билан Йўлдошали акаларда бунақа фикр бўлмаган сира. Масалан, пойтахтлик таниқли шоирга қандай лутф кўр-



газсалар, болалар газетасининг спорт бўлимида ишлайдиган, номи адабиёт аҳлига номаълум йигирма ёшли мухбир Тоҳир Ҳобиловни ҳам ана шундай илтифот билан кутиб олишарди. Фарғонага йўлим тушса, гарчи бу шаҳарда опам ва бошқа қариндошлар яшашса-да, энг аввал Йўлдошали акани йўқлаб таҳририятга борардим. Мухбир сифатида Ўшда киладиган ишларим йўқ эди, асосий ишим Фарғонами, Наманганми ё Андижондами битгач, Ўшга ўтиб келишга уринардим. Мақсад бир – Турсунбой ака ва у киши орқали бошқа ижодкор акалар билан кўришиш.

Турсунбой ака билан Йўлдошали акалар кадрдон дўст эдилар. Ижодларида ҳам яқинлик бор, одамгарчиликлари, ҳазилкашликлари ҳам ўхшаш эди. Бу икки дўст бор жойда аския, қахқаҳа хукмрон бўларди. Улар иштирок этган давраларда ғийбат ёки иғво гаплар эшитилганини эслай олмайман. Мен уларни ўз акаларимдай яхши кўрардим.

Ҳамонки гап Турсунбой Адашбоев ҳақида бораркан, у киши билан қирқ йилдан зиёдроқ ака-укадай кадрдон бўлиб яшадик. Ўшга дўстлар даврасида ҳам, ёлғиз ўзим ҳам кўп борганман. Тўйларда, турли тадбирларда иштирок этганман.

Турсунбой акам ҳам бошкентга тез-тез келиб турардилар. Лекин ҳеч қачон бир ўзлари келмасдилар. Ўшлик ёки андижонлик ёки наманганлик бир-икки ёш ижодкорни бошлаб келардилар. Унинг қобилиятини таърифлаб, ижодидан намуналарни таҳририятларга ёки нашриётга тавсия этардилар. Турсунбой аканинг мана шу меҳрибонликлари туфайли водийдаги кўп ижодкорлар адабиёт гулшанига кириб келишган.

Қайсидир йили таҳририятимизга бир ўзлари кириб келдилар-да:

– Қорасувлик уч мухлисингиз билан келганман. Улар



шоир эмас, лекин бадий адабиётни жуда-жуда кадрлашади. Айниқса, Алоуддин укамизга Ибн Сино ҳақидаги хикоянгиз маъқул бўлибди, сиз билан бафуржа ўтириб суҳбатлашишмоқчи, – дедилар.

– Пешиндан кейин уйга бошлаб бораверинг, – дедим.

– Уйга кейинроқ бафуржа борамиз. Бугун Пушкин боғидаги чойхонада дўппидеккина ош дамлаймиз, Эминжон билан бирга ўтиб бораверасиз.

– Акаларни ўзингиз таклиф қиласизми ё мен айтайми?

– Бу сафар ошоналаримизга дам берамиз, – деб кулиб изоҳ бердилар: – уахонларимиз намозхон йигитлар, акаларингиз ароқдан гап бошлашса, пешоналари тиришиб кетади.

Чойхонада олти киши давра қурдик. Сермазмун, ширин, самимий суҳбат бўлди. Мен меҳмонларнинг сўзларига, адабиётга доир саволларига диққат қилиб, ўзимга нисбатан донороқ ва билимдонроқ эканларини сездим. Айниқса, Алоуддинга қойил қолдим. Орадан йиллар ўтиб, Қуръони Каримни биринчи бўлиб ўзбек тилига таржима қиладиган, ўз илми билан Марказий Осиё мусулмонлариши хайратга соладиган устоз аллома Алоуддин Мансур билан танишганимни у куни англамаган эдим. Алоуддин домламиз билан Турсунбой ака орқали боғланиб турардик. Бошкентга келар бўлсалар учрашардик, суҳбатларидан, илмларидан баҳраманд бўлардик. Бир куни Абу Ҳомид Ғаззолий ҳазратларининг асарларини таржима қилганларини айтиб, бир тўп қоғозни бердилар. Танишдим, хайратга тушдим. Айрим лавҳаларини кўчириб олиб, ўша пайтда ёзаётганим “Сўнгги ўк” деб номланган романда фойдаландим. Демокчи-манки, Қуръони Каримни таржима қилиш масаласи кун тартибига қўйилганида Алоуддин Мансурнинг номзоди бекорга танланмаган. Бу устознинг биринчи таржималари эмас, бу хайрли юмушга узок вақт тайёргарлик



кўрган эдилар. Гап шундаки, Қуръони Каримни таржима қилиш учун араб тилини мукаммал билишнинг ўзи кифоя эмас, қалбдаги иймон қуввати муҳимроқ.

Турсунбой ака билан хат орқали алоқа қилиб турардик. Баъзан адабиётга доир жиддий масалада фикрлашсак, баъзан ҳазиллашиб ҳам кўярдик. Бир сафар Тошкентга эрталаб келиб, ишлари шошқич бўлгани учун кечки поездда уйларига қайтибдилар. Мен бундан ўп-калаб эртасигаёқ рангли расмли қоғоз (открытка)да хат жўнатдим. Аёллар байрами арафаси эди, шунга ишора қилдим:

“Бизникига кирмай кетиш – найрангингиз,  
Қутлуғ бўлсин акажоним байрамингиз”.

Мени танийдиганларга маълум: жуда майда ёзаман, ҳатто “Тоҳир чумолини сиёҳга ботириб қўйиб юборадим”, дейишади. Бу сафар чумолидан ҳам майда қилиб ёздим. Кўп ўтмай жавоб олдим: “Тоҳир, хатингизни ўқиш учун махсус лупа заказ қилдим, битиши билан ўқийман...”

Турсунбой акага ёзган бу ҳазил байт бекорга кетмади, ўрни келганда “Шайтанат”да фойдаландим.

Турсунбой акам билан учрашувларимиз фақат ош-хўрлик, ҳазил-мутойибадан иборат эмасди. Турсунбой ака кўп китоб ўқирдилар. Ўшдаги бир уйлари кутубхонага ажратилганди. Бир йили вилоят газетасидаги вазифаларидан бўшаганларида мен ажаблангандим. Шунда: “Тоҳир, китобларни кўрдингиз, газета ишига ўралашиб, китоб ўқиёлмаяпман. Ҳеч бўлмаса бир йил тўхтовсиз китоб ўқишим керак”, деган эдилар. Москвага ўқишга боришдан мақсадлари ҳам шу эди. Чиндан ҳам кўп ўқидилар, лекин ижоддан тўхтамадилар. Ўқиш баҳонасида Москвада ўтган икки йилдан жуда унумли фойдаландилар.

Турсунбой акам билан ёлғиз суҳбат қурган пайтла-



римизда болаликда кўрганларини ҳикоя қилиб берардилар. Қизиқиб тинглардим. “Ажаб дунё” деб номланган ҳикоя шу суҳбатлар таъсирида ёзилган. Ҳикояни ўқиган баъзи дўстларим “Уруш пайтидаги қишлоқ ҳаётини, бошоқ теришни, ёрилган товонга ёғ босиш азобини аниқ тасвирлабсиз”, деб макташганида “Бу менинг эмас, Турсунбой акамнинг маҳоратларидан”, дердим. Турсунбой акамнинг кўп гапларини “ўғирлаганман”. “Шайтанат”даги Кесак полвонни “Бу сизнинг ўғай ўғлингиз”, деб ҳазиллашардим. Чунки поезддан тушган деҳқон белбоғидаги кесакни кесиб олиниш воқеасини Турсунбой ака айтиб берган эдилар. Асардаги Ҳовуз полвон образи ҳам Турсунбой аканинг кизиқарли суҳбатлари таъсирида ёзилган.

“Шайтанат”нинг бешинчи китобини ёзаётганимда Ўшда қонли фожиалар (Бу иккинчиси, биринчиси роппа-роса йигирма йил аввал, мустақиллик арафасида содир бўлганди) юз берди. Ўша кунлари Турсунбой аканинг ранглари оқариб кетган эди. Юздаги ранг ўзгаришини бошқалар сезиши мумкин, лекин қалбнинг тилим-тилим бўлиб кетганини бегона одам ҳис қила олмайди. Кейинчалик юракнинг тўсатдан тўхтаб қолишига ўша азоблар таъсир қилгандир. Биз врачларнинг гапига ишониб “Тўсатдан тўхтаб қолди”, деймиз. Аслида юрак ўз-ўзидан бирданига тўхтаб қолмайди. Ўшдаги фожиаларга ўхшаган нохуш воқеалар юрак томирларини бир-бир узиб адо қилади.

Ўша кунлари учрашганимизда менга икки варақ қоғозни узатдилар: юрак дардларини ёзибдилар. Болаларга ширин-ширин шеърлар ёзувчи шоир бир кунда ўзгача ижодкорга айланган эдилар. Шеър менга ҳам таъсир этди. Фойдаланишга ижозат сўрадим, рухсат бердилар. Бир-икки сатрни (Масалан, “Ҳабиб Абдулла”ни “Табиб оғам”) деб ўзгартириб, “Шайтанат”нинг



5-китобига, йигирма йил аввал содир бўлган биринчи Ўш фожиаси тасвирланган саҳифага киритдим. Мана ўша шеър:

Деразамдан Ой боқди ярим тунда хонамга,  
Юзлари ўхшаб кетди меҳри нурли онамга.  
Анча хомуш ва ҳорғин кўнглим кетди зирқираб,  
Киприклари зил ёшни кўтаролмай пирпирар.  
“Унутмагин, жон болам, жоним гиргиттон болам!  
Найранги, иғвоси кўп, бу талотўп замонни –  
Кўриб бағрим хун бўлди, дардли Ўзган томонни...  
Ўшдаги жоҳилликдан тоғлар ранги сомонми?!  
Бобур Мирзо қурдирган хужра бутми-омонми?!  
Жоним-жаҳоним болам, жоним гиргиттон болам!  
Кўзингни оч, билиб ол, яхши билан ёмонни.  
Эътиқодсиз – оломон, демак, сўкма замонни.  
“Ал қасосул минал Ҳақ”, осмонга от камонни...  
Ярим тунда хонамга ўксиб-ўксиб Ой боқар,  
Табиб оғамнинг руҳи чирқираб қанот қоқар...

Носир Фозилов ҳақида ёзганимда устозни қозоқлар не қадар ҳурмат қилганларини Туркистондаги адабиёт кунлари мисолида тасвирлаган эдим. Шунга ўхшаган воқеа Қирғизистонда содир бўлган эди. 1989 йил эди шекилли, қирғизларнинг ардоқли шоири Тўхтағулнинг таваллуд тўйига Турсунбой ака, шоир Шавкат Раҳмон, адабиётшунос дўстимиз Зухриддин билан бирга бордик. Чингиз Айтматовнинг ўзлари бошқарган бу тадбир жуда кенг кўламда тайёрланган эди. Авваллари бунақа тадбирларга советнинг 15 республикасида, Москва ва ленинградлик шоирларгина таклиф қилинарди. Бу сафар хориждаги барча қирғизлар билан бир қаторда туркийларнинг шоирлари чорланган эди. Биринчи куни Чингиз оға билан кўришдик. Рус тилида саломлашиб, дўстлари Одил Ёқубов, Пиримқул Қодиров, Шукруллонинг саломларини етказдим. Чингиз оға “Манасни



ўзбекча сўйлатган шоир”, деб Турсунбой ака билан алоҳида сўрашдилар. Саломлашаётган пайтимда атрофга аланглаб кўйганимни Турсунбой акам сезган эканлар. Ташқарига чикқач, “Жўлонни кидирдингизми?” – деб сўрадилар. Кейин ҳазинлик билан изоҳ бердилар: “Сизга айтмовдим, Жўлон яқинда вафот этган...”

Жўлон Мамитов – қирғизларнинг забардаст шоирларидан бири, Чингиз Айтматовнинг яқин ёрдамчиси эди.

Чингиз Айтматовнинг ҳузурларидан чикқанимиздан сўнг Турсунбой ака билан Жўлон оғанинг уйларига бориб, янгамизга таъзия билдирдик, дуойи фотиҳа қилиб кайтдик.

Эртасига эрталаб меҳмонхона кўчасида элликдан зиёд “ПАЗ” русумли автобуслар терилганини кўриб “Наҳот, меҳмонлар шунча кўп бўлса”, деб ажабландим. Оддий тоғ йўллари эмас, қорли довондан ошиб ўтиш лозим бўлгани сабабли шу русумли автобусларда кетдик. Битта автобусда 4-5 меҳмон ва ўнга яқин мезбонлар. Мезбонлар катта-катта сумкалар билан чиқишганда “Шунча юкни нима қилишар экан?” деб ҳайрон бўлдим. Турсунбой ака бошқа автобусга, биз Шавкатжон билан бошқасига жойлашдик. Кейин билсам, мезбонларнинг сумкалари ичимлик ва ҳар турли таомлар билан тўла экан. Тоғ йўлларида кун бўйи йўл юрар чоғимизда улар бизни меҳмон қилиб кетишлари лозим экан. Шу ўринда ноқулай аҳвол юзага келди: меҳмонлар, яъни Шавкат Раҳмон билан мен ароқ-коньяк ичмаймиз, мезбонлар эса аксинча. Мезбонларнинг барчаси ижодкор: бири адабиёт нашриётида бош муҳаррир, бири адабиёт газетасида мухбир... Аввалига таклиф қилишди, сўнг пича зўрлашди, кейин эътибор бермай, ўзларини ўзлари меҳмон қилаверишди. Биз жуда тотли пиширилган гўштли таомлар билан ҳузурландик. Ёзнинг иссиқ кунисида қорли довондан ўтиб, Ўш вилоятига



кириб бордик. Тўхтағул туғилиб яшаган овулга бориб кўндик. Кенг яйловга юздан ошиқ оқ ўтов тикланган экан. Битта ўтов бизга тегди. Ҳар бир ўтовда тўкин дастурхон. Кечки пайт гулханлар ёқилиб, атроф ажиб бир гўзаллик касб этди. Учовлон айландик. Ўтовлар ёнидан ўтаётганимизда ичкаридан “Турсунбай, Турсунбай оға!” – деган хитоблар янграрди. Ҳар бирлари ичкарига чорлар, бирга ўтиришга ундашарди.

Биз ўтовимизга кириб жойларимизга чўзилдик. Тоғ хавоси, ўтов... Бунақа сурурли дамлар мавжудлигини илгари тасаввур ҳам қилмаган эдим.

Таваллуд тўйига доир тадбирлар ниҳоясига етгач, яна ўша автобусларга ўтирдик.

Фрунзегга кечки салкинда етиб келдик. Энди дам оламиз, десак, Турсунбой акам “Бугун дам олиш йўқ”, деб кулдилар, кейин изох бердилар: “Қаранглар оғажонимиз кутиб турибдилар”. “Олой маликаси” деб шуҳрат топган Қурбонжон додхоҳ ҳақидаги роман муаллифи “Ҳой Турсунбой, сени икки кундан бери кутаман”, деб кучоқ очиб қаршиладилар. Ресторанда қаҳва ичиб гаплашиб ўтирдик.

Таваллуд тўйининг асосий яқунловчи тантанали мажлисида мен Ўзбекистон номидан сўзга чиқишим керак эди. Мажлисни Чингиз Айтматов олиб боришлари мени анча ҳаяжонга солди. Салқам минг кишилик зал, телевидение тўғридан-тўғри бутун Қирғизистонга уза-тади, шубҳасиз, ўшликлар, ҳатто андижонликлар ҳам кўришади. Маънилик гап айтсам айтдим, йўкса, шарманда бўламан, маломатга қоламан.

– Ё ўзингиз чиқинг ё гапирмай кўя қолайлик, – дедим.

– Мен оддий шоирман, сиз расмий вакилсиз, – дедилар Турсунбой ака. – Ўзбекистон номидан гапиришингиз шарт, чунки Тўхтағулнинг ҳаёти ҳам, ижоди ҳам Ўзбекистон билан чамбарчас боғлиқ.



Хаяжонни енгиш учун гапирадиган гапларимни ўзбек ва рус тилида қоғозга туширдим-да, Турсунбой акамга ўқиб бердим. Мен фақат Тўхтагулнинг шеърляти ҳақида гапирмай, шу баҳонада ўзбек, қирғиз, козок, тожик, туркманларнинг оддий дўст эмас, қариндош – туғис, бовур эканини таъкидламоқчи эдим. “Халқлар дўстлиги – адабиётлар дўстлиги” деган машҳур шиорга жиндек таъриф бериб, “Рус ёки молдован халқи билан дўстмиз, кўшниларибиз билан эса ҳам қариндош, ҳам дўстмиз, Ота-боболарибиз бизларга фақат дўстликни эмас, қариндошликни мерос қилиб кетганлар, харитадаги чегаралар қалбларибизга кўчмаслиги керак”, деб хулоса ясаган эдим.

– Нима қилсам экан, русча гапириш ноқулай бўляпти, тилибиз ҳам дилибиз ҳам бир бўлса-ю, русча гапирсам ғалати бўлмасмикин?

– Ғалати бўлади.

– Лекин кўпчилик ўзбекчага тушунмаслиги мумкин-да?

– Бунинг йўли осон, сиз гапларингизни элакдан ўтказиб, форсча, арабча сўзларни чиқараб ташланг, шунда қирғизлар ошпа-осон тушунишади.

Бу ишни биргаликда бажардик. Маърузамни яхши қабул қилишди, икки-уч марта қарсак ҳам чалишди. Жойимга қайтаётганимда Чингиз оға русчалаб “Баракалла”, деб қўйдилар...

Турсунбой ака ҳар қанча ҳазилкаш, кенгфеълли бўлганлари билан ўзларига яраша тажанг ҳам эдилар. Қувонганида баралла хаҳолаб куладиган одам нимадандир ғашланса тунд бўлиб оларди. Пенсоналари тиришиб кетарди. Ғашланганларини яшира олмасдилар. Мен буни дарров сезардим. Айниқса, “Чўлпон” нашриётида ишлаётганимизда бунақа воқеалар тез-тез бўлиб турарди. Бунақа ҳолатларда икковимиз расмий муомалага кўчардик:



– Ҳа, ўртоқ Адашбоев, яна нима бўлди? – дердим.

– Тоҳир Абдумаликович, кўрмайсизми бу қоқбошни, тўпламингизда иккитагина шеър бор, бошқалари ярамайди, десам, “Нега Анвар Обиджоннинг китобини ҳар йили чиқарасизлару, менинг йўлимни тўсасизлар”, дейди. “Анвар қайда-ю, сен қайдасан!” – дедим.

– Яна шунақа даъвогарлар келиб қолса, “Агар Анвар ҳар ҳафтада биттадан китоб ёзиб бера олса, ҳар ҳафтада янги китобини нашр этамиз”, деб айтаверинг...

Бир хонада ўтирганимиз учун бир оила фарзандидек бўлиб қолган эдик.

Турсунбой аканинг Ўшдан Тошкентга келишларига сабаб болалар адабиётига янада астойдилроқ хизмат қилиш эди. “Чўлпон” нашриёти ташкил этилиши билан Турсунбой акани бўлим мудури вазифасига таклиф қилдик. Тезда келдилар. Сўнг Бош муҳаррир вазифасига сайландилар. Бош муҳаррир вазифасига таклиф қилинганларида кўнмадилар:

– Мен дангалчи одамман, “отанг яхши-онанг яхши”, деб чала шоирлар билан мураса қила олмайман. Бош муҳаррир бўлсам жанжалдан бошим чиқмай қолади, – дедилар.

Бошқа жойга ўтиб кетганим билан ҳафтада икки-уч марта пешин чоғи бирга овқатланардик, бирон сабаб билан учрашолмай қолсак, телефон қилиб турардилар. Тобим қочиб юрган кезлари аҳволимни сўраганларида “Худога шукр, яхшиман”, десам, “Ҳа, хайрият. Оғриманг”, деб дуо қилардилар.

Тошкентда ишлаб юриб ҳам қирғизларга хизмат қилишдан чарчамадилар. Бадиий адабиётдан таржималарни давом эттириш баробаринда Ўзбекистондаги қирғиз мактаблари учун чиқариладиган дарсликларни тайёрлашда фаол иштирок этдилар. “Чўлпон” нашриёти таназзулга учрагач, Ёзувчилар уюшмасида болалар



адабиёти кенгашининг масъул котиби вазифасида кўп хайрли ишлар қилдилар.

Санъаткорлар сахнада жон берган артистларнинг фидойилигини мақтайдилар. Турсунбой ака Қирғизистон элчиси билан учрашувга кетаётиб жон берибдилар. Жума намозидан сўнг бизникига келмоқчи эдилар. Элчихона йўлида вафот этишларида бир рамзий маъно бордай кўринди...

Хотираларни бетўхтов давом эттиришим мумкин. Эҳтимол, яна бу мавзуга қайтарман, эҳтимол бу покиза қалбли одамнинг қиёфаси бадий асарларга ҳам кўчар. Турсунбой акамнинг ҳаётлари битта яхши романга асос бўла олади.

## БАХТСИЗЛИК АСЛИДА БАХТДИР

Туғишган акадек бўлиб қолган, дўст ҳақида нақадар латиф, нақадар самимий, кенг кўламли хотира. Инсон ҳаётининг ёрқин, жонли бир парчаси. Ўқишга берилганимдан поезд узундан-узун тоғ ости йўлагидан ўтиб ҳам бўпти, Попга ҳам етиб келибди. Лекин бу ёқларда ҳам ёмғир заптига олган эди. Паға-паға булутлар давон оша водий узра ёпириларди. Мен хотира таъсирида беихтиёр Тохирнинг кўл телефонига кўнғирок қилдим. Яхши бир асар ўқигандек мазза қилганимни айтиб, баҳонада ҳол-аҳвол сўраб кўймоқчи бўлдим. Аммо боғлана олмадим. Телефоннинг антенаси ишламади. Биз Тохир билан оддий телефон тутардик.

Тохирнинг қачон янги асарини ўқисам, муҳаррирлик қилсам мендан лўндагина, мухтасаргина баҳо кутарди. Узундан-узун ҳамду саноларни ёқтирмасиди. Бирок нима дейсиз, деб алоҳида сўрамасиди ҳам. Аммо таҳририятимиз ходимлари орасида, сўрайдиган одамлари бор эди. Улар китобни саҳифаловчи Мастура Атхамо-



ва, мусаххихлар Маъмура Зиямухамедова, Шарофат Хуррамовалар бўларди. Чунки улар асарнинг биринчи ўқувчилари ҳисобланарди-да. Шунинг учун уларнинг баҳоси Тоҳир учун муҳим эди. У оддий, кенг китобхонлар учун ёзарди. Қизларимизга ана ўша кенг китобхонларнинг бир вакили қаторида қарарди.

Тоҳирнинг “Сано стандарт” нашриётидан босилиб чиққан сўнги китоби “Охират” бўлди. Уни дастхат билан ёзиб, менга тақдим этди. Китоб уйга боргач, қўлма-қўл бўлиб менга ортмай қолди. Шу орада “Шарк”да Тоҳирнинг 13, 14-томлари босилиб чиқди. Нишона сонини олиб уйига бордим. Тоҳир гап орасида “Охират”ни ўқидингизми, деб сўраб қолди. Сабабини айтган эдим, китобнинг бошқасига: “Қадрдонимиз Эркин хожи акамизга ва Зухраҳон янгамизга эҳтиром билан: Яна қавс ичида (Ўғилларига бериб юбормаслик шарти билан) деб дастхат қўйиб менга узатди. Бу, албатта, ўқиб чиқинг дегани эди.

“Охират”ни ўқиб, янгича қарашларни саҳналаштирса, кино қилса бўладиган ҳикоя ва қиссаларга гувоҳ бўлдим. Тоҳирнинг ҳамма ёзган асарлари Илоҳий рух билан суғорилган бўларди. “Охират”даги асарларнинг аксарияти Куръон оятлари, Пайғамбаримиз алайҳиссалом ҳадислари билан тўйинган эди. Ҳа “Охират” номига яраша бир китоб бўлган эди. Мен Тоҳирга қўнғироқ қилиб:

– Китобингизда бир доно киши шундай деган экан: **“БАХТСИЗЛИК МЕНИ ЮКСАЛТИРДИ. БАХТСИЗЛИК ИЧИДА БАХТИМНИ ТОПДИМ. ШУНДАЙ ЭКАН, ҲАҚИҚИЙ БАХТНИ ҲИС ҚИЛИШГА САБАБЧИ БЎЛГАН БАХТСИЗЛИК АСЛИДА БАХТДИР”** деб ёзибсиз. Шу сўзларни оқ қоғозга кўчириб, рўпарамга қўйиб қўйсам-да доно кишининг ўрнига **ТОҲИР МАЛИК** деб ёзсам майлими, деб сўрадим. Тоҳир беғубор кулиб қўйди-да, майли деди.



## ЎШДАН САЛОМ АЙТМОҚЧИ БЎЛГАНИМ

Сулаймон тоғи деб, Сулаймон алайҳиссалом номлари билан машҳур бўлган қадимги Ўш диёрига Тоҳирнинг Турсунбой ака ҳақидаги хотираси таъсирида кириб бордим. Йўл-йўлакай кечган воқеаларни Тоҳир ўз хотирасида ёзганидек эслаб қолишга ҳаракат қиламан. Ҳайратланарлиси Тоҳир ўз хотирасида адабиётшунос олим деб тилга олган, сўз нуктадони Зухриддин Исомиддинов Турсунбой ака ҳаёти ва ижодига бағишланган илмий-амалий конференцияда нутқ ирода қилдилар. Шундай сўзладиларки, ўттиз уч минг талабаси бор Ўш университетининг мажлислар залида ўтирган ўзбек ҳам, қирғиз ҳам бирдек тушунди. Яна энг қувонарлиси Аҳмаджон Мелибоев олиб борган Бобур номидаги Ўш вилояти театри биносидаги анжуманга Тоҳир хотирасида тилга олган шайх Алауддин Мансур ҳам Қорасувдан етиб келибдилар. Кўп қатори у киши ҳам сўзга чиқиб, Турсунбой ака орқали ўзбекистонлик ижодкорлар Тоҳир Малик, Эркин Аъзам, Носир Фозилов, Эркин Воҳидов, Ўткир Ҳошимов, Аъзам Ўктам, Рауф Парфи ва бошқа жуда кўп таниқли ёзувчилар билан танишганларини айтдилар. Икки қардош халқ – Ўзбек ва Қирғиз халқлари қалам аҳлларини бир-бирларига яқинлаштиришда, адабий алоқаларни ўрнатишда, асарларини таржима қилишда Турсунбой Адашбоев катта ҳисса қўшганлигини алоҳида таъкидлаб ўтдилар.

Ўшда уч кун бўлган бўлсак, шу кунлар мобайнида ёмғир тинмади. Интернетдан Тошкентда ҳам ёғаётганини кузатдик. Қулоғим Тошкентда бўлиб турди... Бир ҳисобда Тоҳирни йўлга чиқмаганига хурсанд бўлдим. Театр биносидаги анжуманда ва Анвар Обиджон билан Ўш телевидениесида бўлган тўғридан-тўғри мулоқотда Ўш халқига Тоҳирнинг қайноқ, туганмас саломларини йўлладим.



Шу ўринда бир нарсани айтишим керак. Турсунбой ака 70 ёшга тўлганларида камина у киши ҳақида “Ўзини билмаган одам” деган мақола ёзган эдим. Тохир ўқиб: “Аканинг бошқаларга ибрат бўладиган қирраларини топиб ёзибсиз, маъкул” деган эди. Ҳозир ўша мақоладан баъзи ўринларини келтирсам, Тохир Малик нима учун у кишини ҳурмат қилганини, яхши кўрганини билиб оласиз.

### ЎЗИНИ БИЛМАГАН ОДАМ

Ўтган асрнинг охирлари эди. Болаларнинг ажойиб шоири, ёзувчиси Сафар Барно «Гулхан» журналида бош муҳаррир, камина эса «Фунча»да ишлардим. Хоналаримиз битта қаватда эди. Бир куни Сафар Барно олдимга кириб: «Сизни ўзини билмайдиган одам билан таништирайми?» деб қолди. Ким экан дегандек Сафарга қарадим. «Келиши билан кўнғироқ қиламан, хонамга кириб борасиз» деди. Одатда ҳар иккала болалар журналига турли-туман қаламкашлар келишар, баъзилари бўлар-бўлмас нарсаларини тикиштириши билан асабга тегарди. Яна битта шунақаси келса керак-да деб ўйладим.

Сафар ваъдасига биноан кўнғироқ қилди. Йўқ, нарсани баҳона қилиб, аста хонасига кириб бордим. Турсунбой Адашбоев келган экан. У кишини кўриб хурсанд бўлиб кетдим. Ўзини билмайдиган одамни уч кишилашиб «тузлаймиз» шекилли деб ўйладим. Турсунбой ака ҳар ҳолда холис одам-да. Бунинг устига кимсан Миртемирдек улуғ шоирнинг назарига тушган, Қудрат Ҳикмат болаларнинг яхши шоири деб тан олган. Маза-матрасиз шеърлар кўлига тушиб қолса авра-астарини ағдариб, пародиялар ёзади. Шунинг учун ҳам Сафар Турсунбой акани атайлаб чақирган бўлиши ҳам мумкин. Сездимки, «Ўзини билмайдиган» одам унча-бунча одамлардан



эмас, хақиқий даҳанаки «жанг» бўладиганга ўхшарди.

Турсунбой Адашбоев одатича камина билан шошибгина салом-алик қилди-да, кутилмаганда Сафарга қараб:

– Гап шу, оғайни, йўқса, мен борай, – деди.

У кишининг феълени билардим. Лакиллаб ўтиришни ёмон кўрарди.

«Ҳа» ва «йўқ»дан кейин «вактингларни олмай, ишлик одамсизлар» деб ғойиб бўп қоларди. Келишидан кетиши тез эди. Ҳозир ҳам Сафар ўз дардини айтиб улгурмаган шескилли жўнаб қолмоқчи. Аммо улар ўртасида мен хузурларига киргунча нимадир бўлгани сезилиб турарди.

– Менга қара ҳов оғайни, – деди Сафар кулиб туриб, – нима қиласан шуларингни ҳадеб тикиштировриб (улар қалин дўст, бир-бирларини сансирашарди) ўзингни билсанг-чи. Мана, достонингни журналнинг шу сонига қўйдик, яна нима дейсан?

– Мени ҳалиям билмайсанми, Сафар дўстим, – деб иягини найза қилди Турсунбой ака, – билмасанг билиб қўй, мен, шунақа, ўзини билмайдиганларданман, достонимни олиб ташла-да ўрнига шогирдларимникини қўй. Мен уларга ваъда бериб қўйганман...

Ўшанда мен Турсунбой акани ўзим учун қайта кашф этган эдим. Бунақа ўзинимас шогирдларини ўйлашга хос фазилатларни Ойбек, Абдулла Каҳҳор, Зулфия, Ғайратий, Шуҳрат, Асқад Мухтор каби устозларда кузатган эдик. Орамизда ҳам шунақа бағри кенг дўстларимиз бор экану эътибор қилмас эканмиз.

Кейинги йилларда Турсунбой ака билан деярли бирга-бирга ишлаб келяпмиз. «Деярли» деганимнинг сабаби у киши “Шарқ” нашриётидан маош олмайдилар, лекин битта ойлик оладиган кишидек меҳнат қилдилар. У кишининг ташвишларини қаранг: «Маршак,



Чуковский, Андерсен, Носов деган домлаларнинг асарларини таржима қилиб, ҳозирги болаларимизга етказишимиз керак. Улар жаҳон классикасига кирган зотлар. Асарларининг тарбиявий жиҳати кучли. Италиялик Жованний деганлари бор. Боғча ёшидаги боланинг қалласига кўшиш, олиш – тўрт амални шеър билан шундоқкина қўйиб қўя қолган»...

Яна Турсунбой ака бутун умрини болалар адабиётига бағишлаб ўтиб кетган Зафар Диёр, Қудрат Ҳикмат, Илёс Муслим, Маҳмуд Муродов, Азиз Абдураззоқ, Толиб Йўлдош, Сафар Барно, Ҳамза Имонбердиевларнинг китобларини чоп этиш кераклигини айтади. Мен «шундай қилишимиз керак» дейман-у ўйланиб қоламан. Турсунбой ака жудаям зийрак инсон. Нимага ўйланиб қолганимни дарровда тушунадилар. «Сиз ташвиш қилманг, ҳаммасини ўзим ташкиллаштираман. Нашр режасига киритиб қўйсангиз бўлди. Иложи бўлса расмларию муқовасигача чиздириб, босмахонага тайёр тушадиган қилиб, олиб келаман».

Юрагимда у кишининг беминнат, самимий меҳнатларини тақдирлаб қўйишдек бир иштибоҳ ғимирлайди. Нимага у киши ўзини эмас бошқаларни ўйлаганда биз у кишини ўйламаслигимиз керак? Ахир саломга яраша алик ҳам бўлиши керак-ку.

– Ўзларининг китобига ҳам навбат келди шекилли? – дейман ўзимча у кишини хурсанд қилмоқчи бўлиб.

– Келинг, сиздан у гина, биздан бу гина бўмай қўя қолсин, – дейдилар гапни чўрт кесиб, – олдин режалаштирган шогирдларнинг, устозларнинг китобларини чиқариб олайлик-а, меники бир гап бўлар...

Бу орада Самуил Маршакнинг «Тентак овчи», Корней Чуковскийнинг «Доктор Войжоним», Жованни Рабонининг «Мушук котангенснинг арифметика дафтари», Қудрат Ҳикматнинг «Менинг Ватаним», Сафар



Барнонинг «Сайроқи беданалар», Муқим Қодирнинг «Огоҳ бўл, ўғлим», Ҳамза Имонбердиевнинг шеърлари, Азиз Абдураззоқнинг эртақлари босилиб чиқди. Ҳаммасига у киши муҳаррирлик қилди.

Ниҳоят, кунлардан бир кун Турсунбой ака ўз китобидан гап очиб қолди. Хайрият-ей дедим ичимда, ниҳоят ўзларидан садо чиқди-я ўзини ҳам ўйлар экан-ку бу одам.

– Гап бўлиши мумкин эмас. Эркалик қилишга юз фоиз ҳаққингиз бор, хизматларингизни нашриётдагилар кўриб, билиб турибди, – дедим.

Турсунбой ака муқовасигача ишланиб тайёр қилинган «Орзуларим кўшқанотим» китобини кўлимга тутказди. Сараланган, деярли янги шеърлар.

– Гап бундай, – деди у киши, – мен нимаики қилаётган бўлсам бари пейсабиллоҳ, буни устига нафақада бўлсам, шу ишларни қилмасам нима ҳам қилардим, оғайни.

– Китобни босамиз деяпсизми, тилингизга шакар, лекин олдиндан айтиб кўяй, бу китобнинг ҳомийси бор. Кимлигини айтмайми, – дея қаддини ростлаб, мийиғида кулди Турсунбой ака. – Ўғлим МУРОДЖОН китобингизни чиқариб, дуоингизни олай деяпти, барака топкур. Келинг, боламми сазаси ўлмасин-а, нима дедингиз?

Тилим айланмай қолди. Аллоҳ, қанчалар қудратли, меҳрибон. Бу одам бошқаларни ўйлаб юрганда Худо фарзандига бойлик бериб, отасини уйлатиб қўйибдимми, балли. Бундан ортиқ, бахт борми ота учун.

– Лекин битта ўтинчим бор, – деди Турсунбой ака сал ноқулайлик туйиб, Абдурахмон Акбарни биласиз, шогирдим, шеърлари жуда гўзал, жуда забардаст, шу менга қилинмоқчи бўлган ҳимматни шу йигитга қилсак нима дедингиз?

Дарҳақиқат, Абдурахмон Акбарнинг «Уйқучининг тушлари» деган ўн саккиз босма тобоқдан иборат шеъ-



рий китоби босилиб чиқди. Жамоатчилик яхши баҳолади. Шоир укамиз шу йили «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими» деган унвон билан тақдирланди. Устоз Турсунбой Адашбоев худди ўзи унвон олгандек мактаниб юрди.

Шунингдек, вилоятларда ижод қилаётган болалар шоири ва ёзувчиларидан: Зафар Исомиддин, Муродбой Низонов, Содикжон Иноятов, Худойберди Комилов, Кўзи Исмоил каби ижодкорларни излаб топди, китобларини нашрга тайёрлади. «Шарк» нашриёти Бош тахририяти ўзини эмас кўпроқ бошқаларни ўйлаб яшайдиган Турсунбой Адашбоевнинг «Олтин ёлли тулпор», «Латифбойнинг лофлари» китобларини босмадан чиқарди. Ажаб, ўзини эмас, бошқаларни ўйлаб яшаган умр нақадар гўзал умр.

Тоҳир Малик ҳамиша ана шунақа инсонлар билан яқин эди. Фурурланарди, керак бўлиб қолса ҳеч бир иккиланмай тарафқашлик қиларди.

Камтарин инсон Турсунбой Адашбоевнинг 80 йиллиги Тоҳир орзу қилган даражада юқори савияда ўтди. Ҳа, одам бу ёруғ дунёдан ўтганидан кейин унга бўладиган эҳтиром ва эъзозлар бошқача, жуда қимматли туйилар экан. Турсунбой акани Қирғизистонда ҳам Ўзбекистонда ҳам бирдек яхши кўришар экан. Тоҳир “ИККИ ЮРТНИНГ СУЮКЛИСИ” деб бекорга ёзмаган.

Ўш сафардан ана шундай ёруғ хотиралар билан қайтиб, Ўшдан салом айтиш мақсадида дарровда Тоҳирга қўнғироқ қилдим. Ўзимча бир ҳисобот бериб қўймоқчи эдим. Гўшакни яна келинимиз кўтарди. Салом-алиқдан сўнг:

– Яхшиям Ўшга бормаганлари, касаллари кўзиб, скорийда касалхонага олиб кетишди, операция ҳам қилишди, ҳозир реанимациядалар, – деди келин бир аҳволда.



Операция сўзи Тоҳир учун ҳам бизлар учун ҳам янгилик эмасди. Қадрдонимиз кейинги йигирма йил ичида бир эмас бир неча бор жарроҳлик амалиётини бошидан кечирди. Ҳар гал операциядан хабар топган “Шарқ” нашриёти ходимлари шошиб қолардилар. Тоҳирнинг китоби ишлаб чиқаришга тушган бўлса тезроқ чоп этайлик, у ёзувчимизнинг дардига малҳам бўлайлик дейишарди. Ана шунақа содда ва самимий интиқлик бўларди. Мен китобнинг икки дона нишона сонини олиб жон деб касалхонага чопардим. Жонлантириш бўлимига бўлса ҳам ҳамширалардан киритиб юборардим. Ёзувчига мадад бўлади, дердим. “Одамийлик мулки”да ҳам, “Самум”да ҳам шундай бўлган эди. Тоҳир дардга ниҳоятда полвон эди. Мен Тоҳир Малик касалхонада дард билан эмас, ёзилажак янги бир асар билан олишиб ётибди, деб кўярдим, ўзимча. Буни касалхонадан чиққанидан кейин ўзига ҳам айтганман. Дарҳақиқат, уйга кайтгандан кейин орадан кўп ўтмай “Бекажон”да янги бир асар эълон қилинарди. Ҳа, қадрдоним Тоҳир Малик санатория, курорт деган нарсаларни билмасиди, чет элларга сайру саёҳатларга чиққанини эслай олмайман. Бир марта, ўшанда ҳам зўрлаб “Шарқ”нинг профилакториясида ўн кун дам олган эдик. Эл ардоғидаги ёзувчининг умри уй – ишхона, Милиция академияси – касалхона ўртасида кечарди.

## ТОҲИР МАЛИК ВА ИСЛОМ ШОҒУЛОМОВ

Шу ерда бир нарсани айтиб ўтишим керак. Бундан ўттиз йиллар муқаддам “Шарқ” нашриётининг директори, матбаачиларнинг устози марҳум Ислон Шоғуломов Тоҳирни Бош муҳаррирликка таклиф қилмоқчилигини айтиб, билинг-чи келармикан дедилар. Тоҳир Ислон аканинг мардлиги, жўмардлиги ва адабиётни



яхши тушунишини хурмат қиларди. Чунки “Шайтанат” асари ёзилгандан кейин бошқа бир нашриётда босилмай, узоқ туриб қолди-да. Ислом ака “Шарк юлдузи” журналида чоп этилганда ўқиган эканлар. Тохирдан сўраб олдилар-да, биров сўраб қолса ўзим жавоб берман деб, шартта катта тиражда нашр этиб юборадилар. Асар ёзувчимизга шуҳрат, нашриётга яхшигина даромад олиб келди. Бу жўмардликка жавобан ёзувчимиз биринчи китобига қалам ҳақи олмади. “Шайтанат”нинг иккинчи китобига қалам ҳақи олганини яхши билайман. Тошкентнинг марказий универмагига кириб, битта плащ, битта шляпа ва битта галстук сотиб олган эдик. Қалам ҳақи шуларга етган, шунга ҳам хурсанд бўлган эди. Мен Ислом аканинг таклифини Тохир жон деб қабул қилса керак деб ўйладим. Камина у пайтда Тохир келадиган таҳририятнинг болалар адабиёти бўлимида ишлардим. Келинг бирга ишлайлик, сиз келсангиз одамлар бўлар-бўлмас китобларини қўлтиклаб келавермайди, энг яхши, сара асарларни чоп этамиз дедим. Зотан Ислом аканинг мақсадлари ҳам шу дедим. Тохирнинг юз қарашларидан иккиланаётганини пайқаб қолдим. Билсам уни Милиция академиясига ишга чақиринишгаётган экан. Мен уни у ёқ сизнинг оламингиз эмас, сизнинг қозонингиз шу ерда, нашриётда қайнайди-ку, деб қайтармоқчи бўлдим. Шунда Тохир енгил бир энтикди-да:

Биласизми, у ерга ҳам халқимизнинг қора кўзлари ўқигани келишади, деди. Битириб чикиб, чиройли формаларни кийиб юрганларини кўп кузатаман. Формалари чиройлию, ўзлари таёққа ўхшашади, букилишни билишмайди. Бекорга Сергей Михалков “Милиционер Стёпа амакини” ёзмаган. Стёпа ёзувчининг ширин бир орзуси, хаёли. Китобни ўқиган каттаю кичик Стёпа амакини яхши кўриб қолади. Лекин ҳаётдаги Стёпалар-



дан кўрқишади. Милицияга бервораман, милиция чакираман, ана милиция келяпти деб бир-бирини кўркитишади. Бу яхшимас. Бундай ҳолат билан жамиятга баҳо бериб бўлмайди. Шу боис ёшларга дарс берсаму зора Стёпа амакилар кўпайса дейман. Бунинг учун тингловчилар қалбига Қуръонни, иймонни, ҳалол нимаю ҳаром нимани, ҳазрати Пайғамбаримиз ҳадисларини, адабиётни олиб кириш керак. Академия раҳбарларининг ниятлари ҳам, аслида, шу бўлиши керак, – деган гапларни айтганда Тоҳирга тан берган эдим. Гапнинг рости ҳамма ҳам бунақа қамровда фикрлай олмайди-да, нима дедингиз? Мен Тоҳирнинг гапларини Ислом акага айтганимда у киши ўзларини ўриндиқ суянчиғига бир ташлаб, бошларини лиқиллатиб “хаа...” деб кўйган эдилар.

## ТОҲИР МАЛИК ВА ШАЙХ ҲАЗРАТЛАРИ

Юқорида “кенг қамровли” дедиму, Тоҳир билан боғлиқ яна бир воқеани эслаб қолдим. У пайтлар “Қайта қуриш” деган, Горбачёв даврлари эди. Тақа-тақ ёпиб кўйилган Ислом оламининг эшиклари очилган, ҳамма билса-билмаса эски китобларга ёпишган, кечагина комсомол, коммунист бўлган, чўнтагида худосиз деган партия билети бўла туриб кўпчилик маддоҳликка ўтган, газета ва журналлар, радио ва телевидение кўрсатувлари турли-туман ривоятлар ва ҳикоятлар билан тўлиб тошган. Бири боғдан кириб, иккинчиси тоғдан чиқарди. Бу пайтда шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф ҳазратлари муфти эдилар. Тоҳир журналист ва ёзувчиларни бошини бир ерга жамлаб, Ислом институтига олиб борган. Шайх ҳазратлари вақт топиб бизни ўқитардилар. Ёзганингизда Аллоҳнинг исмини, Қуръон сўзини кагта ҳарфлар билан ёзинглар, Пайғамбаримиз-



ни жўнгина қилиб Муҳаммад деманглар, исмларидан кейин албатта “соллаллоҳу алайҳи васаллам” сифатларини айтинглар, буни айтишга тилинглар келишмаса, пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом денглар, ҳадис келтирганда, албатта, ровийси билан айтинглар, деб дарс ўтардилар. Тоҳир синфбошимиз эди. Кўпгина журналист ва ёзувчиларнинг исломий саводининг ошишига Тоҳир билан Ҳазрат сабабчи бўлган эдилар. Ва бу вақтли матбуотимизда ўзининг жуда катта самарасини берган. Муфтият диний йўналишдаги энг яхши телекўрсатувлар, радиоэшиттиришлар, мақолалар, шеърлар, хикоялар учун танловлар эълон қилди. Тоҳир танловнинг ҳайъат раиси эди. Ўшанда танловда ғолиб чиққанлар улуг ибодат – Ҳаж сафари билан тақдирланганлар. Шундай бахтга кейинчалик камина ҳам сазавор бўлганман.

Биз қаламкашлар бугун диний-маънавий мавзуларда баҳоли қудрат қалам тебратар эканмиз, ўша шукуҳли кунларни ва унинг ташкилотчилари бўлган шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф ҳазратлари ва Тоҳир Маликни миннатдорчилик туйғулари билан эслаймиз.

## ТОҲИР МАЛИКНИНГ ТАСДИҒИ

Шуларни ўйлаб, жонлантириш бўлимида ётган Тоҳирнинг умри узун бўлади, бу жарроҳлик амалиёти ҳам навбатдагиси холос, олдингиларидек тузалиб чиқиб, ижодда яна жавлон уради деб ишонардим.

Тоҳирнинг 17-томи “Ҳаёт қайиғи”ни босмага тушириб юборганда, беш китобдан иборат “Шайтанат” дилимдан ўтган эди. Ҳа, 18, 19, 20, 21 ва 22 қилиб, томликка улаб юборсак-чи? Лекин қароримни Тоҳирга айтишга улгурмаган эдим. Шунга келинимиздан сизни жонлантириш бўлимига қўйишса, мендан салом деб, таклифимни айтинг, рози бўлса “Шайтанат”ни ишлаб



чиқаришга тушириб юборамиз дедим. Келинимиз гапира олмасалар керак, чунки ҳавони оғиз орқали юборишяпти, деди. Сиз айтовринг барибир Тоҳирнинг мияси ишлаб туради. Ким билади калласида ҳали янги бир асар ёзилаётгандир дея келинимизга далда бўлдим.

Натижани билиш учун эртасига яна кўнғирок қилдим. Тоҳир келинимизни эшитиб, кўзини очиб-юмиб, тасдиқ ишорасини қилибди. Кўнглим тоғдек кўтарилди. Демак, Халқ ёзувчисининг хуши ўзида.

Лекин ўзимни қанчалик чалғитишга уринмай, барибир, хаёлим жонлантириш бўлимида. Шунчаки чалғиш учун компьютеримни кавлаштириб ўтириб, Тоҳир Малик билан боғлиқ видотасмага кўзим тушиб қолди. Мен у пайтда “Ҳилол нашр”да Бош муҳаррир эдим. У ерда асосан бадий китобларни тайёрлаш билан шуғулланардим. Тоҳир Маликнинг “Ҳилол нашр”да биринкетин “Меҳмон туйғулар”, “Фалак” ва “Зулмат салтанати” каби китоблари чоп этилди. Пойтахтимиздаги янги очилган “Китоблар олами” дўкони “Ҳилол нашр” билан биргаликда шу учала китобни тақдимотини ўтказадиган бўлди. Видеотасма шу тақдимот ҳақида эди. Мен ўша учрашув ёзувчимизнинг кўрсаткич бармоғини синдирган деб, кулиб эслардим. Айни пайтдаги эслашим ҳам Тоҳир кадрдонимнинг ўйнаб-кулиб, соғ-саломат юрган бахтиёр дамларини кўз олдимга келтириш, яна шундай кунларга етказишини Аллоҳдан сўраш эди.

## ТОҲИРНИНГ КЎРСАТКИЧ БАРМОҒИНИ СИНДИРГАН УЧРАШУВ

Ҳа, гап китоб тақдимоти ҳақида эди а? Камина “Ҳилол нашр” вакили бўлганим учун ҳам мажмуа директори Шухратжон сўзлаш навбатини биринчи бўлиб менга бердилар.



– Ассалому алайкум, азиз мухлислар ва азиз меҳмонлар, – дея сўзимни бошладим, – шундай бир китоблар қасрида, шундай бир учрашувни кўпдан орзу қилар эдик. Яна бир томони учрашув халқимизнинг энг сеvimли ёзувчиси Тоҳир Малик билан бўлаётганидир. Мен кўпгина чет элларда, жумладан Араб давлатларида бўлганман. У ердаги китоб дўконларини кўрганман. Лекин бунақасини кўрмаганман. Бунақаси ҳали МДХ давлатларида ҳам бўлмаса керак. Дўкон маъмуриятининг сайи-ҳаракати ва юртбошимизнинг қўллаб-қувватлашлари билан мана шундай илмлар кошонаси пайдо бўлди. Ушбу даргоҳнинг умри узок ва самарали бўлишини Аллоҳдан сўрайман.

“Ҳилол” нашриётининг асосчиси шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф раҳматуллоҳи алайҳ нашриёт очилгандан кейин шахсан Тоҳир Малик, ажойиб ёзувчи Муроджон Мансуров, Аҳмад Муҳаммад Турсун, камина ва бошқа қалам аҳлларини чақириб айтдиларки, бу нашриётда фақат менинг асарларим эмас, балки мумтоз адабиётимиз вакиллари, бугун қалам тебратаётган ёзувчиларимизнинг асарлари, болалар адабиётлари, умуман маънавиятга хизмат қиладиган барча асарлар чоп этилади деган эдилар. Мана, у кишининг айтганлари билан кейинги пайтда ўнлаб, йигирмалаб бадий адабиётлар чоп этилди. Мумтоз адабиётимиздан “Алишер Навоий”, “Махтумқули”, Саъдий Шерозий китобларини катта ҳажмларда чоп этдик. Болалар учун 20 га яқин рангли китоблар ўқувчилар кўлига теғди. Бадий адабиётлардан Муроджон Мансуровнинг “Ҳамманинг яшагиси келади”, Каримберди Тўрамуроднинг “Қадр кечаси” китоблари кўлма-кўл бўлиб ўқияпти. Энди бугунги учрашувимизнинг сабабчиси Тоҳир Малик асарлари ҳақида гапирадиган бўлсак, у кишининг китоблари нафақат “Ҳилол нашр”да балки ҳамма нашриётларда чоп



этиляпти. “Шарқ” нашриёти “Шайтанат”ни қайта-қайта чоп этиб келяпти, бугун совғага 5 томлигини олиб келдик. Энди бизни соғинтирган ҳамма гапларни Тоҳир Малик жанобларининг ўзларидан эшитсак, марҳамат, – деб микрофонни қадрдонимга бердим.

**ТОҲИР МАЛИК:**

– Ассалому алайкум, азизлар, қадрдонлар, қардошлар! Сизу бизларни илм-маърифат олиш имконини бериб, барча махлуқотлар ичида азиз ва мукаррам қилиб яратган Аллоҳ таолога шукурлар айтиш билан сўзимизни бошлаймиз. Ва бугунги кунда Сизлар билан учраштириб қўйгани учун ҳам Яратганга шукр қиламиз. Сизларга миннатдорчилик билдирганим ҳолда, мана шу ерга босиб келган ҳар бир қадамингларга Аллоҳдан чиройли мукофотлар бўлишини сўраб, дуолар қиламиз. Ва мана шулар қаторида, мана шундай илм-маърифат кошонаси бунёд этишда, ўша битта ғишт қўйишдан тортиб, битириб ва ҳозирги кунда бизларга хизмат қилдириб қўйган дўстларимизга ҳам Аллоҳдан чиройли мукофотлар сўраймиз. Чунки бу шунчаки бино эмас, шунчаки бир дўкон эмас, балки, Аллоҳ таоло бандаларига буюриб, “сенга ақл бердимми энди, илм олгин” деганидир. Бу йўлда шу ерда ишлаётганлар, босма-хоналарда ишлаётганлар ҳақиқа Сизлар билан биргаликда дуолар қиламиз. Бу учрашувимиз чин маънода дийдорлашувдир. Сиз, Эркин ака бунақа дўкон Осиёда ягона деяпсиз. Бўлса яна Японияда ёки Хитойда бўлиши мумкин. Бошқа жойларда йўқ. У ерларга бормаган бўлсам ҳам шундай деб ўйлайман. Энди савол-жавоб, мулоқотга кўпроқ вақт ажратиб, ўзим камроқ гапиришга ҳаракат қиламан. Чунки, айниқса, ёшларнинг саволи кўп бўлади. Ақлим етганича жавоб беришга ҳаракат қиламан. Лекин ундан олдин бир-иккита гапларни айтмоқчиман. Чунки, мана кўриб турибсизлар, ҳаваскор



чол ёшидаман. Ҳаваскор чолларда ёшларга насихат қилиш касаллиги бўлади. Шу касалликдан фойдаланиб, бир икки гапни айтай, эслаб юрасизлар, иншаа Аллоҳ. Бу гапларни китобларимда кўп айтганман, ёзганман. Бироқ жонли суҳбатда жиндай бошқачароқ бўлади.

Катта шоирларимиздан бири: “Мақсад на эрди жаҳона келдинг” деб шеър ёзган эдилар. Шоирлар кўпинча сермуболағалик бўлади, чунки одам туғилганда унда ҳеч қанақа мақсад бўлмайди. Нима мақсадда дунёга келганини ота-онасидан сўраш керак. Ота-онанинг ҳаракати ва Аллоҳнинг иродаси билан бола дунёга келади. Ва Аллоҳ Сиз ва биз билмаган ҳолда ҳаммамизнинг зиммамизга бир улуғ вазифаларни юклаб қўйган бўлади. Кимдир ўқиб, кимгадир ҳавас қилиб, кимёгар бўлар, кимдир муҳандис бўлар, кимдир заргар бўлар, кимдир олинг ана дурадгор бўлар. Буларни Аллоҳ туғилмасимиздан олдин белгилаб қўйган бўлади. Лекин дурадгор бўласизми, олим бўласизми, сизни ихтиёрингиз ва сизнинг ҳаракатингизга боғлиқ. Агарда сиз муҳандис бўлмиман десангиз бу ҳам сизнинг хоҳишингиз. Лекин Аллоҳ ҳаммамизга, тирик жонга ақл берган, яъни махлуқотлардан абзал қилиб, битта мажбурият берган. Агарда бу мажбуриятни бажармайдиган бўлса у Одам деган шарафли номга муносиб эмас. Бу вазифа оддий сўзлар билан айтганда – ЯХШИ ОДАМ бўлгин. Яхши одам бўлишга ҳамма мажбур. Боя айтганимдек, касб-корига қарамайди, ирқига қарамайди, ҳатто, динига ҳам қарамайди. У яхши одам бўлишга мажбур. Ва бошқаларга яхшилик қилиши шарт. Инсон қандай қилиб яхши одам бўлади? Бу дунёда нима яхшию, нима ёмон? Нима ҳалолу нима ҳаром? Буни билиш учун бир устоз керак. Устозимиз Роббим деймиз, яъни тарбиячимизнинг ўзи Аллоҳдир. Буни Аллоҳ Ўз китобида кўрсатиб қўйибди. Буни қилсанг-яхши одам бўласан, жаннатга



тушасан. Мана бу ёмон ишларни қилсанг, шайтоннинг йўлига кирсанг ёмон одам бўласан. Одам деган улуғ номга нолайиқ бўласан.

Халкимизда бир гап бор-ку, бир одам ҳақида гап кетса, “Э, у Одам эмас-ку” дейди. “У ҳайвон” дейди. Лекин суриштириб кўрсангиз у қилган ишни ҳайвон ҳам қилмаган бўлади. Демак, унинг борадиган жойи – аниқ, дўзах, чунки бу дунёда бошқалардан шундай баҳо олган одам у дунёда нималар деб жавоб беради? Бутун агрофдагилар, кўни-кўшнилари уни Одаммас деди-ку. Ана шундай одам бўлиб қолишдан Худо асрасин. Демак, сизу биз туғилганимиздан бошлаб, биринчи галда ота-оналаримизни, кейин бошқа устозларимизнинг раҳбарлигида яхши одам бўлишга ҳаракат қилишимиз керак.

Худо бизга тилни – яхши гапларни гапириш учун берди. Ёмон гапларни ҳам гапиравер деган бўлса мана эшакка ўхшаб ҳанграгиб кўярди. Ўзи эшакнинг ҳанграши ҳам ўзига яраша тил бўлса керак. Биз билмаймиз-ку уни. Эшакни тилини эшак тушунса керак, албатта. Худо яхши нарсаларни кўриб хулоса чиқарсин деб кўз берди. Ана шу, тил, кўз неъматларини қадрига етишимиз керак. Қуръони Каримда оятлар бор: Одамнинг аъзолари ҳам гувоҳлик беради қиёматда. Бу кўз билан нимани кўрдинг, нима хулоса чиқардинг? Бу тил билан нима дединг, кимни дардига малҳам бўлдинг, кимнинг юрагини тилкалаб ташладинг. Кимнинг юрагини уришдан тўхтатиб қўйдинг шу тил билан. Шунинг учун биз Худо берган ҳамма неъматларни – аъзоларимиздан тортиб, ақлимизгача тўғри ишлатишимиз керак бўлади. Аслида яхши одам бўлиш унчалик қийинмас. Математиклар тили билан айтганда оддий формула. Тилга нисбатан айтадиган бўлсак, ғийбат қилма! Бу оддий нарса. Бироқ ғийбат қилмай яшаш жуда қийин. Бу тарафи ҳам бор. Чунки шайтон васваса қилиб туради-да. Чақимчилик



қил деб. Бу кўпроқ қизларга тегишли. Турмушга чиққан қизларимиз билиб олинглар, қизлик уйингизга келганда қайнона, қайнотангиз ҳақида кўтариб келган ҳамма гапингиз чақимчиликка киради. Энг ёмони чақимчилик билан ғийбат кўшилади. Иккита гуноҳни содир қилган бўласиз. Шунинг учун қизларимиз тилга эҳтиёт бўлсинлар. Бу айни дамда ўғил болаларга ҳам тегишли. Улар ҳам ғийбатчи бўлиб кетишган. Ана қизлар чапак чалиб юборишди. Шуниси борки ўғил болалар бир-бирларини смс орқали ҳам ғийбат қилишаверади.

Энди яна бир нарса бор, сиз билан биз диққат қиладиган. Аллоҳ бизга жуда кўп неъматларни берди ва енглар, ичинглар, исроф қилманглар деди. Лекин биз жудаям исрофгармиз. Мана биз ёши кагталар эслаймиз. Масалан, менинг ёшим 70 га кирган бўлса озгина эслайман. Бир бурда нон учун кечаси билан дўкон олдида навбатда туришарди. Ҳозирги ёшларимиз эрталаб туриб, нонни ушлаб кўришади. Кечаги бўлса ейишмайди. Мана шуни, нонкўрлик, исрофгарчилик дейди. Бунинг жазосини вақти билан беради Аллоҳ. Шундан ўзи асрасин. Кейин кийим исрофи ҳам бор. Бир кишига иккита костюм етади. Бошқаси ортиқча. Бир хилларни, айниқса, артистларни кўрсатишади. Буларнинг нодонлигидан ғашим келади. Улар ўз исрофгарчилигини телевизорда мақтанишади. 50-70 та костюми бору, э, мингта костюминг бўлмайдими, шундан биттасини киясан-ку. Икки қават костюм кийсанг одамлар бу жинни дейди. Сен костюмларинг билан эмас – тўғри яшашинг, камтарлигинг билан мақтангин. Ва сен ўзингни мақтамагин. Сени одамлар мақтасин. Аллоҳ мақтасин.

Нон исрофи, кийим исрофи қанчалик гуноҳ бўлса, азиз болаларим, эсларингизда турсин, вақт, умр исрофи ҳам ана шундай гуноҳлар қаторида туради.

Вақт, иқтидор, зехн исрофи ҳам шундайдир. Маса-



лан, кимгадир Аллоҳ кимёгар бўлиш, математик ёки бошқа, марҳамат қилиб у ўша соҳада юрсин. Бой бўлман деб бозорга чиқиб кетмасин. Кимки Аллоҳ берган неъмат, касби бўйича кетмаса, шайтон йўлига кириб ташлаб кетса, у ҳам исрофга киради. Биз вақт исрофи бўйича ҳам бошқа халқлардан анча кўштирноқ ичида “илғормиз”. Вақтни кўп исроф қиламиз. Биз бу масалада аёлларни доим танқид қиламиз. Улар чалларда юради, бешиктўйида ва ҳоказо, деб. Эркаклар ҳам бу соҳада қолишмайдилар. Саудиядан келган биродаримиз ҳазиллашдилар. “Сизларга анча қийин экан. Сизлар фақат тунда овқат емас экансизлар. Биз эрталаб нонушта қиламиз, пешинда ва кечкурун. Сизлар овқат ейишни бомдодда бошлаб, кечкурун тугатаркансизлар”, деди.

Тўғри эркаклар эрталаб ошга йўрғалаб қолишади, намозни чала-чулпа ўқиб. Дардимиз ош. Вақт кетяпти. Китобимда ёзганман ёшларимиз ҳаётдан. Столба қоровуллари дейилади. Столбада чироқ ёниб тургани учун ўша ерда ўтириб олишади-да гап сотиб умрни совуришади. Икки соатлаб, уч соатлаб. Мен билмийман шунча вақт нимани гаплашиш мумкинлигини. Бу ҳам гуноҳга киради. Яъни кўчанинг ҳақиқага хиёнат қилган бўлади. Кўча болалари орасида жинойтга мойиллик жуда кучли. Айтайлик шундок, тўғри гаплашиб ўтиришибди. Ёмон ниятлари йўқ. Лекин кўчадан бир қиз ўтди, ёки йигит ўтди. Унга гап ташлашди. Бир жанжал чиқди ва фожеа юз беради. Вақт исрофи жинойтга сабаб бўлади.

Шунинг учун вақтингизни бекорчи нарсаларга сарф қилманг. Бу Сизларга тегишли эмас ўғилларим. Вақтни қимматли эканини билганинглар учун бу ерга келиб ўтирибсизлар. Бу ерга келмай юрган ўртоғинглар, дугонаглар бор. Ўшаларга айтиш керак, кел бекор гаплашиб ўтирмайлик-да битта ҳадисни ўрганайлик. Агар бир кунда битта ҳадисни ўргансак, бир йилда 360 та



ҳадисни ўрганамиз. Майли ёдламанг, ўрганинг. Масалан, “Илм ўрганиш ҳар бир муслим ва муслималарга фарздир”. Иккита учта сўздан иборат. Эртасига “Ҳасад қилманглар, олов ўтинни егани каби ҳасад одамни ўзини ейди”. Хўп ҳасад билан ҳаваснинг нима фарқи бор деб, мантиқан ўрганса, фикрласа бўлади-ку. Вақт исрофи ҳақида олимларнинг тадқиқотига мурожаат қилайлик. Физикада фойдали иш кайфиенти деган ибора бор. Яъни ҳар бир одам бир фойдали иш билан шуғулланиши керак. Аини дамда биз Сиз билан фойдали иш билан шуғулланяпмиз. Европадаги ўша ривожланган мамлакатларнинг халқларининг фойдали иш кайфиенти бир кунда 5-6 соатга тўғри келар экан. Бизники бир соатга ҳам бормас экан. Буни жуда катта афсус билан айтишимиз керак. Биз мусулмон динини шарафлаймиз. Албатта Аллоҳ Ўзи шарафли қилиб берган. Лекин биз мусулмон бўла туриб, мусулмончиликни энг шарафли одатларини бажармаймиз. Шулардан бири ана шу вақт, умр исрофидир. Мусулмонлар вақтнинг қадрига етиши керакми, керак! Илм олиш керакми, керак! Илм Қуръони Каримда энг кўп такрорланадиган сўзлардан. Аллоҳни ҳам илм орқали таниймиз.

Мисол учун дунёдаги энг танилган футбол командасининг ўйинчилари Роналда, Мессийлар битта ўйинда 15-16 километр югуришади. Тўп билан ва тўпсиз. Яъни доимо ҳаракатда ва меҳнатда. Ва шунга яраша эътиборга тушади ва командалари ютади. Энди биззи футболчиларимизнинг ҳаракати-чи, 5 километрдан ошмайди. Натижада ютқазиб қўяверишади. Сизлар шуларга ўхшаб қолманглар. Хўп, илмни, китобни ҳурмат қилиб келибсизлар, Аллоҳ Сизларни ҳурмат қилсин. Энди, савол-жавобларга ўтамыз.

Қадрдоним Тоҳир Малик билан бўладиган бундай учрашувларда қатнашаётган ҳар бир одамнинг ками-



да битта саволи бўлади. Чунки улар ёзувчининг у ёки бу асарини ўқиган бўладилар. Ўқигач, ҳаётга бўлган қарашлари, қайси бир маънода ўзгаради, юраклари оламшумул туйғулар, режалар билан жунбишга келади. Ана шулар билан ўртоқлашгилари келади. Бундай онларда ёзувчимиз чарчаш нималигини билмайди. Яна-ям очилиб-сочилиб, ғайратга кириб кетади. Чунки саволлар унинг қалбида яшаб келаётган кўпгина ўй-мақсадларни юзага олиб чиқади, қайтадан жонлантиради. Битилажак янги арарларга илҳомлантиради. Шунинг учун ҳам Тоҳир ҳар қандай ҳолатда таклиф этилган учрашувга боради. Кейинга қолдирмайди. Мени безовта қилманглар деб, уйига камалиб китоб ёзадиган ижодкорлардан эмас. У учун ҳар бир учрашув китоб ёзишдек бир жараён. “Қаҳрамоним боши берк кўчага кириб қолган эди, ундан чиқиш йўлини учрашувда сўзга чиққан ўқувчим кўрсатиб берди, фалон жумлани оддийгина қилиб, мана бундай деб ўзгартирсам бўлар экан” деб кўярди. Ва қайта нашрда ўша жойини ўзгартирарди. Қайта нашр-ку китобни босаверайлик десам, йўқ мен ҳали тирикман деб бошдан-оёқ кўриб, худди фарзандига янги либослар кийдириб, байрамга кузатаётгандек қилиб, қўлимизга тутқазарди.

“Китоб олами”даги учрашувда ҳар доимгидек китобхонлик, китоб ўқиш ҳақида саволлар бўлди. Шунда Тоҳир Японияда бўлган машъум цунами тўфонини эсга олди. “Қаранг, – деди у ҳайрат билан, – ҳамма нарсасидан, ҳатто яқинларидан ажраб қолган юзлаб одамлар катта бир залда, иссиқ бир нималарга ўралиб, ётишибди. Япония императори уларнинг ҳолидан хабар олиб, ҳамдardлик билдиргани ташриф буюрди ва битта одамга алоҳида икки букилиб салом берди. Нимагаки ўша одам шу аҳволида ҳам китоб ўқиб ётарди. Буни император жаноблари инсониятни ҳар қандай тушқун



ҳолатдан китоб, илм қутқаради дегандек тўғри тушунди ва ўша фуқоросига эгилиб салом берди. Ва мен бу салом беришда бошқа рамзий маънони ҳам ўқидим. Бу дунёда илм билан Аллоҳга етишган инсонлар охиратда жаннатда Салом билан кутиб олинадилар”.

Ёзувчимиз мавзуни давом эттирар экан, бир вақтлар йилига бор йўғи тўрттами, бешта китоб чоп этилгани, бугунгидек босмаҳоналар бўлмагани, ўша пайтларда ҳам улуғларимиз китобларни танлаб ўқишни маслаҳат берганлари, ҳозир биз китоблар денгизи ичида яшайпмиз, шунинг учун китобларни танлаб ўқиш, саёз китоблар билан умрни зое кетказмаслик ҳақидаги маслаҳатларини берди.

Шундан кейин дўконда китоб савдоси ва дастхат қўйиш бошланиб кетди. Мен ҳар доимгидек Тоҳирнинг “Икки дунё саодати сизга ёр бўлсин” деган сўзини пешма-пеш ёзиб беравераман, муаллифимиз имзо қўйиб чарчамайди.

Йўқ, бу сафар Тоҳир чарчади. Ўзини ўриндиқнинг суянчиғига ташлаб, кўзларини бир зум юмиб олди. Мен мухлисларга ўзингларни сал орқага ташланглар, ҳавога йўл очинглар ишорасини қилдим. Тоҳирга бир хўплам чой тутдим. Ўзига келди, яна дастхат қўйиш бошланди. Мухлислар яна атрофдан ўраб келишди. Тоҳирда яна бояғи ҳолат такрорланди... Ниҳоят тақдимотга қанча китоб олиб келинган бўлса, бари сотиб бўлинди. Дастхат қўйиш ҳам тўхтади. Эртасига бир иш билан Тоҳирникига борсам ўнг кўлининг кўрсаткич бармоғини боғлаб олибди. Ҳа, нима бўлди, дедим? Дастхат ёзиб ўзидан кетган пайтда беихтиёр ручка тутган кўрсаткич бармоғига тиралган эканми, ўшанда бармоғи синибди, Мош табиб кўриб, боғлаб қўйибди. Ола... кўли сингунчаям китоб ёзадими одам, деб қулдим. Унақамас, деди Тоҳир, бирортаси бунақа китоб ёзгунча кўлинг синсин деб қаргаган бўлса керак. Энди нима бўлади дедим



мен бармоғига ишора қилиб. Парво қилманг, қолган тўққизтаси бутун-ку, шунисига ҳам шукр деб қўйди у.

## ЖУМА НАМОЗИДА ОФИЯТ СЎРАГАНЛАРИМИЗ

Тоҳир бир ҳафта бўлди ҳамки жонлантириш бўли-мидан палатага олинмади. Мухлисларнинг қулоғи динг. Ҳамма илҳақ. Уй телефони бир дақиқага ҳам тўхтамаётгани аниқ. Нашриётга қўнғироқ қилиб мендан ҳам бот-бот сўрашади. Дуо қилинлар, ҳали палатага олингани йўқ, балки бугун палатага олишар дейман. Шундай деб бошқаларни ҳам ўзимни ҳам умидвор қилган бўламан.

Навбатдаги Жума намозида Тошкент шаҳридаги барча масжидларда севимли халқ ёзувчимизга Аллоҳдан офият сўраб, дуолар қилинди. Тоҳир ҳақидаги хабар ижтимоий тармоқларга тарқаб бўлган эди. Танишлар ҳали Намангандан, ҳали Самарқанддан, ҳали Гулистондан, олис Хоразмдан қўнғироқ қилиб, аҳволни билмоқчи бўлардилар. Мен уларга ёзувчимизни даволаётган врачлар ҳам Тоҳирни сиздек яхши кўришларини, қолаверса жонларини ҳам беришга тайёрликларини айтиб, тинчлантирган бўламан. Хаёлимда ҳамма Тоҳир билан яшаётгандек, ташвиш ўйлари севимли ёзувчиси билан бўлиб қолгандек.

Бу орада келинимиз Тоҳирнинг бир яхши кўрган дўхтир укаси, ўтқазиб, ётавериб қийналиб кетдингиз деб орқаларини укалаб қўйганини айтиб қолди. Ўғли Шерзод банан ва таркибида ҳамма керакли моддалари бор махсус овқат беришаётганини ҳам айтди. Хайрият! Буларнинг бари беморимизнинг соғая бошлаганидан бир мужда эди. Мен тинмай қўнғироқ қилаётганларга Худо хоҳласа яқинда палатага олишади, қатнайвериб, ёзувчимизнинг жонларига ҳам тегиб кетасизлар деб қўяман, ишонч билан. Айни дамда ўзимни овутиш учун ширин хотираларимга кўчаман.



## МИЛЛИОНЕР ЁЗУВЧИ

Тохир Малик асарларини ўқиб, радио ва телевизор орқали суҳбатларини эшитиб юрган ўқувчиларимиз бу ёзувчи хаётда жудаям жиддий одам бўлса керак деб ўйлашади. Ҳамма гап шундаки, у ўқувчиларимиз ўйлаганчалик жиддий, думоғдор ёзувчи эмас. Бўлмаса кейинги йигирма беш йил мобайнида китоби энг кўп чоп этилган ёзувчи ҳам Тохир Малиқдир. Ҳа, ҳар қанча тепадан қараса арзийди. Китобларнинг ададига эътибор қилинг: беш минг, ўн минг, йигирма минг, етмиш минг, “Шайтанат”нинг тўртинчи китоби бир юз йигирма минг нусхада чоп этилди. Бозор иқтисоди дейилган замонда бу рақамлар кишини ҳайратга солади. Бир куни Тохир билан ўтириб китобларининг ададини шунчаки ҳисоблаб беш миллиондан оширган эдик. Шунанга у миллионер ёзувчи эди. Бирок ёзувчининг суҳбатини оламан деб келганлар нукул кўшнисининг эшигини тақиллатишарди. Ахир Тохир Малиқнинг уйи камида икки қаватли, бўлиши керак-да. Яхшиям оталари Абдумалик ака бундан етмиш йиллар муқаддам тўрт таноб ерга иссиқ бўлади деб қалдирғочнинг уясидек пастгина уйларни қуриб кетгани. Шунга ҳам бир қоп семириб, умр-гузуронлик қилади Тохир. Нимага десангиз, отаси Абдумалик ака Тошкентдаги 40 мактабга ҳарбий дарс ўқитувчиси бўлиб келганларида уй-жойлари бўлмай, бола-чақалари билан мактабнинг битта бўш хонасида яшашган. Мактабда яшагани учун ҳам Тохирнинг олти ёшдаёқ саводи чиқиб, 1-синфга ўқишга борган.

Бир куни бир бизнесменнинг иши орқага кетиб ёзувчимизни миллионер санаб, қарз сўраб келади. Уй-жойлари, рўзғорини кўриб, қотиб қолади. Шунда ҳам Тохир умид билан келибсиз қуруқ кетманг деб, ҳамёнида борини қоқиштириб қўлига тутқазади. Иши юришмай қолган бизнесмен эса ёзувчининг кўзига бақрайиб туриб,



“ненормальный” деб чиқиб кетади. “Ненормальный” ёзувчимиз барибир хурсанд. Ахир биров у кишини миллионер санаб пул сўраб келади-ю хурсанд бўлмайдими?

## ТАЛАБАЛАР БИЛАН УЧРАШУВ

Тоҳир Маликнинг олтмиш йиллиги муносабати билан Тошкент давлат педагогика университетига учрашув бўлди. Профессор Ҳомиджон Ҳомидийнинг айтишича, бир компьютерчи йигит Тоҳир Маликнинг номини эшитиб, таклиф қоғозию буклетларига шундоқ, песабиллоҳ ишлаб берибди. Фаррошлар афишани ўкиб, “Шундоқ одам келса, биз бир кун текин ишлаб беришга тайёرمىз”, дейишибди. Домланинг фахрланиб айтаётган бу гапларини эшитиб, Тоҳирга қараб-қараб қўяман. Шунча мактов гаплардан кейин ҳам нимагадир унинг бир туки ҳам ўзгармай ўтирибди. Ҳеч бўлмаса бундоқ жилмайиб қўйса-чи. Нима бўлди унга. Бунинг устига ёзувчи, шоирлар: Турсунбой Адашбоев, Баҳодир Муродали, Боқижон Тўқлиев, Иномжон Азимовлар сўзга чиқиб, ёзувчининг ижоди ҳақида тўлиб-тошиб гапириб ётишибди. Барибир Тоҳирнинг ичи чиқмай, ҳар доимгидек киришиб, очилиб кетмаяпти.

Шу пайт бирдан залда ўзидан ўзи қарсақбозлик бўлиб кетди. Залга кириш эшиги орқа тарафимизда эди. Беихтиёр орқага ўгирилдик. Залга Асадбек кириб келган эди. Кўп серияли “Шайтанат” фильмининг бош қаҳрамони, Ўзбекистон халқ артисти Ёдгор Саъдиев. У кишини кўриш билан бирдан юбиляримизнинг чеҳраси очилди. Юзида офтоб кулгандек бўлди. Маълум бўлишича, учрашувга Ёдгор Саъдиев ҳам таклиф қилинган-у келмаганидан Тоҳир ичида хавотир олиб ўтирган экан. Бу халқ севган иккала машҳур кишилар бир-бирига “От тепкисини от кўтарар” қабилида ҳазил-хузул қи-



либ юришарди. Ҳар икковларининг ўртасида бўладиган хазил-мутойибаларни йиғса, битта китоб бўлади.

Ёдгор Саъдиев гулдурос қарсақлар остида қандай қилиб сўзлаш тахтиравонига бориб қолганини ҳам билмай қолди. Балки атайлаб шундай қилгандир. Фурсатдан фойдаланиб, учрашувни олиб бораётган Ҳомидий домла у кишига сўз бериб кўя қолди. Бундан мамнун бўлган Ёдгор Саъдиев залга Асадбекка хос виқор билан хов тепадан қараб кўйди. Яна қарсақбозлик. Шунда Ёдгор Тохир Маликка қараб, кўриб кўйинг, асарни сиз ёзасизу, чапакни биз оламиз дегандек, мағрур жилмайди. Бу ишорага Тохир Малик “Сизга чапак керакми, мана бўлмасам” дегандек намоёйишкорона таб-туп қилиб чапак чалиб кўйди. Залда баттар жонланиш.

Ҳамиша зийрак Ёдгор Саъдиевнинг кўзи кафедранинг пастки қаватидаги шляпага тушиб қолди. У Тохирнинг шляпаси эди. Ёдгор деди:

- Тохир ака, манови шляпа сизникими?
- Ҳа, ноумид шайтон, атаганингизни ташлаб кўярсиз.
- Э, ҳаётда бундоқ тиланишни ҳам қойил қилолмайсиз-да, чуқурини тепага қаратиб кўядилар-да расми.

– Сиззи қанчалик сахийлигингизни биламиз, сизга тепасидаги чуқурчаси ҳам етиб ортади, – деди Тохир. Кулгидан зал ёрилай деди.

– Нимага учрашувга кеч қолганимни айтайми, – деди Ёдгор Саъдиев Тохирга қараб, – қарасам бугун ўн учинчи декабрь экан. Қани энди оёғим бу ёққа тортса. Мабодо ўн уч рақами сизга бирон бир хосиятсиз кунларни эслатмаяптими? – деб Тохирдан сўради.

– Эслатганда қандоқ, шу куни сиз билан илк бор танишган эдим...

Яна кулги, яна чапаквозлик. Ҳозиржавобликни қаранг. Худди олдиндан келишиб ёзиб кўйилганга ўхшарди. Ниҳоят савол-жавоблар бошланди.



– Оилангиз нечта деб, шу саволни Ёдгор акангизга ҳам бердинглар. У битта деб жавоб берди. Менга ҳам шу савол бўлди. Шундоқ суксурдек кетворган, эл севган артистнинг хотини битта бўлгандан кейин биз шўринг кургур ёзувчининг хотини нечта бўларди? (енгил кулги) Болалигимни сўраяписизлар. Жуда шўх бўлганман. Калтак емаган куним йўқ эди. Душанба, сешанба кунлари акаларимдан, чоршанба, пайшанба кунлари опаларимдан, жума куни адамдан, шанба куни ойимдан калтак ердим.

– Якшанба куни ҳамма қатори дам олар экансиз-да, – деди залдан кимдир.

– Қайда, бу кун энг серҳосил кун бўларди, кўчамиздаги болалардан калтак ердим. (яна кулги)

Шу куни ёзувчи билан учрашув салкам уч соат давом этди. Беш юзга талабадан учтаси залдан чиқиб кетди. Уларнинг иккитаси кўп ўтмай яна қайтиб кирди... Ёзувчимиз чарчамади. Гулзор оралаган гул ишқибозидек бардам ва тетик ўтирди. Бу кун талабалар ҳаётида ҳам, ёзувчимиз ҳаётида ҳам энг эсда қоладиган ёруғ кунлардан бўлди.

Камина Тоҳир Маликнинг ҳозиржавоблиги, зукколигига тан бериб, шунчаки қилган ҳазил-мутойибаларини ёзиб, китобларимга киритиб, Тоҳирнинг ўзига ҳам ўқиб берардим. У: “А... шунақа ақлли гапларни айтган эканманми” деб қўярди. Энди воқеаларни эслаб, ўзимни чалғитмоқчи бўлганимдек, Сиз азиз муштарийларни ҳам, Тоҳир Маликнинг ажиб олами билан чалғитай демоқчи эмасман. У жонлантириш бўлимида бўлса ҳам у билан бирга-бирга бўлайлик демоқчиман.

## ОҒРИМАЙДИГАН БОШ

Кунларнинг бирида Тоҳир Маликнинг уйига синфдош ўртоғи келиб, бўлар-бўлмас гаплар билан бошини қотиради, вақтини олади.



- Вой, бош-и-и-м, – дейди Тоҳир икки чаккасини ушлаб.  
– Сен оғайни кўп китоб ўқима, – дейди оғайниси мяхрибонлик билан, – мана мен умуман китоб ўқимайман, шунга бошим ҳам оғримайди.  
– Ҳе, – дейди Тоҳир, – сенда бошнинг ўзи йўғ-у, бўлса оғрийди-да...

## АЗРОИЛ ЖАНОБЛАРИ

Тоҳирнинг қон босими ошиб, одатдаги муолажалар ёрдам бермай ётиб қолди. Хотини эрига тикилиб, ичидан эзилди. Буни сезиб ётган ёзувчи:

– Мендан рози бўл, хотин, Азроил жаноблари йўлга чиққанга ўхшайдилар, – дейди жиддий оҳангда.

– Кўрқитманг, адаси, – дея пиқиллайди келин, – биз сизсиз қандоқ қиламиз?

– Гапинг рост бўлса, хонангга кир-да, тақинчоқларингни тақиб, келинчаклардек ясаниб чиқ... Ҳа, тезроқ бўл, муҳим гап бор.

Бунақа пайтда ҳар қандай одам ҳам беморнинг кўнглига қарайди-да. Тоҳир Маликдай одам бир нарсани билмаса шундай дейдими? Келин бирпасда ясан-тусан қилиб, ўзига қараб чиқади.

Тоҳир кўз қирини ташлаб:

– Яхши, жуда яхши, ана энди ёнимда қимирламай ўтир. Азроил жанобларида ҳам дид-фаросат бордир... Афтодаҳол каминани бошига урадими?..

## ЁЗУВЧИ АКАМ – БЎЛДИЛАР ҲАКАМ

“Йил ўқитувчиси” танловида Тоҳир Малик ҳам ҳакамлар сафида иштирок этарди. Нимагадир у андижонлик, фарғоналик, тошкентлик иштирокчиларга бирдан нига ўн баллдан баҳо қўйиб юборди. Ҳамма ҳайрон.



Наҳотки, ҳурматли ёзувчимиз танлов шартларини билмасалар? Ҳотамтойлик ҳам эви билан-да.

Бу жумбоққа ёзувчининг ўзи ойдинлик киритди:

– Мени кечиринглар, шундай қилмасликка ҳечам ҳаққим йўқ эди, нимага десангиз отам раҳматли Фарғонадан, онам раҳматли Андижондан. Тошкент хусусига келсак, бу жудаям нозик масала, хотиним тошкентлик, бунинг устига ўқитувчи, нима, хотин билан ажрашиб кетишимни хоҳлайсизларми?

Гап билганга минг танга деганлари шу бўлса керак-да...

### ДУМАЛОҚ

Бир куни Тоҳир тушликка ваъда қилган вақтида келмади. Ўзим овқатланиб, у яхши кўрадиган картошка перашкадан олиб чиқиб қўйдим. Бир оз кечикиброқ келган Тоҳирдан сўрадим:

- Қорнингиз қанақа?
- Думалок, – деди у жиддий.

### ЎҚУВЧИЛАР ТОҲИР МАЛИКДАН СЎРАШАДИ...

- Сиз нимани яхши кўрасиз?
- Текин нарсани.
- Нимани ёмон кўрасиз?
- Пуллик нарсани.
- Қанақа рангларни ёқтирасиз?
- Пулнинг “кўки”ни, чойнинг қорасини...

### ЁШИНГИЗ НЕЧАДА?

Солиқчилар идорасида бўлган учрашувда Тоҳир Маликдан сўраб қолишди:



– Домла, ёшингиз нечада?

Тоҳир солиқчилар “тили” билан жавоб берди:

– Китобимга қалам ҳақи беришганда солиққа деб қирқ фоиз чегириб қолишади. Бу мени нақд қирқ йилга қаритади. Шу нуқтаи назардан қарасак ёшим йигирмада.

## САДОҚАТ

Бир даврада Тоҳир Маликдан Музаффар исмли мухлиси сўраб қолди:

– Қўл телефонингизнинг рақами ҳали ҳам ўша-ўшамми?

– Ҳа, қўл телефоним ҳам ўша-ўша, хотиним ҳам ўша-ўша. Шу икки нарсани ўзгартиришни ёмон кўраман.

## ЧИПТА

– Рухсат берсангиз, сизни фахрий талабаликка қабул қилсак, – деб қолишди Тошкент педагогика университетининг талабалари.

– Розиман, фақат битта шартим бор, менга ҳам йўлқира учун эллик фоизлик чипта олиб берасизлар...

## ЯНА ДАВОМИ...

Тоҳир билан бир издиҳомга бормоқчи эдик. Йўл-йўлакай уйдан олиб кетадиган бўлдим. Дарвозага ўрнатилган кўнғироқ тугмачасини босдим. Одатда, кўнғироқ ичкаридан овоз бериши керак эди. Жимжитлик. Иккинчи сафар тугмачани аямайроқ босдим. Ўша-ўша. Эшикни муштлаган эдим, бирдан ўзидан ўзи очилиб кетди. Тоҳир... деб ичкарига овоз бердим.

– Келовринг...

Рухсат теккач, дадил ичкари юрдим-да:



– Бундоқ кўнғирок деганни ишлатиб қўймайсизларми, – деб ўзимча иддао қилган бўлдим.

– Эгасининг бошига ўхшаб кўнғирок ҳам ишламай қолган, – деди Тоҳир мен томон келар экан.

Бу Тоҳирнинг “Шайтанат”нинг давоми ёзилдими, деб сўраб ўтирманг, мазам бўлмади, дегани. Атайлаб шунинг учун келган эдим, дардим ичимда қолди, сўрамадим.

Икковлашиб издиҳомга бордик. У ерда масжид яқин экан. Аср намозини ўқигани кирдик. Одатдагидек Тоҳир билан қўл олиб сўрашувчилар кўп бўлади. Биттасининг тили ботирроқ эканми, “Шайтанат”нинг қолганини қачон ёзиб берасиз, деб сўраб қолди.

– Дуо қилиб туринглар, яқинда бўлиб қолар, – деди Тоҳир ҳар доимгидек жавобини айтиб.

– Ҳа, яшанг, – дедим менга жон битиб, – яқинингиз қачон ёзувчи ака, бугунми, эртами дедим савол берувчининг номидан гапириб.

Ёзувчи билан китобхон самимий хайр-хўшлашди. Мен боз устига ачитиб олдим:

– Уятингиз ҳам қолмапти, бечора китобхонларни нуқул алдаб келасиз-а? Шу жумладан биз ноширларни ҳам.

– Э, – деди Тоҳир жилмайиб, – кунора пешонамга тақиллатадиган сиздан уялмаган, кўнгли бўш китобхонларимдан уялайми, – деб чиройли лутф билан оғзимга урди. Нафасим ичимга тушиб кетди.

## БИТТА ИЛТИМОС

Тоҳир навбатдаги жарроҳлик амалиёти бўйича шифохонага ётадиган бўлиб қолди. Бирга бордик. Уни йўлакда таниш жарроҳ кўриб, кучоқ очиб, салом-алик қилди. Олдинги жарроҳлик амалиётини ҳам шу киши қилган экан.



– Бу сафар зерикмайсизлар, – деди Тоҳир кулиб, – ўт пуфаги, ошқозон беги, яна алламбало касалларни дўхтирлар қидириб топишди, ҳаммаси шуни ичида, – деб қорнини кўрсатди.

– Парво қилманг, олдин ичингизга тушиб олайлик, у ёғини ўзимиз биламиз, – деб ҳазиллашди жарроҳ.

– Фақат битта илтимос, – деди Тоҳир, – тушганда оёқни ювиш эсдан чикмасин а...

### ИЧИМ ҚАНАҚА ЭКАН?

Жарроҳлик амалиётидан кейин Тоҳир Малик ўша жарроҳдан сўраяпти:

- Ичим қанақа экан, дўхтир?
- Қанақа бўларди, ҳамма қатори.
- Мабодо, қорамасми?
- Йўғ-а... нималар деяпсиз?
- Худога шукр...

### САВОЛ

- Аёлларга муносабатингиз?
- Аъло даражада, олдин ҳурматини қилиб қўлда, кейин елкада кўтариб юрамиз, бошимизга ўзлари чиқиб олишади.

### ТАРБИЯ

- Талабалар сўраб қолишди:
- Нимага ҳасса кўтариб юрасиз?
  - Ҳозирги ёшлар жамоат транспортларида қарияларга жой бермай, нукул қўл телефонини ўйнаб ўтиришади. Шундан бери ҳассамга таяниб қолганман.



## ЙЎЛДА

Тоҳир Малик дўстлари билан тоғдаги боғ ҳовлисига кетаётган эди. Рулдаги дўсти тез юриб “родар”га тушиб қолди.

– Оббо, – деди ҳайдовчи капалаги учиб, – аксига олиб гувоҳномам ҳам уйда қолиб кетибди-ку.

– Унда жойингиздан қимирламай ўтираверинг, – деди Тоҳир.

ДАН ходими жаҳл билан келди-ю, ҳайдовчининг ёнида ўтирган Тоҳирни таниб қолди.

– Тўхтатмас эдим-у устоз, бир кўлингизни олай дедим-да, – деб сўзамоллик қилди ДАН ходими. Апоқ-чапоқ бўлиб сўрашди. Кейин “оқ йўл” деб кузатиб қўйди. Ҳайдовчи Тоҳирга “бу ёғига нима қилай” дегандек қаради:

– Юровринг, – деди Тоҳир кулиб, – мен ДАН ходимларига устоз, сизга уйда қолиб кетган ҳайдовчилик гувоҳномангиз бўламан.

## ШПИЁН

Китоб дўконида “Келинлар дафтарига” китобининг тақдимоти бўлаётган эди. Мажлисни олиб борувчи китобни чоп этган ноширга сўз берар экан:

– Қалам ҳақини ҳам айтиб ўтсангиз, – деди ҳазил аралаш.

– Шарт эмас, – деди Тоҳир, – орамизда шпиёнлар ўтирибди.

У тақдимотга невараларини ҳам олиб келган эди.

## ЖАВОБ БЕРУВЧИГА-ЧИ?

Учрашувда энг қизиқарли савол берувчиларга мукофот эълон қилинди.

– Жавоб берувчига-чи? – деди ҳозиржавоб ёзувчимиз.



## УЙДАГИ ВАЗИФА

– Уйда ёзишдан ташқари яна қанақа ишлар билан банд бўласиз?

– Ёниқ қолган чироқларни ўчириб юраман...

## ҚАҲР

Ёзувчидан бир қўлёмани ўқиб, фикр билдиришини сўрашди.

– Ёнига битта тўппонча ҳам қўшиб бермабсизларда, – деди Тоҳир романни ўқиб бўлгач.

– Нимага?

– Муаллифнинг пешонасидан отар эдим.

## ЯНА БИТТА ҚАЙТАРИНГ...

Учрашувда эдик, мен Тоҳир Малик асарларининг ўзига хос томонлари ҳақида гапирардим. Ёзувчининг дили билан тили бирлашгандагина яхши асарлар туғилади. Худди мусбат ва манфий кутблари учрашганда чироқ ёниб, чор атрофни ёритганидек, дўстгимизнинг ҳамма асарларида шу ҳолатни кузатиш мумкин, бу нарса нафақат асарларида, унинг юз-кўзларида ҳам кўришиб туради, истараси иссиқ, чиройли йигит...

– Шу гапни яна битта қайтаринг, – деди ёнимда ўтирган Тоҳир.

Залда гурра кулги кўтарилди.

## ОШХОНАДА

Бир куни овқатланиш учун ишхонамизнинг ошхонасига тушдик. Тоҳирни кўрган ошпазлар тараддудга тушиб қолишди. Ким ярим коса мастава, ким карам



шўрва, бифштекс, катлет, ким ош тавсия килиб туришибди... Тохир ҳаммаларига миннатдорчилик билдириб ўтиб борди-да, касса аппарати ёнида турган картошка першкасидан икки дона олиб, бир финжон қора чой буюргирди.

Биласизми азизлар, Тохир Малик билан бирга юришнинг ҳам оддийгина суҳбат қуришнинг ҳам, ўзи бўлмайди. Дорбоздек қўлингизда лангар чўпингиз бўлиши керак. Бўлмаса ўнгами, сўлгами чалпак бўлиб қулаб тушишингиз ҳеч гапмас. Дарҳақиқат, адибнинг ҳамма эркаликлари, фақат, ўзига ярашади. Қанийди ҳамма ҳам қадрдоним Тохирдек серзавқ, ҳозиржавоб, зукко бўла олса...

Тохир Малик Аллоҳ берган умрнинг яна бир кунини жонлантириш бўлимида ўтказди. Палатага олишмади. Яхши қилишади, у ерда кечаю кундуз назоратда бўлади деб ўзимизга ўзимиз таскин берамиз. Аммо палата кўп нарсани ҳал қилиб берадигандек, туйилаверади. Камина эса яна Тохир билан боғлиқ хотираларга бериламан.

### “ОДАМИЙЛИК МУЛКИ” ҲАҚИДА

Республикамизда анъанага айланиб қолган ва ҳар йили май ойида “Ғафур Ғулом” номидаги боғда ўтадиган болалар китоб байрамида ёзувчиликка даъво қилмайман деб юрадиган, аммо бобоси, улуғ адиб Абдулла Қодирий ҳақида “36-хонадон”, “Йўловчи,” “Дўлвор йигит” китобларининг муаллифи Шеркон Қодирий камина билан учрашиб қолиб, дабдурустдан Тохир Маликнинг “Одамийлик мулки” ҳақида бир нима ёзиб берсангиз деб қолди. Унга “ҳазиялшяпсизми” дегандек хайрон бўлиб қарадим. У бўлса: “Иложи бўлса, тезроқ, маслаҳатлашиб сизда тўхтадик” деб маслаҳатчи қаторида Тохир Маликнинг номини айтиб қолди. Баттар



таажжубга тушдим. Боғдаги муסיқа овозлари, болаларнинг шовқин-суронлари ҳам бир зумга тиниб қолгандек бўлди. Шеркон кўз олдимга улкан бир тоғни кўндаланг кўйгандек бўлди. Ахир мен катталар адиби бўлмасам. Тоҳир кадрдонимнинг ёзганлари олдида меники бир чумолидек гап. Шеркон шу “чумоли”га маҳобатли бир тоғни ошиб ўтасан деяпти. Йўқ дея олмайманки, чунки бунга Тоҳир хайрихоҳлик билдирибди. Мен унга ўйлаб кўришимни айтдим. У бўлса “ўйлаб кўриш”ни ёзиб беради деб тушунди шекилли, олдиндан раҳмат айтиб, ўзи иши билан кетди.

Шундан кейин камина юрсам ҳам, турсам ҳам “Одамийлик мулки” ҳақида ўйлай бошладим. У ҳақда нималарни ёзишим мумкин. Бугунги кунда машҳур бўлиб кетган ва қайта-қайта чоп этилаётган бу китоб қандай пайдо бўлди, ўзи? Унинг нимаси ўқувчиларни бунчалик оҳанрабодек ўзига тортиб келяпти? Асарнинг ўша оҳанрабоси нимада? Ёзувчининг маҳорати-чи?

Саволлар каминани анча олисларга олиб кетди. Бундан ўн беш йиллар муқаддам ушбу китобнинг илк қалдирғочлари пайдо бўлган эди. Улар “Меҳмон туйғулар”, “Иймонлашиш умиди” номлари билан ўқувчилар қўлига теккан эди. Биз Тоҳир билан китобнинг номи устида кўп бош котирганмиз. “Иймонлашув умидида”ми ёки “Иймонлашув умиди”ми? Шунингдек, асар “Ҳидоят” журналида “Шудринг томчилари” номи билан ҳам давомли босилган эди. Бўёқ ортиб, мавҳумлашади деб муаллиф “Шудринг томчилари”га унамади. Китоб “Иймонлашув умиди” номи билан чоп этилди ва тезда сотилиб кетди. Демак, китобхонларда бу мавзуга эҳтиёж, чанқоқлик бор. Шунини ҳам айтиш керакки, савдо дўконларида бу йўналишдаги китоблар йўқ эмас, бор, бўлганда ҳам пештахталарнинг белини синдирадиган даражада бор эди. Лекин Тоҳирнинг китоби тез кетди.



Тоҳир халқ ёзувчиси-да, халқи нималарни хоҳлаётганини, улар билан қай йўсинда тиллашишни билади, юракдан ёзади ва юракларга кириб боради. Халқимиз китобни қизғин кутиб олганидан илҳомланган адибимиз уни янада кенгайтиришни ўйлади. Мустақил юртимизнинг бугуни ва эртаси бўлган болалар тарбиясини ўйлаб, “Жиноятнинг узун йўли” китобини ёзди. У республика ўқитувчиларининг “Маърифат” газетасида тўлалигича босилди. Муаллимлар учун тарбиянинг жуда кўп қирралари очилгандек бўлди. Унда гап бугунги, янги аср авлодини англаш ҳақида борарди. Мактабларда адиб билан шу мавзуда қизғин учрашувлар бошланиб кетди. Телеэкран, радиода чиқишлар бўлди. Ёзувчимиз яна мўлжалга беҳато урган, ота-оналар ва устозларга ўзига хос ҳаётий дастуриламал тақдим этган эди.

Ҳа, юртимиз мустақил бўлгач, халқимиз қизил империянинг маънавий либосларини улоқтира бошлаган, адибимиз халқимизга энди қандай миллий маънавий либос зарурлигини аллақачон англаб етган эди. Баъзи ҳамкасбларимиз орасида: “Тоҳир энди ақл ўргатишга ўтдимиз, тинчгина “Шайтанат”ини ёзиб юравермайди” деганлар ҳам бўлди. Бу гаплар Тоҳирнинг ҳам қулоғига етди. У маъноли кулиб қўя қолди.

Тоҳир тинч юрмайдиган, бошқаларни ҳам тинчитмайдиган, аксинча ёш ижодкорларни орқасидан эргаштирадиган ёзувчилардан. Чинакам ижодкор ўзинимас китобхонини ўйлайди ва уларнинг олдида чироқ кўтариб боради. Халқининг қон томирини ушлаб, табибдек дардига нималар даво бўлишини билади. Юртбошимиз мустақиллигимизни эълон қилган пайтда шоир Сафар Барно шеър ёзишни йиғиштириб қўйиб, ўзбекнинг мардлиги, бағри кенлиги, жўмардлиги ҳақида ҳикоялар ёза бошлаган эди. “Ҳа, шеър ёзишни ташлаб, ҳикоячиликка ўтиб кетибсизми?” деганларга “Ижодкорнинг



вазифаси халқи нимани хоҳлашини билиш. Халқимиз мустақил бўлди, қадимда ким эди-ю ким бўлганини англаши керак, уни биз англамасак, ким англатади” деган эди, Сафар Барно. Ҳикоялари ҳар ҳафтада Ўзбекистон радиосининг биринчи каналида ўқиларди. Сафар Барно ана шу чиқишлари билан Республика миқёсидаги “Офарин” мукофотига сазавор бўлган эди.

Маънавий бўшлиқни тўлдириш билан боғлиқ хатти-ҳаракатларни давом эттирадиган бўлсак: устоз Саид Аҳмад “Жимжитлик” романини, Ўткир Ҳошимов “Тушда кечган умрлар” қиссасини, Пиримқул Қодиров Бобуршоҳ ҳаётига бағишланган қатор романларни, Муҳаммад Али Амир Темур сиймоси ҳақидаги романларни халқимизга тўхфа этди. Тохир Малик ўз ўқувчилари билан тўғрима-тўғри, юзма-юз иймонлашишни афзал билди. Бир куни Тохир Маликка:

– Лев Николаевич Толстойни эсланг, кўп томлигининг 18–19-томлари тўлалигича ахлоқ ва одоб мавзусига бағишланган. Сиз учун ҳам шундай кунлар етиб келмадими, – дедим.

Тохир ўшанда хаёл суриб, енгил бир хўрсиниб кўя қолган эди. Унинг табиатида ундоқ қиворадурман, бундоқ қиворадурман деган гаплар бўлмасди. Ёзганларини ҳайратга тушиб, мактаб қолсангиз “бошқа мавзуга ўта қолинг” дегандек ерга қараб оларди. Биз ўшанда “Шарқ” нашриётида унинг кўп томликларини чоп этишни бошлаган эдик. Ахлоқ ва одобга оид китобларини 6, 9-жилдларга киритдик. Буни қарангки, айнан шу китоблар тез кунда сотилиб, жилдларнинг ораси очилиб қолди.

Томларни тўлдириб қўйиш учун қайта нашрга буюртма бериб, буни Тохирга суюнчиладим.

– Сотилиб кетдими-а, нахотки? – деди Тохир, кейин, – Худога шукр деди-да, жим бўлиб қолди.



Унинг жим бўлиб қолишидан сездимки, нимадир демокчи.

– Гапиринг, кулоғим сизда, – дедим мен.

– Қайта нашр қилгунча, иккала жилдни жамлаб, битта китоб қилиб қўяқолсак-чи?

– Йўқ, унда жилдликлар кемтик бўлиб қолади, харидорлар ҳалитдан тугаб қолган жилдларни сўрашяпти. Сиз китобни тайёрлайверинг, умумий бир номда уни ҳам чоп этаверамиз. Қайтага яхши бўлади, – дедим.

Орадан кўп ўтмай Тоҳир китобни тамоман қайта ишлаганини, исломий томонларини кўриб бериш учун шу соҳанинг мутахассиси Муҳаммад Шариф Жуманга топширганини айтди. У бугунги кунда маълум ва машҳур бўлиб кетган “Одамийлик мулки” эди.

Китоб ҳам ибодатли, ҳам сиёсатли эди. “Тегиб кетадиган” жойлари ҳам кўп эди. Одатда бундай китобларга бош муҳаррир Аҳрор Аҳмедовнинг ўзи муҳаррирлик қиларди. У ср-бу ерига қалам теккизганидан ҳам хабарим бор. У пайтларда бундай китоб чиқариш учун отнинг калласидек юрак бўлиши керак эди. Мен Аҳрорнинг хавотирини тўғри тушуниб, “хавотир олманг, Худо хоҳласа ҳаммаси яхши бўлади, Аллоҳнинг ўзи йўл очади” деган эдим. Чиндан ҳам ҳаммаси яхши бўлди. Ўша бизни хавотирга солган идораларнинг ўзлари ҳам китоб сўраб чарчатишди. Шунисига ҳам шукр деб дўкондан сотиб олиб, етказиб турдик.

Китобнинг илк тақдимоти 2012 йили адиб дарс берадиган Милиция академиясида бўлиб ўтди. Ўшанда сўзга чиққан, адабиётчи олим Зухриддин Исомиддинов китобнинг ҳажми ёстиқдек бўлганини айтиб, уни илмлар ёстиғи, илмлар сандиғига ўхшатган эди.

Дарҳақиқат, бу китоб ёстиғимиздан тушмаяпти, уни ўқиб уйкуга кетяпмиз, уйқудан туриб яна ўқияпмиз, ҳеч ажрала олмаяпмиз, деган гапларни эшитиб, қувонар-



дим. Ва бу гапларни ўз навбатида муаллифга ҳам оқизмай-томизмай айтар эдим. Республикамизнинг турли бурчакларидан китоб бўйича нашриётга кўнғироқлар бўлиб турарди. Уларни ёзиб олиб Тохирга етказардим.

Ўша куни Тохир бетоб эди. Хоразмдан бир китобхон кўнғироқ қилиб “Одамийлик мулки”ни тўлиб-тошиб мактай кетди. Тўхтанг, дедим мен унга. Ҳозир Тохирнинг уй телефонини бераман. Атайлаб Хоразмдан кўнғироқ қиляпман десангиз гўшакни унга беришади дедим-у, дарровда Тохирнинг уйига кўнғироқ қилиб, айтиб ҳам кўйдим. Орадан икки соатлар ўтиб Тохирга кўнғироқ қилсам, гўшакни ўзи кўтарди. “Қалай, Тохир Малик жаноблари хоразмлик табибнинг дорисини қабул қилиб олдингизми” дедим. У ҳорғин кайфиятда бўлса ҳам, кулиб кўйди. Ижодкор учун ўқувчисининг икки оғиз сўзи ҳам супер дори, ҳақиқий малҳам бўлади деб ўйлайман.

Яна бир гап. Муаллифга ўшанда нашриёт тарафидан “Одамийлик мулки” учун яхшигина қалам ҳақи ажратилди. Тохир қалам ҳақининг ҳаммасига шу китобдан олишини айтди.

– Нима қиласиз, шунча китобни? – сўрадим хайрон бўлиб. Одатда ёзувчилар яқинларига дастхат ёзиб бериш учун нашриётдан ўнта ёки йигирматадан ортиқ китоб олишмасиди. Керак бўлса дўкондан сотиб олишсин дейишарди. Тохир бўлса уч юзга яқин китоб олаётган эди. Тохир кулди-да:

– Ҳаммасини ҳадя қилиб, тарқатаман, – деди.

– Ҳазиллашманг-е...

– Рост, – деди у қатъий, – китобда Қуръони Карим оятлари, ҳазрати Пайғамбаримизнинг ҳадислари, улуғ уламо, фозил кишиларнинг фикрлари, ривоят ва ҳикоятларидан кенг фойдаланганман. Шунинг учун китобни садакаи жория қилмоқчиман. Савоби китобда номлари келган улуғларга етсин.



– Ҳа-а... – дедим, – садакаи жорияни бунақа йўллари ҳам бор денг, қойил.

Китобни ўқиганлар, ёзувчи бунча ривоят ва ҳикоятларни, пурҳикмат ҳикматларни қаердан олган деган саволларни ношир сифатида мендан сўраб қолишади. Гап шундаки, мустақиллигимиз маънавиятдан иборат исломий, диний адабиётларга ҳам эркинлик олиб келди. Илгари юртимизда чоп этилган, аммо коммунистик тузум даврида тақиклаб қўйилган кўпгина диний-маърифий китоблар орадан юз йил ўтиб қайта чоп этила бошланди. Бошқа тиллардан таржималар бўлди. Биз уларни ўқиб хузурланар, миллий кадриятларимиз ҳақида мақолалар ёзар, радио ва телеэкранлар орқали чиқишлар қилардик ва шулар билан чекланардик. Аммо ҳамиша жим юрадиган Тохир Малик бошқача йўл тутган. Тинч дарё тагидан оқади деганларидек, Тохир у китобларни бизга ўхшаб шунчаки билиб қўйиш, маълумот учун ўқимаган. Алоҳида дафтар тутиб, таҳлил қилиб, ёзиб борган. Дафтарлар бир эмас, иккита эмас етмиштадан ошиб кетган. Адибда уларни тўплаб, шулар асосида китоб ёзаман деган мақсад бўлмаган. Ўз билими ва қарашларини бойитиш мақсади бўлган, холос. Аммо асрлар синовлардан ўтиб келган маърифий илм дурдоналари ижодкор қалбини нурлантирмаслиги, қўлига қалам олдирмаслиги мумкин эмас эди. Ижодкорнинг иши халқдан олиб халққа бериш. Ҳамма гап уни қандай қилиб олиш ва қандай қилиб беришда қолган. Асалари гуллардан шира йиққани билан у асалга айланиб қолмайди. У арининг жиғилдоғида обдан ишловдан ўтади, пишади. Шундан кейингина шифобахшлик хусусиятини касб этади. Ижодкорнинг қалбида ҳам ана шундай жараёнлар кечади. Мен “Одамийлик мулки”ни ана шундай жараёнлар ва тўлғоқларнинг ҳосиласи деб биламан.

“Одамийлик мулки” энига ҳам бўйига ҳам дарроз



китоб – салкам минг бет. Нархи ҳам шунга яраша. Лекин 2012 йилдан бери ҳар йили 10 000 нусхада чоп этиб келинади. Узоғи билан уч ёки тўрт ойда сотилиб, тугайди. Нимага? Чунки у ўз номи билан “Одамийлик мулки”-да. Тоҳир Малик ёзади: “Донолар демишларким: “Сен ўзингни кўрмоқ истайсанми? У ҳолда кўзгудаги ташқи қиёфангга эмас, ичингдаги кўзгуга боқ”. Одамлар бу китобни ўқиб, аввало яратувчиси Аллоҳни танийди, сарвари коинот Муҳаммад алайҳиссаломни танийди. Дунёга келишига сабабчи бўлган ота-онасини ва бутун борликни танийди. Ишқ, Бахт, Саодат деган рамзий саройларида сайр қилади. Охир-оқибат ўзини таниб қолади. Муҳими ҳам шу эмасми, азизлар?!

Мана, ҳурматли ўқувчим, Шеркон қўйган улкан тоғ – “Одамийлик мулки”нинг бир чеккасида бир чумолидек ўрмаладик, холос. Унинг бағрига – маънавият гулшанига хуш келибсиз!

Аллоҳнинг биз бандаларига тақдим этган омонат кунларининг яна бири орқада қолди. Бироқ жонлантириш бўлими Тоҳир Маликни ўз бағридан бугун ҳам қўйиб юбормади. Барчамизнинг орзу-умидимизга айланиб қолган “палата” деган хона юрагимиздек бўм-бўш. Оҳ... умид нақадар ширин! Тонги насимдек ҳаётбахш. Ҳа, ўзинг ноумид қилма, Аллоҳим... Жонли хотиралар яна жонга ора киради.

## СИРДАРЁДАГИ УЧРАШУВ

Тоҳир Малик билан Гулистонга бордик. “Талваса” китобининг тақдимоти бўлди. Аввалига китоб ҳақида маъруза тингланди. Сезиб турибман, китобхонлар тезроқ ёзувчига сўз берилишини кутишмоқда. Шундай ҳам бўлди. Зал ўз қарсақлари билан ёзувчини яхши кўришини билдирди.



– Ташаккур, сизлар қарсақ чаляпсизлар-у, мени ғам босяпти, – деди Тоҳир гўё хижолат чеккандек, – ишқилиб, қовун тушириб қўймай, қарсақка лойиқ бўлайин-да, деб...

Ана холос, қарсақнинг бунақа масъулияти ҳам бор экан-ку. Буним ким ҳам ўйлабди дейсиз? Мақтов ва қарсақлар кўпинча одамни шунчалар маст қилиб қўядики... Баъзан лов этиб, кейин тезда ўчиб қолган “юлдуз”ларимиз шу нуқтада тойиб кетар экан-да деб ўйлаб қоласан, киши. Бундан чиқди, ҳар бир мақтов, ҳар бир қарсақни “қўлингдан яна нималар келади, оғайни” деб қарши олмоқ керак экан-да. Бунинг учун, албатта, Тоҳир Малик бўлиш керак. Тоҳир сўзида давом этди:

– Залга совиткичлар қўйилибди, улар барибир хонани совита олмайдилар, нимагаки бу ерда қалбида адабиётга ўти, ҳарорати бор одамлар ўтирибди... Мухлислар бу лутфга одатдагидек қарсақ билан жавоб беришди.

– Қутлуғ кунларда келибмиз, – деди Тоҳир давом этиб, – Сирдарё вилояти республикамизда учинчи бўлиб давлатга пилла сотиш режасини бажарибди.

Ана холос, ёзувчи буним қачон билиб улгурди экан. Журналистлиги тутибди-да. У ўз фаолиятини газетадан бошлаган, ахир.

– Энди пахта режасини бажаришда ҳам сизларга омад тилаймиз. Пахтанинг машаққатини биламан, айниқса уни териш қийин. Менга ўхшаган бўйи узунларни-ку, қўяверасиз. Ҳашарга кўп чиққанман. Энг кўп терганим саккиз килодан ошмаган. Ундан оширишни хоҳламасдим ҳам. Чунки саккиз килоси салқин жойда ухлашга яхшигина ёстиқ бўларди-да. (енгил кулги, жонланиш). Сезиб турибман, Тоҳир аста-секин мухлисларини авраб, устиларидаги ҳорғинлик пўстинини ечинтиряпти. Киши билмас, ичак узилди қочиримлар, ҳордиқ чиқарувчи оламига етакляпти. Шу ерда бир гап. Гулистонга келишдан уч кун олдин “Танланган асарлар”ининг олтинчи жил-



ди босмадан чикқан эди. Суюнчилаб, Тохирга кўнғироқ қилдим. Чорвоғдаги дачасида экан. Китобни олиб, шанба куни йўлга тушдим. Тохир боғида тўкилган ўрикларни териб, қоқи қилиб юрган экан. Кўришиб, тут соясидаги стол-стулга қараб юрдик. Қўлтиғимда китоб. Атайлаб бермаяпман. Қани, кўрай-чи дейишини кутяпман. Қайда. Ана сабру мана сабр. Одатда ёзувчининг китоби чикса кўлига олмагунча юраги така-пука бўлиб кетади. Ҳа, янги кўзи ёриган она боласини кўришга қанчалик ошиқса, ёзувчи ҳам шунчалик ошиқади. Тохир қўлтиғимдаги газетага ўралган китобга кўз қирини ташлади-ю индамади. Худди ўгай боласига қарагандек қаради. Бу менга алам қилди. Юз чақирим йўл босиб борсам-у... Одам ҳам шунақа совуққон бўладими? Шу пайт ичкари уйдан саллом бериб, келин чиқиб қолдилар. Менга жон битти.

– Мана келин, – дедим китобни у кишига узатиб, – биринчи бўлиб сиз кўринг, бу китобнинг заҳматини кўпроқ сиз тортгансиз. Бунақа совуққон ёзувчига хотин бўлишни ўзи бўладими? Тохир “ол-а-а-а” деб ўриндикда ўтирганича, гавдасини орқага ташлади. Келин менинг марҳаматимдан қувониб кетиб, китобни олди-да варақлай кетди. Мен бўлсам Тохирни жўртага чалғитаман. Сабрини синдирмоқчи бўламан. Ўрик туршагига тоғдаги кийик ўтдан қуритиб, қўшилса қурт тушмасакан дейман. Ялпиз-чи, дейди Тохир. Кийик ўт турганда ялпизни нима қиласиз, кийик ўт ялпиздан ўткир-да. Келин тушмагур ҳам китобни Тохирга бера қолай демайди. Нукул варақлагани-варақлаган. Охири бўлмади. Ёзувчимизнинг сабр косаси тугади. Хотинига кўз қирини ташлаб:

– Китобийларни бир кўриб берсам майлими? – деди болалардек ялинчоқ оҳангда.

Бу лутфдан маза қилиб кулдим. Узоқ йўл босиб борганим ҳам эсимдан чикқан эди.

Тохир залга қараб гапирарди:



– Ўқувчиларим менинг соғлиғим ҳақида қайғуришадди, ёзиш учун кучни қаердан оласиз деб сўрашади дея бир воқеани айтиб бера бошлади. У шундай бўлган эди:

Ёзувчимиз жўралари билан Тошкентнинг машхур “Уголок” деган кафесида жўжахўрлик килиб ўтиришган бўлади. Шунда жўраларидан бири:

– Ўлардек чимхўрсан, оғайни, бунакада ёзиш учун кучни қаердан оласан? – дейди ва жўжага тўймай қолганини очиқ айтади. У гапини тугатмаёқ официант янги ковурилган жўжаларни кўтариб келиб қолади.

– Биз буюртирганимизни еб бўлдик, адашманг, – дейди Тохирнинг жўралари.

– Адашганим йўқ, буни сизлар учун бошқалар буюртиришди, ҳақини ҳам тўлаб қўйишди, энглар, ош бўлсин, – деб официант ўз иши билан кетади.

Ўтирганлар Тохирнинг Ҳотами Той ўртоқларидан бири марҳамат қилди шекилли деб, жўжахўрликни тўхтаган жойидан давом эттиришади. Ҳадеганда уларни мехмон қилган Ҳотами Тойдан дарак бўлавермайди. Охири ўринларидан кўзғалишганда Тохирни бир тўп эркагу жувонлар ўраб олишади. Ҳаммасининг кўлида Тохир Маликнинг китоблари. Мақсадлари дастхат олиш бўлган. Шунинг учун Тохир ва унинг жўраларини жўжа билан овора қилиб қўйиб, битталари китоб дўконига чопган.

Тохир ўз мухлисларига ташаккур айтиб, чимхўрсан, ёзишга кучни қаердан оласан деган жўрасига:

– Кучни қаердан олишимни кўрдингми, оғайни, кўрқма, мен билан юрсанг оч қолмайсан, – дейди кулиб.

## АЛИМЕНТ

Гулистондаги учрашувда гап айланиб, “Талваса”дан “Шайтанат”га кўчди. Шоир Шукур Қурбоннинг номи тилга олинди. “Шеърни жа ўринлатган” деб мақташди.



– Бир куни, – деди Тохир, – Шукур Қурбон каминанага астойдил миннатдорчилик билдириб қолди. Нимамиш, “Шайтанат”га шеър ёзиб, машҳур бўлиб кетганмиш. Ҳа, дедим мен уни янаям ҳаволантириб, энди китоб Асадбек икковимизнинг тукқан боламиз. Яхши бола шунақа ота-онасига шухрат олиб келади, дедим. Бу гапимдан Шукур Қурбон шошиб қолди. Унда мен Асадбекни отаси бўламан, деди дарровда оталикни даъво қилиб. Яхши, мен онаси бўла қолай, фақат битта шартим бор, дедим унга. Айтинг шартингизни деб оталарча кўкрак керди Шукур Қурбон. Шартим шуки, ҳар ойда алимент тўлаб турасиз, тўламасангиз судга бериб қаматвораман... (кулги).

### ВРАЧ НИМА ДЕДИ?

Залдагилар ёзувчининг асарларида учрайдиган кутилмаган ҳолатлар, ҳаёлга келмаган ечимлар ҳақида сўраб қолишди.

– Мени уйда энг меҳрибон, ғамхўр кишим бор, – деди Тохир жиддий, – у ҳам бўлса хотиним. Уни олдида, ҳатто, қаттиқроқ йўталишга ҳам кўрқаман. Икки мартанинг ўрнига уч марта йўталворсам, тамом, капалаги учиб кетади, бечоранинг. Худди ҳозир эридан ажраб қолаётгандек. Дўхтирга учранг деб қистай бошлайди. Навбатдаги кунларнинг бирида ҳам шундай бўлди. Аллергияга қарши дорим тугаб, устма-уст аксирик, йўтал келиб қолди. Туринг, дўхтирга учранг деб хотиним ёзишга қўймади. Ҳай, дедим-да уйдан чикиб кетдим. Тугаб қолган доримни аптекадан олиб, бир айланиб, қайтиб келдим.

– Дўхтир нима деди? – хавотирланиб сўради хотиним.

– Бирпас мени тинч қўй, – деб диванга ястандим. Боз устига жўртага қовоғимни уйиб олдим. Бечора хотиним



аҳволимни кўриб, тоқат қила олмади. Секингина хонадан чиқиб кетди. Билиб турибман, узоққа кетмайди, хаёли менда бўлади. Бир оздан кейин бир нимани баҳона қилиб хонага кирди-да, яна бояги саволини қайтарди:

– Дўхтир нима деди?

– Э, қўй фойдаси йўқ, сени хурсанд қиладиган гапмас, – дедим.

– Шунақасиз-да, ўзингизга қарамайсиз, қачон қараса ёзганингиз-ёзган, – деб астойдил тергай бошлайди у.

– Бўлди, дўхтирданам ўтказвординг-ку, – дедим нозрози оҳангда.

– Ахир дўхтир нима деди, гапирсангиз-чи? -- деб йиғлагудек бўлди хотиним.

– Айтайми?

– Айтинг-да, бир иложини қилайлик, ахир.

– Хотинингни алмаштир, аллергиянг хотинингдан деди, – деб шартта тесқари қараб олдим.

Зал кулгидан ёрилай деди.

## ИЛМИЙ ҚАРАШ

– Аёлларга муносабатингиз? – сўради бир китобхон.

– Мен ҳам эркакман, – дейди Тоҳир. – Аёлларни яхши кўраман, ҳурмат қиламан. Чиройли аёл рўпарамдан чиқиб қолса кўзимни юмиб олмайман. Учрашувларда ҳам кўшиқда айтилганидек тикилиб-тикилиб қарайман. Фақат мени қарашим бошқаларникидан тубдан фарқ қилади. Меники илмий қараш бўлади. Ҳа, тадқиқот маъносида. Маълумки, Аллоҳ таоло Момо Ҳавони Одам Атонинг чап қовурғасидан яратган. Залда ўтирган аёлларнинг қайси бири менинг қовурғамдан яратилган экан деб қарайман, шу...

Яна кулги...

Ёзувчига учрашув сўнггида мухлислар тўн ва дўппи



кийдиришди. Тохир ўтирганларга қаради-да:

- Шу ишни чакки қилдинглар, – деди, – мен Тохирни куёвбола қилиб қўйдинглар, энди уйга Зухросиз қандок бораман? Гулдурос, давомли кулги ва қарсақлар...

Гулистондаги учрашув қачон бошланиб, қачон тугаганини билмайман. Шуниси маълумки, ўшанда мухлислари ўз ёзувчисини қайтадан кашф этишган эди. Айни дамда улар бир олам хасрат ичида ўша учрашувни эслаб, Аллоҳдан Тохирга соғлиқ тилаб, яна қайта учрашишни орзу қилиб ўтирганларини юрагим сезар эди. Тохир минглаб жойларда, минглаб мухлислари билан учрашган. Ҳаммалари ўша учрашув дамларини, Тохирнинг пурмаъно сўзларини эслаб ўтиришгани табиий.

## ТОҲИР МАЛИКНИНГ ЗИЁФАТИ

Тохир Малик бир куни Турсунбой Адашбоев, Орзикул Эргашев ва каминани зиёфатга таклиф қилиб қолди. Қаердалигини айтмади. Туш яқинлашаверсин ўзим кўнғироқ қиламан, деди. Бирорта зўррок кафедра ўтирсак керак-да деб ўйладим. Ўн бирларда кўнғироқ бўлди. “Соат ўн иккида ЦУМ (Марказий универмаг)нинг олдида кутаман деди у. Бу ерда бир эмас, иккита хос ошхона борлигини биламан. Йиғилишиб келдик. Тохир бизни хос ошхоналар тарафга эмас, универмагнинг пешайвонида жойлашган “Бир зумда” кафесига қараб бошлади. Бу ерда чубереки, гўшли ва картошкали перашкалар сотиларди. Беихтиёр тўрт тийинлик перашка еб юрган талабалик йилларимни эсладим. Таомлари бундайроқ бўлса ҳам жойи кенг, очиқ, жудаям табиатли экан. Куз бўлганига сарғая бошлаган барглар офтобда ажиб товланар, баъзилари бандидан узилиб, ҳавода хайинчак ясаб, яшил майсалар устига оҳиста кўнарди.



– Ҳа, нимага хаёл суриб қолдинглар, буюринглар нима ейсизлар, – деди Тоҳир.

Бундоқ қарасак, оқ фартукли перашкачи киз бизга кулиб, қараб турибди.

– Ўзингиз нима ейсиз?

– Иккита чубереки ейман.

– Сиз нима есангиз бизам шу-да, – деди Турсунбой Адашбоев.

– Бундоқ ресторандагидек ранг-барангроқ бўлсин-да, – дедим мен кулиб. Хаёлимда Тоҳир камхарж-роққа ўхшади. Балки ҳамёни эсидан чикиб уйида қолиб кетганми?

– Орзикулга картошкалигидан обкелаколинг, у картошкани яхши кўради, – деди Тоҳир.

Қорин очлигига перашкалар жудаям ширин татиб кетди, ёққа пишганигами иккитадан ортиқ ея олмадик. Тоҳир бу ерга тез-тез келиб турса керак-да перашкачи киз тез тез биздан хабар олиб турди. Қорин ҳам тўйди, гурунг ҳам зўр бўлди.

– Бўлдими... корнилар тўйдими? – деб Тоҳир нимагадир ғалати жилмайиб кўйди.

– Жуда, – деди Турсунбой Адашбоев, – бунақаси камдан-кам бўлади.

– Қизим, ҳисобни айтворинг, – деди Тоҳир узокдан туриб.

– Тўққиз ярим минг...

Воҳ, дедим ичимда, шу пулга шунча одам тўйса бўларкан-ку? Тоҳирнинг нимагадир ғалати жилмайиб кўйганини энди тушундим. Беихтиёр “Одамийлик мулки” китобидаги ушбу сатрлар ёдимга тушди. Ёзувчимиз Аллоҳга ёлбориб: “Аллоҳим! Бизларни нафс васвасаларидан ва дунёнинг нафсоний лаззатларидан асра”, – дейди. Биз бўлса зиёфат деганда нималарни тушунамиз-у, нималарни кўз олдимизга келтирамиз. Мен бу зиёфатда



ёзувчининг дили билан тили бирлигини кўриб турардим.

Шу ерда ҳикоямизни тугатсак ҳам бўларди, лекин...  
Тоҳир бизга қараб:

– Сизларга жавоб, сизлар ишлаганингизга пул ола-  
сизлар, мен ишламаганимга, – деди.

– Уйга кетасизми, машинангизгача кузатиб кўя-  
миз, – дедим мен. У машинасини универмагнинг на-  
риги тарафидаги тўхташ жойига қўйган эди.

– Универмагда ишим бор, – деди Тоҳир.

– Ҳа, – деб биз ҳам унга эргашдик. Тоҳир спорт ан-  
жомлари бўлимига кирди. У ердан фалон сўмга учта  
шахмат тахтасини доналари билан сотиб олди.

– Уйдаги невараларга биттаси ҳам етарди-ку, – де-  
дим жим туrolмай.

– Уларники бор, бугун болалар шахмат клубига учра-  
шувга борадиганман, ўшаларга оволдим, – деди Тоҳир.

Шунақа, азизлар, ақлли одамлар бойликни қорин йў-  
лида эмас, ақл йўлида сарфлайдилар.

Келинг, азизлар, яна Тоҳир Малик билан боғлиқ хо-  
тиралар билан ўзимизни озроқ овунтирайлик. Зора ен-  
гил тортсак. Айтадилар-ку яхши инсонларнинг қилиб  
юрган ишлари бамисоли йўлчи юлдуздир, деб.

## ҚУРБОНЛИК

Бу воқеага ҳам анча йиллар бўлди. Тўғрироғи, мус-  
тақиллигимизнинг дастлабки йиллари эди. Ҳамма  
соҳада етишмовчиликлар бисёр, шаҳарлар ҳам, қиш-  
лоқлар ҳам еб-ичишдан анча тортилиб қолган. Ўшан-  
да “Шарқ”да Тоҳир Маликнинг китоби чоп этилаётган  
эди, айрим сўзлар бўйича мусахҳихларда савол йиғи-  
либ қолибди. Тоҳир уларни ечиш учун мусахҳихлар ол-  
дида анча қолиб кетди. Хабар олай деб борсам, у ким  
биландир телефонда гаплашяпти.



– Яхши, яхши, мен сизга пулини бераман, энг муҳими, мумкинми, йўқми шуни билиб олмоқчи эдим, демак, ўзи шаҳарда яшаса ҳам қурбонлигини сўйиб, қишлоқдагиларга тарқатворса бўларкан. Яхши бўлади, икковимизни бир дуо қилишсин. Ҳа йўў... шаҳардагиларни қўйинг, емадим дегани ҳафтасига бир кило гўшт ейди, қишлоқдагиларга қийин, ойига ҳам бир кило гўшт емайди, ахир...

Ўшанда Қурбон ҳайити яқинлашиб қолган, Тохир қишлоққа, кадрдони Муҳаммад Жуманга кўнғироқ қилиб, қурбонлик қилиш масаласини гаплашаётган экан...

## СОВҒА

Бир куни Тохир билан нозикроқ танишиникига тўйга борадиган бўлдик. У тўй-тўкинларга куруқ бормасиди. Ўзи билан нимадир олволарди. Бу сафар чиройли қилиб ўралган тўртбурчак, рамкага ўхшаган бир нарса олди. Рассом ишлаган бирон-бир табиат манзараси бўлса керак деб ўйладим. У шунақа нарсаларга қизиқарди. Рассомларнинг кўрғазмаларига кирганда, манзаралар қаршисида узоқ туриб қолганларини кузатганман. Ўзи ҳам асарларида табиат манзараларини сўз билан худди рассомдек чизиб кўярди.

Мезбоннинг қистови билан тўйхонага эмас, олдин у кишининг ҳовлисига қараб йўл олдик. Совғани мен кўтариб олган эдим. Тохир индамаганига, уни бировга бермадим ҳам, кўлимдан ҳам қўймадим. Мезбон бўлажак ёш оилага деб ҳовлисининг бир тарафига икки қаватли қилиб уй қурдирган экан. Тохирни чақириб, ёшларнинг уйига пойқадам қилиб, табаррук қилиб беришини ният қилган экан. Уйнинг биринчи қавати меҳмон кутадиган, замонавий тилда айтганда холл кўришида эди. Стол, стуллар, юмшоқ жиҳозлар... Кўзим



фавкулудда рўпарада турган банкетлар жавонига тушиб қолди. Воҳ... ичи тўла маст қилувчи ичимликлар. Тури ҳам кўпайиб кетган экан, ҳамма хилидан боров. Ёнида биллур қадахлар. Мен танишингиз ҳали шунақа одамми дегандек секин Тоҳирга қараб қўйдим. Тоҳир бу нарсаларга эътибор қилдими, йўқми била олмадим. Одатда Тоҳир кўчага чикса атрофга аланглайвермас, ҳассасининг учига қараб юрарди.

Биз дуч келган юмшоқ ўриндиклардан бирига ўтирмакчи бўлдик.

– Йўқ, йўқ, – деди уй соҳиби шошиб, – ёшларнинг хоналари тепада, дуони ўша ерда берасизлар.

Тоҳир тепага чикқач, нимагадир қиблани сўраб қолди. Дуони шу тарафга қараб қилмоқчи бўлди шекилли. Айтишди. Тоҳир дуога қўл очишдан олдин, кўлимдан совғани олди-да:

– Бизнинг кўзларимиз қувончи ёш оилага арзимас дея олмайман, жудаям арзийдиган муборак совғамиз бор, уни қибла тарафдаги мана шу деворга ўрнатиб қўясизлар, ёшларга ҳамиша қиблани кўрсатиб турсин, – деб совғани қоғоздан бўшатди. Мен кўриб “воҳ” деб юборибман. Кўтариб келганимиз Каъбатуллоҳнинг ипакдан ишланган сурати эди. Шундан кейин Тоҳир дуога қўл очди:

– Бизларни яратган Аллоҳимдан дуо қилиб, сўраймиз, ёшлар бахтли-саодатли бўлсин, қўша қарисин. Падари бузрукворлари, онажонларини умрини узок қилсин, хонадонни куллун офатлардан асрасин. Аллоҳ ниманики ҳаром қилган бўлса ўша нарсалар остонадан ҳатлаб, ичкари кирмасин. Ниманики ҳалол қилган бўлса ўша неъматлар билан хонадони барокатлансин. Шайтон васвасаларидан нари бўлсинлар. Аллоҳ солиҳ-солиҳа набиралар берсинки, улар ота-онаси, буви ва бобожонларига жаннатда бошларига тож кийдиради-



ган ҳофизи Куръонлардан бўлиб улғайсинлар. Хонадон аҳлини умра зиёратлари, ҳаж сафарларига боришларини насиб этсин. Бугун кўпчиликни дуоси билан барпо бўлаётган ёш оила, аввало, Аллоҳни танисинлар, Пайғамбаримиз алайҳиссаломнинг суннатларига амал қилсинлар, ота-онаси, қариндош-уруғи, кўни-кўшниси, маҳалла кўйи, юртининг хизматига ҳамиша лаббай деб турсинлар, омин Роббил аламин!

Тевада дуо қилардигу, аммо оёғимиз тагидаги бояги ҳолат менинг кўз олдимдан нари кетмасиди. Бири иккинчисини инкор қиларди. Тевада жумлаи жаҳоннинг қибласини кўрсатиб, Каъбатуллоҳнинг сурати турсаю, пастда эса...

Аста биринчи қаватга тушдиг-у кўзларимга ишонмай қолдим. Ким бўлса ҳам барака топсин, фаросатига балли, ичкилик турган жавонни зудлик билан бўшатиб қўйибди.

Ўйлаб қоламан, Тохир бу хонадоннинг боягиндек исқоти нарсаларга мойиллигини билмаганми, билган. Шунинг учун ҳам совғанинг энг антиқасини ва тарбиялисини олган. Ҳа, Тохир у-бу деб амри маъруф қилиб ўтирмадию, аммо индамай нишонга урди. Анави исқотини уйдан чиқариб ташлади. Мутлақо остонадан кайта кирмайдиган қилди. Қадрдоним Тохир Малик ҳаётда қандай гапирса шундай яшарди. Қандай яшаса шундай гапирарди. Дили билан амали бир эди.

## ТЎН

Ижодкорларнинг тўй, маърака ошларини чиройли қилиб ўтказиб берадиган кайвони Олимжон акамиз, бир каламкаш дўстимизнинг тўйида, ош емай тулинг, одамларни кузатгач, бирга “ҳоммом пиш” қилиб ош еймиз, деб қолдилар. Дарҳақиқат, у киши одам кутиб, охирида ош ейишга қолганда шериксиз бир ўзлари қолиб кетар-



дилар. Бу анча нокулай эди. Хўп, дедим. Мехмонлар кузатилгач, ўзлари козон бошига бориб кўнгилдагидек, сергўшт, серсабзи қилиб суздириб келдилар. Чойнакни ҳам қайнок сувга чайдириб чой дамлатдилар.

Иштаҳа билан ош ея бошладик. Одатда, Олимжон ака ош яримлагунча гапирмас эдилар. Гапирдиларми, демак, тўйиб қолдим деганлари бўларди.

– Шуу... – дедилар чой хўплаб, – оғайнимизни айтаман-да, – деб тўй эгасининг номини айтдилар, – куда тарафга тўн кийдиришда сал оширворди-да, куданинг ўзига битта яхшисини кийдирса бўлдийди, қолганларига бундайроғи ҳам бўловарди. Ошиб-тошиб ётган бўлса бошқа гап эди.

Сездим, азбаройи тўй эгасини аяб шу гапларни айт-яптилар. Дўстимиз сал камчиқимроқ эди. Шунда бир воқеани у кишига эслатдим. Ўшанда шаҳардан ташқаридаги “Ўнқўрғон” деган қишлоқдан Олимжон исмли тадбиркор қишлоқ марказида дўкон, чойхона, новвойхона, сартарошхона ва бошқа қулайликлар барпо қилиб, унинг очилишига Тоҳир икковимизни таклиф қилган эди. Учрашув жуда чиройли бўлган, китоб савдоларигача уюштирилган, Тоҳир ўша ерда ҳам китобларига дастхат ёзиб, чарчамаган эди. Охирида тадбиркор Олимжон қишлоқ отахонлари қатори бизга ҳам қимматбаҳо тўнлардан кийдирган эди.

Ишхонага келганимда Олимжон ака тўнни кўриб, ўхў... зўридани дедилар. Мен шунақа Тоҳир Малик билан юрсангиз тўнни зўридан киясиз, дедим. Шунда Олимжон ака, менга қаранг, Тоҳир Маликка ҳамма ерда шунақа тўн кийдиришадими а, дедилар. Яхши кўрган ёзувчисига, яхшисини кийдиришади-да дедим. Унда, уйида роса тўни кўпдир а? Балки, дедим. Сиз Тоҳир Маликка айтинг, ўзим кўрсам ҳам айтаман, бозорда тўнчи танишларим бор, йиғиб-йиғиб бериб турса, қурт-



дек қилиб пуллаб бераман. Мен Олимжон акага шуларни эслатдим.

– Ҳа, ҳа... – деб кулдилар-да, – ўша ишни қилмадик-ку, тўнларни сотмадик-ку, – дедилар.

– Боя қудаларга сиз кийдирган қимматбаҳо тўнлар, ўша тўнлардан эди. Тохир Малик тўнларни йиғиб-йиғиб, тўйига айтиб борган қаламкашларининг ҳолига қараб, уларни ҳадя қилиб юбораркан. Ўғил уйлантираётганларга бундоқ тўнларни, киз чиқараётганларга куёв сарпо деб зар тўнларни бериб юбораркан. Буни мен ҳам ҳозир билдим. Тўй эгаси айтди.

– Нима? – деб Олимжон ака тиззасига бир урди-да, ўрнидан туриб кетди. Кейин шошиб ташқарига юрди. Мен оғзимда лукма билан орқасидан ҳайрон бўлиб қараб қолибман. Сал ўтмай бўшашиб қайтиб келдилар.

– Ҳа, нима бўлди? – дедим.

– Тохир Малик ошдан кейин дўстлари билан гаплашиб турганига кўзим тушган эди. Бояги гапингиздан кейин бир бағримга босай, дегандим, аттанг, кетиб қопти, – дедилар. Кейин ҳайрат билан: – Ҳаа... мана гап қарерда, шунинг учун ҳам у, Тохир Малик-да, шунинг учун ҳам зўр нарсалар ёзади-да, барака топкур, – дедилар.

Тохирнинг ашаддий мухлисларидан бўлган кайвони Олимжон ака Тохир жонлантириш бўлимида ётганида, саксон ёшларида оламдан ўтдилар. Мен ўлсам кабрага ўз қўлингиз билан қўйинг деб васият қилган эдилар. Ўғли Раҳматжон билан васиятни охирига етказдик. Тохир Малик билан боғлиқ ўша воқеа ширин хотирага айланиб қолди.

## АВТОСЕРВИСДА

Тохир дўстимни ҳам ҳурмат киладиган, ҳам яхши кўрадиган Ислом ака Шоғуломов оламдан ўтдилар.



Тохир билан таъзияларига бордик. Орадан кўп ўтмай Ислом акага хизмат килиб юрган “Суперсалон” деган Жанубий Кореяда йиғилган зулукдек қора машинани ишхона сотадиган бўлиб қолди. Харидор кўп эди. Машина ишхонада энг кўп ишлаган одамга сотилар экан, деган гап чиқди. Бундай шарафга мен лойиқ топилдим. Хурсанд бўлиб машинани сотиб олдим. Ҳар куни йўлга чиқишдан олдин Ислом акани дуо қиламан. Хаёлимда орқа ўриндикда, салобат тўкиб ўтиргандек бўлаверадилар. Бироқ машинани бошқаришда қийналардим. Тезлиги баланд эди. Кейин бўйи узун бўлганига, тўйларга борганда машиналар қаторига қўйишга қийналардим. Шундоқ бўлса ҳам, сотгани олган экан-да демасинлар деб икки йил миндим. Барибир ўрганолмадим. Охири ўғилларим уни сотиб, енгилроғини олиб берадиган бўлишди. Харидор ҳам топила қолди. Ўрнига ўрин олиб келинглари, мен ишга, эрталабки намозга пиёда қолмай дедим. Иккита “Спарк”ни кўрсатишди. Бири тўқсон минг, иккинчиси бир юзу ўн минг юрган. Нархи дўкондаги билан бир хил экан. Дўкондан янгисини олган яхшимасми, дедим. Ўғилларим камида бир йил кутиш кераклигини айтишди. Тохирга маслаҳат сўраб, кўнғирок қилдим. Эртага ишхонада бўлиб туринг, олдингизга ўтаман, деди Тохир.

Тохир эртасига келди. Уйидан янги чиққан китобларидан бир дастасини олвопти. Сизам китобларингиздан олинг, деди. Тохирнинг машинасида автосервисга бордик. Ичкари киришимиз билан рўйхатга оладиган йигит-қизлар Тохирни кўриб, сўрашгани шошилишди.

– Келинг, келинг Тохир ака, хизмат?

– Янги китобларимиз чиқувди, ака-ука азда-базда сизларга дастхат ёзиб берайлик, деб олиб келдик, китоб ўқишга вақтийлар борми ўзи? – деб жилмайди Тохир. Кўпчилик Тохир Малик билан Эркин Малик ака-ука бўлишса керак деб ўйлашади. Аслида биз бир умр бир-



га-бирга ишлаб, бирга юриб туғишганданам зиёда бўлиб кетган эдик.

– Ким киму сиззи китобларингизни ўқишга вақт топамиз, – деб Тоҳирнинг китобларини номма-ном санай кетишди мухлислари.

– Обкелган китобларимизни сизларга тақдим этишдан олдин битта шартимиз бор, – деди Тоҳир, – биласизлар китоб ёзиш бизлар учун деҳқончилик, автомашина эса сизлар учун деҳқончилик. Шу... бартер қилсак нима дейсизлар?

– Гап йўқ, лекин машинангиз ҳали янги шекилли? – деди улардан бири.

– Ҳа, оберган машинанглар ҳали эскиргани йўқ, акам Эркин Маликка оламиз, – деб боши билан менга ишора қилиб қўйди Тоҳир.

Бир зумда “Нексия – 3,” оқ ранглисига ҳужжатлар тўлдирилди. Тоҳир “Автосервис” раҳбарига “Одамийлик мулки”ни ҳадя қилмоқчи эди, у киши йўқ экан. Йигитларга қолдирдик. Хайрлашаётганимизда Тоҳир алоҳида таъкидлаб:

– Акамлар ҳар куни ишга, кейин масжидга қатнайдилар, бу ёғини имкон қадар тезлатасизлар-да а, – деди ...

Бир ойга қолмай машинанинг калити қўлимга тегди. Миниб Тоҳирнинг уйига бордим-да, машинангизни олиб келдим, деб суюнчиладим. Тоҳир ташқарига чиқиб, сутдек оппоқ машинани кўрди-да, буюрсин, яхшиликка мининг деб, дуо қилди...

## БОҒДА

Чорбоғ сув омборига етмасдан Ёзувчилар уюшмасининг дала боғи бор. Ўша ердан кўп қатори Тоҳир икковимизга ҳам ер теккан. Ёз куни Тоҳирнинг ҳовлисига ўтганимда узум занглари ҳаддан зиёд тарвақайлаб кет-



ганини кўрдим. Кузда зангларни янгилаб кўйиш керак-лигини айтдим.

– Қани куз келовурсин-чи, ҳимматингизни кўра-миз, – деди Тоҳир.

Ҳаш-паш дегунча куз ҳам келди. Ваъдамга биноан тоққайчини ўткирлаб, Тоҳирнинг ҳовлисига ўтдим.

– Ишдан олдин кўл ҳақини гаплашиб олмаймизми? – деди Тоҳир жиддий. Унинг гапига яраша мен ҳам жиддий жавоб қилдим.

– Пулингиз чўнтагингизда туровурсин, шаҳарда битта шкафим бор, ўшани “Москвич”ингизда обкелиб берсангиз бўлди.

Тоҳир шаҳарда “Нексия” минар, дачага кўпрок “Москвич”ида келар, уйида кўй боқар, қайтишда хашак ортиб кетарди.

– Вой муғамбир-сй, бу ёғи сиздан у гинаю биздан бу гина бўларкан-да, токимни кесиб бермасангиз ҳам обкелиб берардим, ўша шкафингизни.

– Шунақами, бўпти унда мен кетдим, – дедим.

– Ҳечам-да, узумниям кесасиз, ундан кейин боғимдаги дарахтларниям, юз километрдан шкаф об келишни ўзи бўладими? Ҳар бир километрига биттадан дарахт...

– Юзта дейсизми, боғингизда ўнта дарахтингиз борми, йўқми ваҳимангизни қаранг?

– Сиз нима деб ўйловдингиз, дарахтларим ўнта бўлса ўн йил, йигирмагта бўлса беш йил қараб берасиз, гап тамом, вассалом. Шкаф дачангизда бўлади.

Тоҳирни ҳеч қачон бир гапдан қолдириб бўлмасиди. Мантик, ҳозиржавоблик жуда кучли эди.

## ЎЗАРО ЁРДАМ...

Нимадир бўлиб, сейфни очдим-у уриниб, сарғайиб кетган бир даста қоғозга кўзим тушиб беихтиёр жон-



лантириш бўлимида ҳаёт билан курашиб ётган кадрдонимни эсладим. У пайтларда муомаладаги пулнинг энг каттаси – минг сўмлик эди. Бир куни Тоҳир “Шарк”дан қалам ҳақи олди-да:

– Ният қилиб қўйгандим, шу пулдан жамоага битта ош қилсак, нима дейсиз, – деб қолди.

Камина асосан байрам кунлари жамоага ош дамлаб турардим. Баъзан Тоҳирнинг ҳам насибаси қўшилиб қоларди. Шунинг назарда тутяпти шекилли. Бироқ шу пайтгача муаллифларимизнинг бирортасидан бунақа таклиф чиқмаган эди. Табиий, бу таклиф менга ёқди. Кимсан, Тоҳир Малик ош қиламан дейдию йўқ деб бўладими?

Бошлиғимиз Аҳрорга айтсам, китоб чиқариб, муаллифларнинг ошини ейишар экан, деган гап чиқмайдими, деди. Биринчидан Тоҳир бегона эмас, ўзимизни одам, иккинчидан эҳсон қиламан деса қандоқ йўқ, дейсиз, дедим?

Хуллас, ошни Тоҳирнинг ҳовлисида тайёрлаб қозони билан олиб келдик. Дуо, фотиҳалар бўлди. Шунда ходимимиз Муроджон ака Мансуров:

– Бу жа зўр бўларкан, ўтган ота-оналар, ёр-биродарлар эсланаркан, каминани навбатга ёзиб қўйинг, кейинги ош мендан, – деб қолдилар.

Муроджон аканинг “Жудолик диёри” китобининг нишона сони кутилаётган эди.

– Хўп баракали одамсиз-да, Тоҳир, – дедим, – қаранг сизнинг ташаббусингиз билан яна ош ейдиган бўлдик.

– Бу ҳали бошланиши, – деди-да, Тоҳир мен билан хонамга кирди.

– Ош қилишга анча қўлингиз кеп қопти, менга шогирд тушсангиз бўларкан, яқин ўртада бунақа кўп ош емаганман, – деди. Дарҳақиқат, наҳорги ошларга борганимизда, Тоҳирнинг ёни талаш бўларди. Икки қошиқдан ортиқ ош емасиди-да. Шерик бўлган мазза қилиб қоларди.



– Пулингиз куйган-да, шунга ширин татиб кетган, – дедим мен.

– Бу гапингиз ҳам тўғри, – деди-да кўйнидан икки боғлам пул чиқариб столим устига кўйди.

– Воҳ, бу ошпазнинг кўл ҳақими, Тоҳир? – дедим, ҳайрон бўлиб.

– Қанақа кўл ҳақи, ош қилган кўлингиз билан тўйиб ош едингиз-ку, бўлди-да...

– Менам шунга ҳайрон бўляпман-да?

– Илгари ишхоналарда “ касса заимопомоши – ўзаро ёрдам” деган гаплар бўларди. Одамлар қийналиб қолганида ўша касса жонига ора кирарди. Аслида бу ҳожат-барор, савоб иш. Ҳозир йўқолиб кетди шекилли.

– Тўғри айтасиз, директоримиз Ислом ака Шоғуломов даврларида “Шарк”да битта карис хотин шу иш билан шуғулланарди. Ўртада йигирма миллион пул айланарди. Ишчилар уч ой, олти ой муддатга қарз олиб, тўйларини ўтказиб олардилар. Пул кадрсизланган пайтларда Ислом ака яна қанчадир кўшиб, кўпайтириб берган эдилар, – дедим Тоҳирнинг гапини тасдиқлаб.

– Ўлманг, биларкансиз, бу пул Ислом аканинг ҳимматлари олдида ҳеч гапмас... майли-да... шу ишга икковимиз сабабчи бўлсак, нима дейсиз?

– Жон дейман, ўзи ходимлар мендан тез-тез қарз сўраб туришади, буни ўрисларда “чёрний касса” ҳам дейишади шекилли? – дедим.

– У бошқа нарса. Уни бунга аралаштирманг. Ўрислар ўлса кўмиш, ўлганни ҳақиға ароқ ичиш учун пул йиғишади. Шунинг учун ҳам номи чёрний – қора касса-да...

Шу гапларнинг бўлиб ўтганига ҳам йигирма йиллардан ошди-ёв. Ўша воқеаларни ёдимга солган, сарғайиб кетган бир даста қоғоз “ўзаро ёрдам”нинг кўп йиллик кирим-чиқимлари эди. Қоғознинг дастлабки варағига “Т. Маликнинг пули, савоб учун ишлатгани берган”



деб ёзиб кўйган эканман. Орадан шунча йиллар ўтиб, кимлар неча марта фойдаланди экан деб эринмай санаб чиқдим. 359 марта. Қаранг, шунча марта одамларнинг ҳожати чикибди. Улар нукул менга яхшиям сиз борсиз, деб дуо килиб кўйишарди. Ичимда савоби Тоҳирга тегсин деб кўярдим. Тоҳир бошлаб берган бу савоб иш ҳамон давом этарди. Шунгами, юрагим тез-тез уриб, вужудим титраб, илтижо билан Яратганга юкинаман: Э Аллоҳим, Тоҳир Маликнинг мана шу кичкина савоб ишини катта савоблар қаторида санаб, марҳаматингни аямагайсан, умрини узун қилгайсан, сафимизга қайтаргайсан...

Аллоҳ йўлида бундай ишларни ҳамма ҳам қилавермайди-да, азизлар!

## СЎНГГИ КУН, СЎНГГИ МУЖДА

Ўша куни чоршанба эди. Ифторликда ўтирардик. Зоҳиджон қори домла мендан Тоҳирнинг аҳволини сўраб қолдилар.

– Ўн беш кунлар бўлиб қоляпти, ҳалиям жонлантириш бўлимида, – дедим ташвиш билан, – кечаги жумада ҳам масжидларда Тоҳирга иккинчи бор Аллоҳдан офият сўралди.

– Бир ойча бурун мени сўроқлаган эканлар, уйларида бўлган эдим, – дедилар Зоҳиджон қори.

– Борганингиздан хабарим бор, лекин Тоҳирнинг ўзи айтмаганига сўрамаган эдим.

– Бир китоб ёзаётган эканлар, шунга шаръий, фикҳий масалаларда анча суҳбатлашиб ўтирдик.

– Китоб мабодо Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф хазратлари ҳақларидамасми? Тоҳир у киши ҳақда, хотира эмас, бадий асар ёзаман, романга арзиғулик йўлни босиб кўйдилар, деган эди, – дедим мен.



– Айтмадилар-у, ҳазрат муфтий бўлган даврларнинг шабадаси келиб турди, – дедилар Зоҳиджон қори.

Даврада Рустам исмли кадрдонимиз ўтирарди. Унинг хотини Тоҳир операция қилинган жойда ишлар, баъзи маълумотларни Рустам орқали билиб турардим. Мен Рустамдан келиним ишдами, ишда бўлса аҳволини сўраб билинг-чи, дедим. Рустам кўнғироқ қилди. У ёқдан аниқлаб, кўнғироқ қиламан деган жавоб бўлди, шекилли, Рустам менга қараб, “ҳозир” дегандек бош ирғаб қўйди. Орадан кўп ўтмай Рустамнинг телефони жиринглади. Рустам эшитди-да, бизга қараб:

– Ҳали ҳам жонлантириш бўлимида эканлар, лекин аҳволлари анча оғир деяпти, – деди.

Аллоҳдан Тоҳирга соғлик сўраб дуо қилдик.

Ҳар йили рамазон ойида ифторликкача ишлаб бериш шарти билан ишхонага бир, бир ярим соат кеч борар, сахарликдан кейин озгина қайлула қилиб олардик. Соат еттиларда кампирим мени уйғотиб, ишхонангиздаги Анвар сўраяпти, деб қолди. Анвар ишлаб чиқариш бўлимида ишлар, босилаётган диний китобларда бирон савол чиқиб қолса ярим кечада бўлса ҳам кўнғироқ қиларди.

– Ҳа, Анвар, тинчликми? – дедим.

– Ёмон хабар келиб қолди, Тоҳир акам бўмай қоптилар... – деди-ю бошқа гапира олмай қолди. Анвар Тоҳирнинг яқин қариндоши эди. Ишга ҳам Тоҳирнинг ўзи олиб келган эди. Тоҳир ҳақидаги кечқурунги мужда охиргиси эканини англадим. Ичим бўм-бўш бўлиб қолди. Жонлантириш бўлимида ётгани ҳам бир давлат, бир таскин экан.

Инна лиллаҳий ва инна илайҳи рожиун, деб юзимга фотиҳа тортдим. Аллоҳ бўлдириши керак бўлган иш бўлган эди. Тоҳир тириклар орасида энди йўқ. Ҳаммаси ўтмишга айланди, деб эзилиб кетдим. Китоб тақдимот-



лари, учрашувлар, телсэкрэнлардаги дилбар суҳбатлари... Э ҳа...? Ҳа, бандаси ожиз, бу ёруғ дунёдаги ҳамма нарса ўткинчи, абадийлик фақат Аллоҳгагина хос.

### АЛВИДО ДЕМАНГ...

Мен Тохирни орамиздан олиб кетган ўлимни “қаттол”, “бевакт”, “машъум” ўлим, дея олмайман. Қани шундай деб озгина бўлса ҳам аламимдан чиқа олсам? Чунки, жойинг жаннатдан бўлгур Тохир Малик ўзининг сўнгги китоби “ОХИРАТ”да мана нималарни ёзган эди. “Ишк аҳлининг ўлим билан учрашуви ҳам ўзига хосдир. Мавлоно Жалолиддин Румий ўзларининг ўлимларини “Шаби арус”, яъниким “никоҳ оқшоми” – келинни кўрадиган, лаззат оладиган, ҳаяжонланадиган, висолга эришадиган оқшом, деб атайдилар. “Ўлганимда менинг оркамдан йиғламанг, “Алвидо!” деманг. Мен ажралишга эмас, учрашувга кетяпман”, – деганлар...

Ана шунақа, азизлар, ҳатто “оркамдан йиғламанг, алвидо” деманг деяпти Тохир Малик. Дарҳақиқат, Тохирнинг ўлимга қарашлари тамоман бошқача эди. Ҳа, тасаввур қилиш даражасида бошқача эди. Бир куни суҳбатлашиб ўтириб, Пайғамбаримиз алайҳиссаломнинг “Ҳаётингдан ўлим учун улуш ажрат”... деган ҳадисларини эслаган эди. Ўлимдан одам зоти қанчалик кўркса, у шунчалик яқинлашаверади, кўркмаса, ўз ҳаётидан улуш ажратса, яъни ҳар дақиқада эслаб турса, ўлим ташлаб кетмайди-ю бандасининг нари-берисида юраверади, деган эди. Шундан кейин қатга бир ислом олимининг ҳаётидан бир ажиб ҳолатни айтиб берган эди. Шундай бўладики, олим вагани, дини, эътиқоди йўлида курашга чиқиб душманга асир тушиб қолади. Душман қўлга тушган асирларни подшоси қаршисида бош эгиб туришга буюради. Олим киши мен Аллоҳнинг қаршисидагина бош эгаман,



бандасининг олдида эмас, деб буйрукдан бош тортади. Ҳатто тикка ҳам турмай, ерга ўтириб олади. Олим кишини олишга ҳукм қиладилар ва дор тагига олиб борадилар. Шунда унга ўлимнинг олдидан охирги тилагингни айт дейдилар. Олим киши икки ракат намоз ўқиб олишга рухсат беришларини сўрайди. Рухсат берилади. У тепа-сидаги сиртмоққа заррача ҳам эътибор қилмай, ниҳоятда хотиржамлик, ҳушу ва ҳузу билан намозини адо этади. Душман тараф маҳкум намозида йиғлаб туриб подшодан нажот сўраса керак, деб ўйлайди. Ундай бўлмайди, юз-кўзларида зиғирча ҳам кўрқув ва умрига ачиниш аломатлари сезилмайди. Олим кишидан сўрашганда, нимага кўрқай, нимага ачинай ахир ўлим мени улуғ Аллоҳимга яқинлаштираётган, севимли Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломга қовуштираётган бўлса, бу сизлар учун фожиа мен учун байрам-ку, деган экан. Шунда подшо олим кишининг ўз дини ва эътиқодига қанчалар содиқлигини кўриб, тан берган ва ўлимдан озод қилиб юборган экан. Бу олим кимлигини биласизми, – деб мендан сўради Тоҳир, – Саид Нурсий бўладилар. У кишининг умри Туркия подшоси Ота Туркнинг тазйиқи остида қамоқхоналарда ўтди, аммо узоқ яшадилар...

– Бандаси ўлимни эслаб яшаса, ўлим ҳам ўз эсловчисини вақти келганда ўз ҳолига ташлаб қўймас эканда, – дедим воқеадан таъсирланиб.

Шунда Тоҳир: “Ўлимни кўп эсланглар. Чунки у гуноҳлардан поклайди, дунёдан тийилишга ундайди”, деган ҳадисни эслатиб, мақсад ҳам шу-да, кимки покдон бўлса, нафсини тийса, умри қисқармайди, аксинча узаяди. Чунки кам гуноҳ қилади-да. Айтишади-ку ошиб кетсанг ҳам, тошиб кетсанг ҳам, бошингга бирон-бир мусибат тушса ҳам қабристонга бор, деб. Қабристон ҳам одамга ўлимни эслатади-да. Одам боласи сал бўлса ҳам ақл-ҳушини йиғиштириб олади...



## КИМСАСИЗ ОРОЛ

Шу ва шунга ўхшаш ёмби хотираларни эслаб, улугъ ёзувчимизнинг яшашдан, тинмай ижод қилишдан мақсади нима эди, деб ўйлаб қоламан? Ва унинг “Охират” китобидан жавоб топгандек бўламан. Тоҳир ёзади:

...Бир мамлакатда подшоҳ роппа-роса ўн йилдан кейин тахтдан тушириларкан. Сўнг қайикқа ўтказиб уни кимсасиз оролга ташлаб келишаркан. Навбатдаги подшоҳ тахтга ўтиргач, у маъюсланиб вазирига дептики:

– Наҳотки менинг ҳам қисматим шу бўлса? Наҳотки мен ҳам кимсасиз оролнинг чўлу биёбонида жазирама азобларида яшашга ҳукм этилсам?

Шунда вазир шундай маслаҳат берибди:

– Муҳтарам шоҳим, сиз кимсасиз оролда яшашни истамасангиз, шоҳлик даврини беҳуда айш-ишратларга совурмай, умрингизни ва мол-давлатингизни ўша оролни обод қилишга сарф этинг.

Подшоҳ мулоҳаза қилиб кўрсаки, вазир ҳақ экан...

Мазкур ривоятни шарҳлашга уриниб кўрамиз: подшоҳ – шахснинг ўзи. Яъни ҳар бир одам ўзи учун ўзи шоҳдир. Ақли ва иймони унинг вазиридир. Ақл ва иймон худди эгизак сингари ҳамиша биргадир. Ақл йўқ жойда иймонни изламанг, иймон йўқ ерда ақлни қидирманг. Демак, ақлимиз ва иймонимиз бизга доно маслаҳатчидир. Кема (қайик) – тобут. Одамнинг қисмати шу – бир кунмас, бир кун ўз тахтидан тушади, ўша кема (қайик) – тобутга солиб олиб борадилар. Кимсасиз орол – йўқлик дунёси, биз борадиган жой. Бошқача айтганда, охират ороли. Агар биз бу дунёмизни ҳою ҳавасларга совурсак, ўша орол чиндан ҳам кимсасиз бўлади, чиндан ҳам чўлу биёбондан иборат бўлади. Агар Ҳақ йўлидан юриб, яхши амаллар билан банд бўлсак, ўша кимсасиз оролни обод қилган бўламиз. Борар жойимиз саҳро – дў-



зах азоблари эмас, жаннат боғлари бўлади, иншааллоҳ!

Мана, Тоҳир Маликнинг бу дунёдаги мақсад ва ўйлари, узундан-узун ширин орзулари, инсониятга айтмоқчи бўлган лўнда, мухтасар тилаклари. Тоҳирнинг жони ўзи айтгандек, жумадан бир кун олдин, пайшанба кунини узилди. Ёзганидек ўша қайиқ – тобутда аср пайти шайх Зайниддин бува, яъни Кўкча масжидига олиб келдик. Аср намозида жанозаси ўқилди. Биласиз, асрдан кейин эса одатда жума кунининг ҳукми киради. Ҳа, жума кунининг дастлабки соатларида қадрдонимизни “охират ороли”га топширдик. Яна қаерга? Бу саволга Тоҳир Малик вафотидан тўрт йил муқаддам Шайх ҳазратлари ҳақида ёзган хотирасида шундай деб ёзган эди:

“Бир йиғинда биродарларга: Мен сизлардан кўра бахтлироқман дедим. “Ҳа, сиз Ҳазратнинг суҳбатларидан, илмларидан кўп баҳраманд бўлгансиз” дейишди. Бу дунёвий бахт, лекин мен бундан улўғроқ бахтдан умидворман. Болалигим Шайхимиз дафн этилган шу қабристон атрофида ўтган. Қиёматга қадар манзилим ҳам, иншааллоҳ, шунда. Дадажоним билан аяжоним, яна қариндошларим ҳам шу қабристонда ётишибди. Аллоҳ марҳамат этса устоздан юз қадамча нарида шайх Зайниддин бува, Алихонтўра Соғуний ётган қабрларга яқин жойдан менга ҳам кичик бир сўнгги маскан берар”.

Ҳа, азизлар, Аллоҳим марҳаматли, пок ният билан ниманики сўрасангиз беради. Тоҳир ўзи орзу қилгандек, дунё уламолари фазилатли шайх деб атаган устоз Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф ҳазратларининг шундоқки-на яқинларига дафн этилди. Дуоси мустажоб бўлди.

### ҲИКМАТ ИЗЛАБ...

Шайх Алоуддин Мансур жаноблари Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф ҳазратларининг вафотлари-



ни улкан чинорнинг қулашига ўхшатган эдилар. Тоҳир Малик ҳам ўзбек адабиёти ва маънавий оламимизнинг улкан чинорларидан эди. Ижодда бетакрор, бошқалар орзу қилиб етишиб бўлмайдиган катта Шахс эди.

Тоҳир Маликнинг азиз мухлислари, ёзувчимиз “охи-рат ороли”га қўйилди, энди хотиралар ҳам абас бўлди деб ўйламанг асло, хотиралар энди бошланади. Тоҳирга ўхшаган инсонлар орамиздан жисмангина кетадилар, руҳан яшайверадилар. Китоблари қўлма-қўл бўлиб, юртимиз бўйлаб сарсари кезаверади. Телеэкранлар орқали юзма-юз ўтириб, биз билан суҳбатга киришаверади. Чунки у хаёлларимизда, ўйларимизда, суҳбатларимизда яшаяпти-да. Тоҳир нафақат у дунёсини, бу дунёсини ҳам обод қилиб кетди. У нуқул китобларига “Икки дунё саодатини тилайман” деб дастхат битарди. Ўзи ҳам икки дунё саодатига эришди, Худо хоҳласа. Бошқаларга икки дунё саодатини тилаган бандасига қарамли Аллоҳим икки дунё саодатини соғинмайди дейсизми?

Катта ёзувчимиз шундай деб ёзади:

“Сўнгги сўз... ва сўнгги нафас... Шу ҳолатни ҳеч ўйлайсизми? Билмайсиз... била олмайсиз... Ҳозиргина тилимиздан учган сўз сўнггиси бўлиши эҳтимол... Эндиги чиқарган нафасимиз охиригисидир балки? Киши бу оламни тарк этгач, яқинлари унинг сўнгги ҳаракатларини, сўнгги гапларини эслашади ва ундан ҳикмат излашади”...

Ҳа, шундай, орқасида қолган, биз, тириклар энди у босиб ўтган ҳаёт йўлларида, ёзган китобларида ҳикматлар излаб яшайсиз.

## ИФТОРЛИК

Рамазоннинг охириги кунлари, 2 июнь куни кадрдонимнинг ўғли отасини хотирлаб, ховлида рўзадорларга ифторлик берди. Ифторликка Самарқанддан етиб



келган “Бекажон” газетасининг муассиси Беҳзод Зокиров “Тоҳир акамнинг ўзлари ва сўзлари битилган” деб шоғирди Холёр орқали қўлимга бир диск тутқаздилар. Тоҳир “Бекажон” газетаси дунёга келгандан бери, то умрининг охиригача газетага эксперт – маслаҳатчилик қилди. Мен хурсанд бўлиб дискни олдим-да, Беҳзодга ифтордан кейин тезда туриб кетишимизни, бафуржа гаплаша олмаслигимни айтдим. Унинг ёнида ўтирган Аҳрор Аҳмедов бугун янги очилган Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф ҳазратлари номидаги масжидда хатмиона бўлишини айтди. Биз ифторликдан кейин масжит хонақосига кира олмаслигимизни ҳисобга олиб, ўзимиз билан жойнамозлар олволган эдик. Хонақо асрдан кейиноқ намозхонлар билан тўлиб бўлади. Шаҳардаги ҳамма масжидларда бўлиб ўтаётган хатмионаларда шундай бир қувончли ҳол кузатилаётган эди.

## ЭЛЧИ

Бундоқ эътибор қилсам ифторликда шайх ҳазратларининг шоғирдлари, “Ҳилол нашр”нинг муҳаррири Озод Мунаввар ўтирибди. Ундан Ҳазратнинг ўғиллари Исмоилжон келдиларми, йўқми деб сўрадим. Йўғ-ов, хатмионага элчихоналардан меҳмонлар келадиган эди, яна билмадим, деди. Исмоилжон оталари номидаги масжидга Имом этиб тайинланган маросимда иштирок этган эдик. Бу узукка кўз қўйгандек бўлган эди. Муфтий Шайх Усмонхон Алимов иштирок этган эдилар.

Ифтордан кейин шошиб ташқарига чикдик. Машинангиз борми, деб сўрадим йўл-йўлакай Озод Мунаввардан. Йўғ-а, “Ҳилол”дан бирортаси келиб қолса ўшалар билан қайтаман деб ўзим келовургандим. Кетдик, бизни машинада битта жой бор дедим. Йўлга тушиб, тешаб борсак, йўлни бир ярим чақирим беридан тўсиб



қўйишибди. Озод Мунаввар хужжатини кўрсатган эди, нашриётда ишлаш у ёқда турсин, ўша ерда яшасангиз ҳам машинага йўл йўқ деган жавоб бўлди. Жойнамозларни қўлтиқлаб, масжидга қараб боряпмиз. Шу пайт Озодга қўнғироқ бўлиб қолди. Хўп, дедию, Озоднинг чиройи очилди. Кейин:

– Юровраркансизлар, биринчи қатордан меҳмонлар учун жой олиб қўйишибди, – деди у қадамини илдамлатиб.

– Озод, – дедим мен унга, – аваламбор Аллоҳ, қолаверса, сизни Ҳазратим жўнатганлар, Тохир Маликнинг ифторлигига бор, у ерда китобларимни “Шарқ”да фи сабилиллоҳ босишда хизмат қилган Аҳрор билан Эркин хожи ака ўтиришибди, ифтордан кейин хатмионага уларни бошлаб кел деб элчи қилиб юборганлар, топдимми? Шундай бўлгач, биринчи қаторда ўтирамыз-да, – дедим қувониб.

– Шундай, шундай... ижодкорсиз-да, ҳар бир нарсадан чиройли бир сабаб топасиз, – деди Озод.

Намозхонларни оралаб, бир амаллаб йўл топиб боряпмиз-у, Озод йўл-йўлакай сизга янгилигим бор деб, бир воқеани гапира кетди. Гапиряпти-ю нукул хаяжонини боса олмай энтикади, севинч ёшларини артади бояқиш... У гапиряпти-ю мен Худо раҳмат қилгур Тохирни эслаяпман. Оҳ... қани энди у тирик бўлсайди?!

## МАҲР

“Шарқ”да “Одамийлик мулки”нинг навбатдаги қайта нашри босмадан чиққан эди. Тохир учун бу янгилик бўлмаса ҳам китобни қўлтиқлаб уйига бордим.

– Олдинги нашри сотилиб бўлдимми? – сўради Тохир китобни қўлига оларкан.

– Ҳозир одамлар ўзгарган, тўйларда қизларининг



сепига нукул Қуръони Карим, Ҳадиси шариф, “Одамийлик мулки”ни қўшиб узатишяпти. Худо хоҳласа келинларимиз буюк-буюк алломаларни туғиб беришадди, – дедим.

Ҳе... – деб кулди Тоҳир, – ўтакетган оптимистсиз-да, қанийди ўша муборак китобларни ўқишса, ётади жавоннинг бир чеккасида, чанг босиб. Келин болалар қачон ўқийдиган бўлади, қачонки маҳрга тилла тақинчоқларнимас, сиз айтган китобларни сўраб олишса. Ҳозир қизларнинг сепига китоб қўшиб бериш урф-мода бўлди денг, ишонай...

Озод Мунаввар менга шундай бир воқеани айтиб бердики... оҳ, деб Тоҳирни эсладим.

Гап шундаки, бир куни “Ҳилол нашрга” бир йигит келиб Ҳазратимнинг олти жилддан иборат “Тафсири ҳилол” китобларини топиб беришни илтимос қилади. Дўконлардан қидириб топа олмапти. Уйида борларга сўтинглар, қанча десанглар ҳам бераман дебди, кўнишмапти.

Шошилманг, икки уч ойларда қайта нашри чиқиб қолади, – дейишибди нашриётдагилар.

– Ҳечам-да, – депти йигит зорланиб, – менга унаштирилаётган қиз кутиб турмайди, маҳрига “Тафсири Ҳилол”ни сўраган ахир.

Бу гап “Ҳилол”дагилар учун ҳам янгилик, ҳам шараф бўлган. Нима қилишларини билмай, Ҳазратимнинг бисотларида сақланаётган нусхани олиб, йигитга ҳади қилишган. Ўшанда Озод оҳ, қанийди менга ҳам шундай бир келин учраса деб, Худодан сўраган. Яқинда катта ўғлига бир хонадонга совчи қўйишган экан, келин бола маҳрга Шайх ҳазратларининг бирваракайига ҳамма китобларини сўратибди. Озод ўшанда қилган дуоим ижобат бўлган экан, деяпти-ю севинч ёшларини тия олманпти.



Ҳа, қани энди Тоҳир тирик бўлса-ю бу гапларни Озоднинг ўзидан эшитса. Ахир шундай келинлар, куёвлар топишганларидан кейин улардан улуғ алломалар дунёга келади-да. Мана шундай кунларга етиб келганларимизга шукр. Эллик йилда эл ўзгарар, деган гап бор. Ҳа, ўзгаряпмиз, азизлар, ўзгаряпмиз...

### ЮЛДУЗЛАР ПАСТЛАГАН КЕЧА (Озод Мунаввардан яна бир хотира)

Самарқанд шаҳридан Тоҳир акани сўраб мухлислари келди. Кўнғироқ қилсам, дачада эканлар. Эртага шаҳарга тушаман, учрашармиз, дедилар бизни умидвор қилиб. Мехмонларнинг режаси шу бугун кўриб, орқаларига қайтиш экан. Яхши, дедим мен, унда дачага бораверамиз, тоғ хавосидан маза қилиб, суҳбатлашиб кечга томон қайтаверамиз. Битта чойхона паловнинг харажатини қилиб, йўлга тушдик. Аммо Тоҳир акага бораётганимизни айтмадик. Ортиқча безовта қилгимиз келмади.

Тоҳир ака бизни кўриб хурсанд бўлиб кетдилар. Адабиёт шайдолари шунча жойдан йўл босиб келади-ю хурсанд бўлмайдиларми?

– Ахвол шу, – деди Тоҳир ака гўё бизга шикоят қилган бўлиб, – уйдагиларнинг жонига тегсам, обкелишадиди-да, секингина ташлаб қочворишади. Бу ер улар учун борса келмас. Машинада жой борми, бўлса шаҳарга қайтиб, бир уйдагиларни доғда қолдирай.

Ҳазил-мутойиба билан бошланган учрашув кечгача давом этди. Тоҳир ака ошни ўз қўлим билан дамлайман, дедилару ҳадеганда қозонга уннайвермадилар. Ўчоқ тарафга қараб-қараб қўяётганимни сезган Тоҳир эка:

– Шошманг Озодбек, ошни кечки салқинда еб, йўлга тушсак, боргунимизча ҳазм бўлиб кетади. Менам кампиримнинг олдида бир саёқ юрган эркаклардек ярим



кечада кириб борай, хайрон қолсин...

Тоҳир ака режадаги нарсаларини ёзиб тугатганларми ёки ростдан ҳам зерикканларми, ишқилиб, очилиб, сочилиб кетган эдилар. Ичакузди гаплар қилиб тўхтамасдилар. Ниҳоят ошга унадилар. Суҳбатимиз қозон бошига кўчди. Жиззани оқпар қилиб олиб бердилар. Тоғ ҳавоси эмасми, жазанинг мазаси оғизда қолди. У киши ош қилсалар, олов ёқишни ҳам бировга ишонмас эканлар. Кун бўйи кутилган ош кечаси ўн бирларда лангага сузилди. Тўрт киши бир кило гурунчни паққос туширибмиз. Тоҳир ака пулнинг кўкини, чойнинг қорасини яхши кўраман деб, ўзлари қора чой, биз эса босиб-босиб кўк чой ичиб ётибмиз. Ош кучли бўлган эди. Меҳмонлар ҳам бир қоп семириб ўтиришарди. Ахир, кимсан ёзувчининг қўлидан ош еса, яна самовар чойларини ичса, адабиёт ҳақидаги таъриф ва ташбеҳлар-чи? Хаёлимда вақт биз учун тўхтаб қолгандек, соат неча бўлганини ҳам унутиб қўйган эдик. Орада Тоҳир акам ҳар замонда кўркманглар, ётиб қолмайсизлар, кетамиз деб қўярдилар.

Соат миллари тунги бирлардан иккига қараб жилганда:

– Ана энди мен сизларни томошага обчиқаман, кейин кетамиз, – деб қолдилар.

– Томоша деяпсиз, чиптасиям бордир? – дедим.

– Чипта олдирандиму, ўххў... бир қоп пулинглар бўлса ҳам етмайди-да, – деб баттар қизиктирдилар.

У киши ҳовлининг чироғини ўчирдилар-да, оркамдан юринглар, дедилар. Ҳалидан бери чироқ ёруғига ўрганиб қолган эканмизми, бирдан ҳамма ёқ зим-зиё бўлиб қолди. Ой шам еган, ён-атрофдаги хонадонларнинг ҳам чироқлари ўчган, борлиқда яккаш тун ҳукмронлик қиларди. Тор кўчада туртиниб-суртиниб кенг ялангликка чиқиб олдик.



– Томошахона узоқми? – сўрадим сабрим чидамай.

– Тепага бир қаранглар-чи, етиб келдик, – деди у киши.

Осмону фалакка караб, ҳаммамиз бараварига “воҳ” деб юборибмиз. Ахир юлдузлар нак бошимиз устида парпирарди-да. Қўл узатса етгудек масофада. Бунақасини ҳеч қачон кўрмаганман. Баъзилари дарахтлар шохига илиниб қолгандек, силкитсаёқ тап-тап ерга тушадигандек. Биз тамоман бошқа бир дунёга кириб қолгандек эдик.

– Шабнам ҳозир осмондаги барча ғуборларни ерга олиб тушган пайт. Шунга юлдузлар аргилган шишадек яркираб, яқиндан кўриняпти. Шаҳарда бунақа манзарани пул тўлаб ҳам кўриб бўлмасиз. Машиналардан кўтарилган газлар осмон юзини тўсиб кўяди-да.

Шу пайт осмон юзини кесиб юлдуз учди. Воҳ... деб юборибмиз. Ҳа, юлдузларнинг бири қўйиб, иккинчиси учарди. Худди қоронғи тунда бир-бири билан бекинмачок ўйнаётгандек. Бу кетишда юлдузлар ҳализамон тугаб, осмон юзи бўшаб қоладигандек...

– Мен ой шам еган пайтларда мана шунақа тамошага чиқиб тураман. Келинлар ҳозир битта тажриба ўтказамиз, деб қолдилар Тоҳир акам. Айтайлик, ҳозир шу ерда таҳажжуд намозини ўқимокчисизлар, қиблани топа оласизларми?

– Тоҳир акадан сўраб-да, – қулдим мен.

– Тоҳир ака бўлмаса-чи, масалан, чўлу биёбондасиз?

– Унда билмадик...

Тоҳир ака тепамиздаги сон-саноксиз юлдузлар орасидан Қутб юлдузини топиб, унинг жойлашишини аниқлаб, кўрсатдилар.

– Нима учун Қутб юлдузи дейилади, шунинг учунки, у осмоннинг қоқ белида туради. Жойини ҳеч қачон ўзгартирмайди. Бошқа юлдузлар бўлса худди унга арқон



билан боғлаб қўйилгандек атрофида айланади. Бир жойда тургани учун ҳам баъзан Темир қозик, кечалари адашганларга йўл кўрсатгани учун ҳам Йўлчи юлдуз дейишади. Мана мен ҳозир ўн елкамнинг чуқурчасини Қутб юлдузига тўғрилайман. Тўғриладим, юзим қараб турган тараф қибла, яъни жануб бўлади. Марҳамат, менга қараб, жойнамозни солиб, таҳажжудни ўқийверинглар. Қутб юлдузи ҳеч қачон алдамайди.

Ўша куни мен Тохир акани тамомила бошқатдан кашф этган эдим. Эътибор қилсам, Қутб юлдузи жойлашишини ҳисобга олмаганда бошқа юлдузлардан кўпам фарқ қилмас экан. Лекин у қиблани топиб беради, тунда адашган йўловчиларга, савдо карвонларига йўл кўрсатади. Жамики юлдузлар атрофида айланиб, унга интилиб туради. Тохир Малик ҳам бошқалардан деярли фарқ қилмайдиган, оддий инсон. Аммо ёзган асарлари Қутб юлдизига ўхшайди. Шу билан бирга ўзлари ҳам...

### МУҲАММАД ЮСУПОВНИНГ МУҲАММАД ЮСУФ БЎЛГАНИ...

Озодбек Тохирни Қутб юлдузи деб чиройли ўхшатиш қилди. Бу ўхшатиш бежиз эмас. Жуда кўп ёш ижодкорлар Тохирга қараб интиларди. Ёзганларини кўриб беринг, деб олиб келишарди. Ёзувчимиз қўлёзмаларни эринмай, сарфлаган вақтига оғринмай кўриб чиқарди. Бўладиганига дарровда “Ок йўл” тилаб, фалон газета ёки журналга олиб боринг демасиди, ўзи олиб борарди ва муаллифга кўнғироқ қилиб қўярди. Бу ёш ижодкор учун қанчалар севинч, қанчалар далда бўлишини ўзингиз тасаввур қилаверинг. У ижодкорларнинг ёзаётган нарсалари ва қувваи ҳофизасига қараб келажагини ҳам кўра оларди. Ўзига хос таҳаллуслар қўйиб берарди. Масалан, машҳур шоиримиз Муҳаммад Юсуф илк бора



шеърларини “Шарқ Юлдузи” журнаliga олиб келганида, шеърларига Муҳаммад Юсупов деб имзо қўяди. Унда Тоҳир журналда масъул котиб бўлиб ишларди. Тоҳир ёш шоирни чақириб, бундан буён шеърларингизни Муҳаммад Юсуф деб эълон қилинг дейди ва шоирнинг шеърлари журналда илк бора шу ном билан эълон қилинади.

Тоҳир Маликка нафақат ёшлар, балки катта ижодкорлар ҳам асарларини кўриб беришни илтимос қилишарди. Эсимда, таникли ёзувчи Муроджон Мансуров “Жудолик диёри”нинг 4–5-китобларини кўриб бериш учун Тоҳирга берди. Муроджон ака ёзган ҳар бир жумласи ва ҳар бир сўзига алоҳида масъулият билан қарарди. Баъзан битта сўз устида соатлаб тортишарди. Орадан бир ойлар ўтиб Тоҳир китобни ўқиб келди. Биз Муроджон ака билан битта хонада ўтирардик. Ака-ука юзма-юз ўтириб, бафуржа гаплашиб олишсин деб, хонадан чиқиб кетдим. Китобнинг муҳаррири мен эдим. Шундай бўптики, Тоҳир бутун бошли бобларни қисқартирибди, ўрнини тўлдириш учун янги фикрлар айтибди.

– Сиз муаллифсиз, ўзгартиришларга рози бўлмаслигингиз мумкин, – дедим Муроджон акага.

– Тоҳир укам бало, асарни бошқатдан ишлайман, деди Муроджон ака. У кишининг юз кўзларида асарни қайтадан ишлаш юки эмас, балки уни ростлаш, янада чиройли қилиш шижоати балқиб турарди. Туганмас бир илҳомни кўрардим.

Асар Муроджон аканинг шундай бир миннатдорчилик сўзлари билан босилиб чиқди.

Камина ҳам “Шайтонваччанинг найранглари” китобини бир кўз ташлаб беринг деб, Тоҳирга олиб бордим. У нафақат ўқиб берди, балки унга “Янгича услуб” деб ушбу сўз бошини ҳам ёзиб берди:



## ЯНГИЧА УСЛУБ

Муҳтарам Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом марҳамат қилиб, ҳар бир одам боласининг мусулмон ҳолатида туғилишини, кейинчалик эса ота-онасининг тарбиясига қараб, ё ҳидоят топишини ё кофирлик ботқоғига ботишини таъкидлаганлар. «Мусулмон ҳолатида туғилиши» дейилганда улғайгач, намоз ўқиб юришигина тушунилмайди. Мусулмон бўлиш – Аллоҳга иймон келтирилгандан сўнг яхши хулқ эгаси бўлиш демакдир. Кимки яхши тарбия олибди, демак, ҳаётда тўғри йўлни топибди. Кимки тарбия олмабди, ёмон хулқларга эга бўлибди, шайтанат оламига банди бўлибди.

Атрофимизда шайтонлар бошқарадиган олам бор. Шайтоннинг ўзи инсон кўзига кўринмайди. Васвасаларию макр-ҳийлалари билан ёмонликларни одам боласи кўзига чиройли қилиб кўрсатади, зулм оламига чорлайди. Одам болалари шайтон алайҳиллананинг ўзини кўрмаса-да, у эгалик қилувчи оламни, бу оламнинг бандаларини кўриб туради. Ўзгаларга зулм қилувчилар ана шу бандалардир. Зулм деганда фақат қотиллик, ўғрилик тушунилмайди. Ёлғончилик, ғийбат, ифво, порахўрлик, омонатга хиёнат каби ўнлаб ёмон хулқлар ҳам зулм доирасига киради. Ота-онанинг, жамоатчиликнинг вазифаси ёш авлодни ана шу шайтанат оламининг таъсиридан ихота қилиш.

Бирон кўчадан ўтиб кетаётганингизда фарзандингизнинг кўзи гўзал боққа тушди. Ундаги фавворалар, гўзал товуслар унинг хаёлини олди. Болада ўша боққа кириш иштиёқи уйғонди. У «боққа олиб кириш» деб сизга ялинди. Сиз эса рози бўлмадингиз. Фарзандингиз кичикроқ ёшда бўлса бир ўкинади-ю, тақдирга тан беради. Ўсмир ёшда бўлса-чи? Пайт пойлаб, сиздан берухсат бўлса-да, шу боққа кириш чорасини топади. Шайтанат



оламига махлиёлик ҳам шунга ўхшаган бўлади. Фақат бу оламнинг ўзига тортиш кучи анча юқоридир. Ота-она бундай пайтда баъзан боласини қайтара олмайди.

Ажабланарлиси шундаки, бола туғилганда ҳеч бир ота-она, ҳатто ашаддий жиноятчи ҳам фарзандини шайтанат оламида яшашини орзу қилмайди. Тўғри яшаб, бахтли-саодатли бўлишини Худодан сўрайди. Хўш, унда бола нега зулм оламига кириб қолади?

Жамият азал-азалдан зулм олами билан курашиб келади. Бу йўлда турли воситалардан фойдаланади. Шу воситалардан бири – маърифий адабиётдир. Тарихда ахлоқ мавзуидаги асарлар кўп ёзилган. Уларнинг дурдоналари бизга қадар ҳам етиб келган, биз улардан ҳамон манфаат оламиз, бундай жавоҳирни бизга мерос қилиб қолдирганларни эса хайрли дуолар билан эслаймиз.

Йигирманчи асрнинг иккинчи ярмида шайтанат олами янада ёмон томонга ўзгариш бўлди. Шайтанат олами доирасида «гиёҳвандлик» деган хатарли орол пайдо бўлди. Бу ҳол маънавий оламини жиддий масалаларга рўпара қилди. Шайтанат ва диёнат оламининг курашида маърифий адабиётнинг вазифаси янада ошди.

Болалар адабиётига қирқ йилдан бери хизмат қилиб келаётган қаламкаш акамиз Эркин Маликнинг «Шайтонваччанинг найранглари» асарини ўқиб мен бунга яна бир қарра амин бўлдим. Мазкур асар бир неча йил илгари нашр этилиб, кўпнинг эътиборини тортган эди. Ёзувчи асарни қайта ишлаб, янги боблар билан тўлдириб, яна ўқувчилар ҳукмига ҳавола этиптиларким, бунинг учун миннатдорлик билдирамиз.

Юқорида баён этилган фикрлар «Шайтонвачча»ни дастлаб ўқиганда уйғонган эди. Тарихда болалар тарбиясига хизмат қилувчи ахлоқ китоблари кўп яратилган. Лекин Эркин Малик бу соҳада ўзига хос янгилик яратибдилар. Янгича услуб – кундалик ҳаётимиз



ва шайтонларнинг кўзга кўринмас ҳаёти баён этилибди. Шу асар орқали «болалар шайтанат олами йўлига қандай кириб қоладилар?» деган саволга жавоб топиш мумкин. Бошқачароқ айтсак, болаларни шайтонлар оламига олиб борувчи йўлдан қайтариш чораларини ўрганса бўлади. Болага «нима яхши-ю, нима ёмон?» деган масалани турли услубларда тушунтириш мумкин. Масалан: «салом берсанг яхши, чақимчилик қилсанг ёмон». Бу ҳам тарбия ва уни инкор этиб бўлмайди. Лекин шу яхши хулқ ҳақида бирон воқеа асосида тушунтирилса, болада аниқ таассурот уйғонади. Эркин Маликнинг асари шу жиҳатдан ҳам аҳамиятлидир.

Муҳтарам китобхон, мазкур асарни уйга олиб келгач, фарзандга «ма, ўқи!» деб буюрмай, «қани кел-чи, болажоним, сенга бир ажойиб китоб олиб келдим, биргалашиб ўқиймиз», деса боланинг олами янада чароғон бўларди. Китобни ўқиган ва яхши уққан хонадонга шайтонлар ҳукмини ўтказа олмас, иншааллоҳ!

Тоҳирнинг ёзганлари каминага битмас-туганмас илҳом бахш этди. “Шайтонвачча”нинг иккинчи, учинчи, тўртинчи китоблари ёзилди, ҳар йили “Шарқ” нашриётида ками беш, етти минг, кўли билан ўн икки минг тиражларда чоп этилиб келинмоқда.

## МАНГУ ҚОТГАН ЛАҲЗАЛАР

Албатта, сиз, кадрдонларни Бехзод Зокировнинг Тоҳирни хотирлаб қилинган ифторликда менга тақдим қилган дискда ёзувчимиз билан боғлиқ нималар борлиги кизиқтираётгани аниқ. Мен дискдагиларни қоғозга кўчириб, эҳтиром ила, икки кўллаб сизларга тақдим қилганимман. Савоби Тоҳирнинг ўзини ҳам, сўзларини тасмаларга муҳрлаб, асраб юрган ва бизга етказган муҳлисларига тегсин.



Тоҳир МАЛИК:

Ассалому алайкум, инсон қадрини улуғловчи, оқибатли азиз меҳрибонлар.

Ҳазрат Навоийдан бир байт бор!

Бу гулшан ичра йўқдур бақо гулиға сабот,

Ажаб саодат эрур, қолса яхшилик ила от, дейдилар. Бунинг маъноси, агар бу дунёни бир гулзорга, гулшанга ўхшатсак, ҳеч қайси гулзорда доимий қоладиган гул йўқ. Гул баҳорда барг ёзади, гунчалайди, кузга бориб ўзининг умрини яшаб бўлади. Ҳаёт ҳам шунақа, бу дунёда ҳеч ким тирик қолмайди. Ҳамонки, бақо гулига сабот йўқ экан, ҳамон одам бу дунёдан кетар экан, киши ўзидан яхши ном қолдирса, саодат бўлади. Биз бир-биримизга бахт-саодат тилар эканмиз, бахт бу ерда бошқа маънода келади. Бахт бу ҳар бир одамнинг ўзига хосдир. Саодат, яъни икки дунё саодати, бу кетмас бахт бўлади. Бунга ҳамма ҳам эриша олмайди. Агар ким вафотидан кейин эсланса, у жаннати бўлади. Чунки охирада ҳар бир одам бир-бирига шафоат қилади. Бу одам яхши эди деб гувоҳлик беради. Инсонни вафотидан кейин яхши маънода эслаб юришлик, ўша биз айтган шафоатнинг бошланишидир.

Кейинги нутқини эсладим. Беҳзоднинг онаси Салима ая етмиш беш ёшга тўлганларида шукронасига кичикроқ эҳсон қилиб берган эдилар. Камина ҳам иштирок этгандим.

Тоҳир МАЛИК:

Ассалому алайкум! Дунёда онадан улуғ зот йўқ. Мен Аллоҳ деган улуғ номдан кейин инсонга энг яқин ном Она деган бўлардим. Энди айтарсизлар: Пайғамбаримиз-чи, деб. Пайғамбарларни ҳам оналар туккан. Пайғамбарлар ҳам оналарини олий мақомга қўйганлар.



Мана машхур ҳадис бор: “Жаннат оналар оёғи остидадур” деган. Яъни бунинг маъноси Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом даврларида ислом душманларига қарши урушга кетаётганларида, бир она келиб, мени биттаю битта ўғлим бор, у урушга кетса, менга ким қарайди дейди. Шунда Пайғамбаримиз ўша йигитни топиб: Сен онангни урушга кетяпман деб ташвишга солдинг, энди урушга бормапман деб хурсанд қил. Жаннатга тушиш онангни хизматини қилиш билан бўлади. Жаннатга тушиш учун урушда ўлишинг, шаҳид бўлишинг шарт эмас, онангни рози қилсанг бўлди деганлар. Шунинг учун ҳам жаннат онажонларимиз оёғи остидадур. Бир улуғ инсон Пайғамбаримиз даврларида оналарини опичиб, Каъбани етти марта айланганлар, Сафо ва Марва тоғлари орасида етти марта бориб келган. Ва мен онамни ҳақини адо этдимми деб сўраганида, сен онангнинг тунда туриб бир марта эмизганини ҳақини адо этдинг холос, деган жавоб бўлган. Шундан билайликки, биз фарзандлар, оналаримизнинг ҳақини ҳеч қачон тўла адо эта олмаймиз. Умримизнинг охиригача адо эттимми деган афсусда яшаймиз.

Онангдан бош товлама, ошмасин дарди,  
Ҳаёт чироғи эрур оёғин гарди.

Ушбу тасма Самарқандда бўлиб ўтган ёш келин-куёвларнинг тўйидан мухрланган. Тўй бино ичидамас, ташқарида, борлиққа оқшом чўкаётган пайтда бўлган. Балки, ҳовлидадир. Ишқилиб, очик жой.

Тоҳир МАЛИК:

Билмадим, кўпчилик эътибор қилдими-йўқми, келин-куёвлар ўзларига ажратилган жойга келиб ўтирганларида мен мана шу шоҳсупанинг тепасига қарасам,



янги чиққан ой – ҳилол шуларнинг тепасида турибди, яна озгина чиройли булут қизил шафақ билан ёшларнинг тепасида соябон бўлиб турибди. Бундан мен бир рамз изладим. Ойнинг туриш ҳолати шундайки, ўзига нотинч, элга тинч. Худо хоҳласа, бу ёш оила ўзига тинч бўлади. Ундан кейинги манзара, шафақ қизил бўлса, айникса, булутлар қизариб, ботадиган бўлса бу – эртага куёшли кун бўлади, ёмғир бўлмайди, дўл ёғмайди дегани бўлади. Демак, бугун оила қураётган фарзандларимизнинг бошида бутун умрлари давомида ҳам булутлари, жанжал шамоллари бўлмайди. Мен Аллоҳнинг осмондаги мўъжизасидан ана шундай рамз ўқидим.

Тоҳир МАЛИК:

Одамзод дунёга савоб топиш учун келади. Ана шу савоби ҳисобига у дунёсини белгилайди. Лекин ўзи ўтиб кетгандан кейин ҳам савоб етиб турадиган омил бор, уни “Садакаи жория” дейилади. Яъни киши ўзидан солиҳ фарзанд қолдирса, отанга раҳмат деган дуони олиб юрса, ўшани савоби ўтиб кетган отаси ёки онасига бориб етади.

Киши кўча ва кўприклар қурган бўлса, у бузилиб кетгунча савоб бориб туради. Битта дарахтни эккан бўлса, у яшаб, қуриб битгунча савоб бориб туради. Қайси бир устоз бировга бир ҳарф ўргатган бўлса ёки ўзидан бир маърифий китоб қолдирган бўлса, китобидан, шогирдлар тарбиялаган бўлса, шогирдлари дунёдан ўтиб кетгунча унга савоб етиб туради.

Ушбу тасвир Тоҳирнинг олтмиш йиллигида сурагга туширилган бўлиши керак. Ҳойнаҳой, “Бскажон” жамоаси билан. Чунки даврада шу жамоанинг фаолларини кўриб турардим. Қахрамонимиз ниҳоятда хуш кайфиятда, кексалик борасида нутк ирода қиларди.



Тохир МАЛИК:

- Билмасангизлар, билиб қўйинглар, 60 ёшдан 70 ёшгача ёш чол дейилади.

70 ёшдан 80 ёшгача хаваскор чол дейилади.

80 ёшдан 90 ёшгача ўрта ёш чол дейилади.

90 дан 100 ёшгача нормальный чол дейилади.

100 дан 150 ёшгача супер чол дейилади. (Даврада кулги)

Тохир Малик оламдан ўтгандан кейин телэкрэн орқали у билан бўлган бир суҳбатни эълон қилиб қолишди. Журналист Тохирга шундай савол берди:

- Қайси учта сўз одамларга шараф келтиради?

Тохир ҳеч бир иккиланмай дарровда жавоб берди:

- Отасига раҳмат!

- Онасига раҳмат!

- Устозига раҳмат, деган сўзлар...

### БИР КУНИ...

Ёз кунларининг бирида ёзувчимизнинг зиёратига Фарғонадан ашаддий мухлислари келиб қолишди. Таомдан кейин чойхўрлик бошланди. Шунда меҳмонлардан тили ботирроғи Тохирнинг набираси Исмоилжонга қараб:

- Болам, биз фарғоналиклар, чойхўрроқ бўламиз, тунука чойнак бўлсаям, чойни шу, каттароғига дамлаб келгин, чой ташвишидан қутулсан, – дейди. Шунда Тохир ҳовли ўртасидаги фаввора отилиб турган ҳовузчани кўрсатиб:

- Кипитилникни обчиқиб, ҳовузчага ташлаб қўй, – деб ўтирганларнинг ичагини узади.

Айни пайтда хушчақчақ, айни пайтда жиддий шун-



дай ажойиб инсонни йўқотиш нафақат яқинларига, миллионлаб китобхонларига ҳам қийин бўлди. Ёзиш қўлидан келганлари матбуотларни, интернет сайтларини тўлдириб ташлашди. Тоҳир ҳақида айтилган ҳар бир сўз камина учун олтинга тенг эди. Улар ёзувчининг ўзи айтганидек “садақай жория” эди. Улар газета тахламлари, интернет сайтларида қолиб кетишини ким хоҳлайди, дейсиз? Уларни кўчириб, хотира китобига кирита бошладим.

### ЎҚУВЧИ ЭЪТИРОФИ

Тоҳир Малик асарлари тарбиямга таъсир ўтказган, деб ёзади Самарқанд вилояти Пастдарғом туманидан 8 синф ўқувчиси Рамзиддин Қурбонов. 2019 йил 16 май... Бу кунги жудоликни ўзбек халқи, китобсевар инсонлар, адибнинг мухлислари узоқ йиллар ҳазм қила олмаса керак. Сабаби, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Тоҳир Маликнинг асарлари маънавиятимизнинг янада шаклланишига замин яратарди. Телевизорда кўрган эдим, автоҳалокатга учраб оёғи кесилган йигит Тоҳир Маликнинг асарларини ўқиб, ҳаётга қайтдим деган эди... Мана шунинг ўзи устоз асарлари қалбимизнинг туб-тубига сингиб кетганини кўрсатади...

### БАНДАСИ ОЖИЗ ЭКАН

(Ёзувчи Сотволди Ражабов хотираси)

1979 йилнинг қирчиллама қиши. Ўзбекистон радиосининг адабий-драматик эшиттиришлар Бош муҳарририятига ишга келганимда бу даргоҳда анча таниқли ижодкорлар хизмат қилишаркан. Улар билан дарҳол мулоқотга киришиб кетиш осон бўлмади. “Ёввойи каптар”дек тайин этилган столда миқ этмай ўтираман, муҳарририят томонидан берилган қўлёзмаларни таҳрир



қиламан. Гап-сўзларимиз ҳам иш юзасидан бўлади.

Ана шундай диққинафас пайтда новча бўйли, кўзлари хиёл қисик бир ходим ёнимга келди.

– Сўрагани айби йўқ, кимсиз, қаердансиз?

– Андижоннинг Булоқбошисидан.

Бу жавобимни эшитгач, кўзлари севинчдан чакнаб кетди.

– Қариндош эканмиз-ку!

– Сиз ҳам Булоқбошиданми?

– Онам булоқбошилик.

Бу йигит Тохир Малик экан. Шошганимданми ёки хаяжонданми кўпинча унинг исми-шарифини чалкаштириб юборардим. Тохир Малик эмас, Темур Малик деб чакирардим. Шунда у кўрсаткич бармоғини чаккасига нуқиб:

– Тохир Малик билан Темур Маликнинг фарқига борасизми?! – дегани кечагидек эсимда туради.

Бир куни тушлик қилаётганимизда сўраб қолди:

– Ҳозир қаерда турибсиз?

– Қоратош маҳалласида.

– Шароит яхшими?

– Зилзиладан кейин тўкилай деб турган уйда канақаям шароит бўлсин.

– Оилалимисиз?

– Ўғил қизим бор.

– Улар Анжанда бўлса керак.

– Ҳа...

У бош чайқади, аммо бир оғиз сўз демади.

Эртаси куни тушликдан кейин у мени кутилмаганда хонадонига таклиф қилиб қолди. Бунга рози бўлишни ҳам, рад этишни ҳам билмай гангидим. Адабий жамоатчилик ўртасида анча танилиб, бир неча китобларга муаллиф бўлган ёзувчи қаёқдаю, мен қаёқда. Иккиланишимнинг боиси ҳам шу эди.

– Сизни меҳмонга чакираётганим йўқ, томорқада



жиндек юмуш бор, шунга карашиб юборасиз. Хўпми?

Ёзиш, чизиш билан бўлиб, уй юмушларига кўли тегмаётгандир деган фикр миямга урилиб рози бўлдим. Ишдан сўнг у билан бирга Тинчлик маҳалласи, Эркин проездига 8 хонадонга бордик. Чор атроф уй, томорқа кўзга ташланмайди. Ҳайрон бўлдим.

Тоҳир сўрида ўтирган онасига яқинлашиб, кўришаркан:

– Ана, сўраган қариндошингизни олиб келдим, – дея менга ишора қилди.

Онахон елкамни силаб, узок вақт кўйиб юбормади. Назаримда кўпдан буён музтару интизор бўлган она қишлоғи насимини ҳис қилаётгандек эди. У кўзларимга узок тикилиб, Булоқбошидаги таниш-билишларини сўраб суриштирди. Айниқса, биринчилардан бўлиб паранжи ташлаган фаол аёл – Зулфия Мирзақулова номи айтганимда бояқишнинг кўзига ёш қуйилди.

– Энг яқин дугонам бўларди, соғ-саломат борми?

– Мени холам эди, оламдан ўтганлар.

Онахон бир зум сукутга чўмиб, бошини сарак-сарак қилдилар.

Кетиш тараддудига тушганимда Тоҳир унамади.

– Бугун шу ерда қоласиз, бу – онамнинг буйруғи.

Кўча дарвозаси устига қурилган мўъжазгина болахонада ётиб қолдим.

Тоҳирни сиртдан кузатар эканман, уни ёзув столига ўтирганини кўрмасдим. У табиатан оғир, босиқ кўрингани билан дилини топсангиз, шунақанги ҳазиллар қилардики, кулавериб ичаклар эшилиб кетарди.

У кичиккўнгил ва мулоҳазали инсон эди. Кузатганим шуки, у ҳеч қачон тор доирадаги баҳс мунозарага аралашмасди. У нимадир ёзишим шарт деб столга ўтирмас, ўзи билган, идрок этган мавзулардагина ёзарди. Ёзганда ҳам, ўқувчини ўйлантирадиган, мулоҳазаларга чорлайдиган манзумалар яратарди.

Шундай забардаст ижодкор вафот этди... Бу хабарни



эшитгач, карахт бўлиб, бир неча кун бир-бирига зид ўйлар исканжасида қолдим. Ўлим ҳақ, унинг олдида бандаси ожиз экан-да, биродарлар!

## СЎЗ НУКТАДОНИ

(Диктор Насиба Иброҳимова хотираси)

Тоҳиржон билан Ўзбекистон радиосида ишлардик. Бир куни у кишининг ҳужжатларини юқоридан сўраб қолишди. Шахсий варақа тўлдириб беришлари керак эди. Айтдим. Нимага, қаерга деб сўраб ўтирмадилар. “Хўп” дедию, кадрлар бўлиמידан варақа олиб, тўлдириб берди. Варақани ўқиб туриб, ҳайратдан қотиб қолдим. Беихтиёр “воҳ” деб юборибман ҳам.

Гап шундаки, биз дикторлар ҳамиша Тоҳиржоннинг таҳриридан чиққан матнларни талашиб, ўқирдик. Тили жуда равон, ўқишли бўларди. Қайта ўқиб, тайёрланишга ҳам ҳожат қолмасиди. Худди матн биз учун, бизни аяб, туртиниб-сурганиб қолмасин деб ёзилгандек бўларди. Бу биз дикторлар билан Тоҳиржон ўртасида ғойибона қандайдир яқинликни пайдо қилган эди. Ўша яқинликнинг сири очикроқ айтганда нимада эди? Буни шахсий варақасида ўқиганим, бир оғиз сўздан англаб етдим. Тоҳиржон ёзарди: “Мен, Тоҳир Ҳобилов 1946 йили 27 декабрда туғилган эканман”... Одатда ҳаммамиз ҳамиша “туғилганман” деб ёзамиз. Мантиқан қаралса, у пайтда инсон чақалоқ бўлади-ку? Эсини танигандан кейин ота-онаси, яқинларидан бу маълумотни билиб олади. Шунинг учун ҳам Тоҳиржон ўтган замон феълида “туғилган эканман” деб тўғри ёзган. Мантиқан ҳақ. Шундан кейин ўзим ҳам сўзга янада эътиборли бўлиб қолганман. Сўз нуктадони Тоҳир Малик тинимсиз сўз устида ишлашини кузатардим. Шунинг учун ҳам унинг асарлари қўлма-қўл бўлиб ўқилади. Токчаларда сарғайиб, ўқувчисини кутиб қолмайди.



## АСАДБЕК

У пайтларда тоғдаги боғ ҳовлимизга машинаси борлар ҳам ёқилғи қиммат бўлгани учун поездда қатнардик. Жума кунини соат олтидаги “Хўжакент” поездига ўтириб жўнардик. Ёз фасли бўлганига поездимиз кун ботмай етиб борардик. Поезддан тушгандан кейин боғ ҳовлигача яна бир бекат пиёда юрардик. Машҳур “Чинор” чойхонасига етганда беш-олтита ичиб олган ёш йигитлар йўлимизни тўсиб чиқишди. Биз улардан четланиб, тезроқ ўтиб кетиш пайдамиз. Йигитчалар бўлса муштлашиш пайида.

Мен биттасини маҳкам ушладим-да:

– Уятмасми, кўшни бўлиб туриб, эртага бир-биримизнинг юзимизга қандай қараймиз, – дедим.

– Қанақа кўшни, мен танитайман, – деди у силтаниб.

– Ахир биз шу ерда, ёзувчилар боғида, дачада яшаймиз-ку...

– Кимсиз? Оғзимга Тоҳир Малик деган сўз келиб қолди.

– Овв... – деди-да, мени амма-холасининг эридек маҳкам кучоқлаб олди. Бор овозда “Асадбек, Асадбек”, дея бошлади. Кейин шерикларига “қочларинг, тегмаларинг, булар сувой, сувой”, деб уларни қайтара бошлади.

Йўлтўсарлардан эсон-омон қутулиб кетдик. Кимдир:

– Сиззи танишингиз экан, бундоқ тарбиялаб қўйсангиз бўлмайдами, – деб ғудранди. – Жудаям бемаъни болалар экан.

– Бемаъни бўлса ҳам, “Шайтанат”ни ўқиган экан. Асадбекни биларкан, мен унга ўзимни Тоҳир Маликман деб таништирдим. Ҳамма гап шунда, – дедим.

## СЎНГГИ СУЎБАТ

– Тоҳир Малик билан кўплаб ижодий учрашувларда бўлиб, суҳбатларини олишга ҳаракат қилардим, – деб хотирлайди журналист Холёр Сафаров. Вафотларидан олдин ҳам уларига борганимда у кишини йўқлаб кел-



ган мухлислари даврасида кўриб, суҳбатларини диктофонга тушириб олган эдим. Мавзу ижод ва ижодкорнинг бахти ҳақида бўлганди. Надоматлар бўлсинки, ўша суҳбат сўнгги суҳбат, дийдор эса сўнгги дийдор бўлиб қолди...

Холёр Сафаров:

– Устоз, ёзувчи бўлиб етишишингизда тоғангиз Мирзакалон Исмоилийнинг қанчалик ўрни бўлган? Илк устозингиз тоғангизмилар?

Тоҳир Малик:

– Биринчи машқларимни тоғамга кўрсатмаганман. У пайтда у киши камокда эдилар. Илк машқларимни Қуддус Муҳаммадий кўриб берганлар. Болалигим, ижодга кириб келишим ҳақида «Пўртанали уммонда сузар ҳаёт қайиғи» китобимда батафсил ёзганман. Мен тоғам Мирзакалон Исмоилийнинг уйида туғилганман. 1946 йилда, урушдан кейин улар Берлинда яшашган. У вақтларда Тошкентда уйимиз йўқ эди. Ҳозир яшаётган уйимизни 1949 йилда қурганмиз. Пойдевори ҳам йўқ. Аммо чиройли қилиб, оқлаб қўйибмиз. Ёзувчининг уйида туғилганим учун ҳам ёзувчи бўлганман, шекилли-да.

Холёр Сафаров:

– Қизиқ, фантастика, детектив, панд-насихат йўналишида бирдек, самарали ижод қиласиз. Буни қандай изоҳлайсиз?

Тоҳир Малик:

– Одамзоднинг ақли етмайдиган бир ғалати ишлар бўлади. Буни тасодиф ҳам деймиз. Аммо бу тасодиф эмас. Ҳар бир нарса Аллоҳ белгилаган йўлда. Илк ҳикоям 1960 йилда «Гулхан» журналида чикқан. Мазмуни хотирамдан кўтарилган эди. Яқинда қизиқиб олиб кўрсам, қарангки, у ҳам болаларнинг илм олиши ҳақидаги панд-насихат йўлидаги кичкина тарбиявий ҳикоя экан. 13 ёшимда ёзган эканман.

Фантастикага қизиқишим кичкиналигимдан кўп эртак ўқиганимдан бўлса керак. Аммо жуда қийнал-



ганман. Биринчидан, бизда фантастик жанр йўқ эди. Ўрганадиган одам ҳам, ўргатадиган одам ҳам йўқ эди. Ҳаммасини ўзимиз пайдо қилишимиз керак эди. 1963 йилда Тошкент давлат университетининг кечки журналистика бўлимига ўқишга кириб, кундузи қурилишда дурадгор, ғишт терувчи бўлиб ишлай бошладим. Улгурмасдим, ишдан чиқиб, этигимнинг лойларини ювиб ташлаб, ўқишга кетардим. Чунки уйга келиб кетишга вақт етмасди. Жуда содда бўлган эканмиз-да. Кеч соат ўн иккиларда ўқишдан келардим. Ойим раҳматли кутиб ўтирарди. Овқатланиб, дарров ётмай деб ўқиб ёки алламаҳалгача ёзиб ўтирардим. Талабалигимда биринчи фантастик қиссамни ёзганман. 1969 йилда. Нашриётга бериш керак эди. Аннотацияни рус тилида ёзиб, хатоларини кўриб бер, деб бир рус шоир дўстимизга берсам, «Э, бу нима?» деди. «Фантастика» дедим. «Чикмайди...» деди. «Нега чикмайди?» «Бизда фантастика йўқ», деди. «Энди бўлади-да», дедим. Кўриб берди, кейин топширдик. Орада ҳарбий хизматга кетдим. Хизматдан келсам, шукрки, асар Москвадан тасдиқланиб келган экан. Ҳожиакбар Шайховнинг ҳикояларини кўшиб, битта китоб бўлиб чиқди. Ўшанда Тоҳир Малик деб кўйишга ҳам рухсат беришмаган. Муаллиф Тоҳир Ҳобилов деб ёзилган. Шунинг учун «Ўзбекистон Миллий энциклопедия»нинг фантастика бўлимида (9-том, 185-бет) «Ҳозирги замон ўзбек адабиётида Т.Маликнинг «Ҳикмат афандининг ўлими», Т.Ҳобиловнинг «Ойга сафар», Х.Тўхтабоевнинг «Сарик девни миниб», «Сарик девнинг ўлими», Х.Шайховнинг «Рене жумбоғи» асарлари фантастика жанрида яратилган», дейилган. Кейинги «Фалак» қиссам Тоҳир Малик номи билан чиққанда, ҳозирги «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасида «Фантастикада «Фалак» номли янги асар чиқди. Муаллиф Тоҳир Маликнинг ёзиш услуби Тоҳир Ҳобиловнинг услубига яқин...», деб ёзишган. Макола муаллифини кўриб, «Тоҳир Ҳобиловни танийсизми?»



деганимда «Йўк», деди. Ҳазиллашиб, «Бир куни таништириб кўяман», дегандим.

Панд-насихат йўналишида ёзишим ҳам бежизга эмас. Ёшлигимдан одоб-ахлоққа, тарбияга оид нарсаларни кўп ўқирдим, яхши кўрардим. Керакли фикрларни ёзиб олардим. Шулар 77 та дафтар бўлганди. Вақти келдики, ўша ёзиб олинган 77 та дафтарнинг ҳосиласи бўлиб, «Одамийлик мулки» рисоламни яратдим. Мақсад, ўзимга ёққан нарсаларни бошқалар ҳам билишини хоҳлайман. Айниқса, тарбияга доир нарсаларни. Одамларнинг ҳаммаси яхши бўлиши керак, нега энди ёмон бўлиши керак? Нега бировга ёмонлик қилиши керак? «Умр кўз очиб юмгунча ўтиб кетди», дейишади. Бунинг тагида илмий ҳақиқат бор. Ҳақиқат шуки, Аллоҳ таоло айтадики: «Менинг бир куним сизларнинг минг йилнингизга тенг». Одам ўртача 60–70–80 йил яшайдиган бўлса, буни минг йилга қиёсласак, кўз очиб юмгунчалик вақт. Шундай экан, одам яхши бўлиши, яхши яшаши керак-да. Замондошларимиз шуларни билсин, дейман.

Холёр Сафаров:

– Тарбиявий аҳамиятга эга асарларингиз сизга ўзгача ҳурмат олиб келди. Улар минглаб инсонларга сабоқ бўлди. Буни ўзингизга ҳам келиб айтишганми?

Тоҳир Малик:

– Шукурки, бундай воқеалар жуда кўп бўлади. Яқинда бир ўқитувчи аёл келиб, «Одамийлик мулки» учун алоҳида раҳмат айтиб кетди. «Бу асар менга турмуш ўртоғимни қайтариб берди», деди. Агар ажрашишаётган бўлса, китобнинг «Оила» бобини ўқиб, яхши бир хулосаларга келишган, тўғри йўлни кўришган бўлса керак-да. Яна бир аёл «Аввалроқ бу китобни ўқиганимда, эрим билан ажрашмаган бўлардим...» деган экан. Яқинда бир китоб сотувчи аёл «Сизга раҳмат, қизимни қайтариб бердингиз», деди. Сабабини сўрасам, рус мактабида ўқиётган қизининг одоби, юриш-туриши ҳам ўзгариб кетаётган экан, «Шайтанат»ни ўқиб, яхши



томонга ўзгарибди. Университетда бўлган учрашувда бир талаба қиз келиб, «Қайнонам, қайнотам, хўжайиним сизга раҳмат айтишди», деди. «Нега?» десам, «Келинлар дафтарига»ни ўқиб, яхши томонга ўзгарган эмишман», дейди. Наманганда бир судхўр бор экан. «Одабийлик мулки»ни ўқигандан кейин нафақат судхўрлигини ташлабди, балки қарзларидан ҳам воз кечиб юборибди. Бу ёзувчи учун катта кувонч, катта бахт.

Холёр Сафаров:

– «Шайтанат»нинг тўртинчи китобини ёзиш жараёни жуда оғир кечган экан...

Тоҳир Малик:

– Ҳа, у пайтда оғир касал эдим. Мен доим қўлда ёзиб, машинкада ўзим кўчирардим. Ҳозиргача шундай. Мен кўчириш жараёнида кўп таҳрир қиламан, тузатаман. Ёзишимдан кўра, кўчиришим кўп вақт олади. Тўртинчи китобни ёзаётганимда «Шарқ»дагилар «Тез бўлинг, тез бўлинг, йил охиригача чиқарайлик» дейишади. Касалман. Бу ёқда дўхтирлар «Тез бўлинг, операция қилмасак, кетиб коласиз...» дейишади. «Шошмай турунглари, «Шайтанат»ни тугатишимга озгина қолди», дейман. Бир кунда бир бет ёзсам, нашриётдагилар келиб шуни олиб кетишади, икки бет ёзсам, икки бетни олиб кетишади. Қўлларим ишламай қолган. Бир амаллаб тугатиб берганман. Дейлик, 10 декабрларда ёзиб тугатган бўлсам, 20 декабрларда китоб чикди. Нашриётдагилар ҳам пешма-пеш тайёрлаб боришган-да. Кейин операцияга кетганман.

Холёр Сафаров:

– Қайси асарларингизнинг чоп этилиш жараёни оғир кечган?

– Илгари цензура кўп қийнади. «Фалак»да диний оят ва калималар бор эди. Маънолар таржимасини ишлатганман. Эркин Воҳидов «Ёш гвардия» нашриётида ишлардилар. Китоб бўлаётганда «Тоҳир, шу оятларнинг арабчасини ҳам берсангиз-чи...», деди. Арабчасини ҳам



кўшдим, аммо цензурадан ўтмади. «Сомон йўли элчилари» қиссамда бугунги Орол фожиаларини “У нет” деган сайёра мисолида берганман. Асар 1970 йилда ёзилган. Бизда ўтди, аммо Москвада сезиб қолишди... «У нет» – аслида унақа сайёра йўқ, ҳаммаси Орол ҳақида эканлигини тушуниб қолишди. Кейин асарни «Девона» деб номладим. Бу асар бўйича жуда кўп савол-жавоблар бўлди. Мени КГБ деган идора кўп чақирарди. У ерга кираёғиб, қайтиб чиқаманми, йўқми, билмасдим. «Менинг ҳам пешанамда тоғамнинг қисмати бор экан-да»... дердим. Уйдагиларга айтмасдим. Булар ҳақида «Пўртанали уммонда сузар ҳаёт қайиғи»да ёзганман. Уни ўқиб, уйдагилар шундан кейин билишди. Шукурки, ҳаммаси ўтиб кетди. Мустақилликдан кейин асарларимдан олиб ташланган ҳамма жойларини тикладим...

Холёр Сафаров:

– Айни кунларда қандай асар устида ишляяпсиз?

Тоҳир Малик:

– Тарбияга доир асарлар циклини «Тенг-тенги билан бахтлидир» асарини ёзиб, «Қуёшингиз ботмасин» билан тугатган эдим. Анчадан бери бир тарихий роман ғояси билан яшаётгандим. Ҳозир шуни бошладим...

Холёр Сафаров:

– Ўша куни Тоҳир акам «Ёзувчига айтиб бўладими?» деб хазиллашиб, тарихий асар мавзусини айтмаган эдилар. Балки бу асар бир қисми «Бекажон»да чоң этилган, шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф ҳазратларига бағишланган «Тўзон» асари бўлса, не ажаб?

Қаламкаш дўстимиз Холёр Сафаровнинг охириги сўзлари Ҳазратим ва Тоҳир Малик билан боғлиқ бир воқеани ёдимга солиб юборди. Унда Шайх ҳазратлари дорил бақога рихлат қилган, беш жилддан иборат “Хислатли ҳикмат” китоблари босмадан чиқиб, тақдимоти бўлаётган эди. Тақдимотга барча диний уламолар, ҳазратимнинг мухлислари жам бўлган. Тоҳир Маликка ўз машинасида қийналиб юрмасин деб машина жўнатил-



ган эди. Бир маҳал машина бўш қайтиб келди. Мазаси бўлмай қопти. Аммо Ҳазрат ҳақларида айтмоқчи бўлган гапларини қоғозга тушириб қўйган экан. “Эркин акага айтинглари, малол келмаса, шуни мени номимдан ўқиб берсин”, депти.

Мен кўзимда ёш билан Тохирнинг ёзганларини қисқартирган ҳолда ўқиб бердим. “Кўзимда ёш билан” деганим, бир вақтлар Тохир ёзган воқеаларнинг ичида ўзим ҳам аралашиб юрган, кўпларига гувоҳ бўлган эдим. Мана энди қуйида ўша матн билан тўлалигича танишинг. Халқимиз севиб, юракларида асраётган икки устознинг бир-бирларини қанчалар эъзозлашларига гувоҳ бўлинг.

## УСТОЗЛАР УСТОЗИ

Ҳаётни тезоқар дарёга ўхшатадилар. Сиртдан қарасак, сув сатҳида сира ўзгариш йўқдек. Чўққилардан шошиб келаётган сув тошдан-тошга урилиб оқаверади. Ҳаёт дарёси ҳам шундай: қуёш чиқади ва ботади, кун ўтаверади. Кимлардир худди кўз юмиб яшаётганга ўхшайдилар, ҳаётда маъно кўрмайдилар, ҳидоят нима эканини билмайдилар. Қалблари иймон нуридан илҳомланган одамлар эса атрофларидаги барча нарсадан Аллоҳнинг мўъжизасини кўрадилар, ўрганадилар ва ҳайратланадилар. Ўрганишининг чеки йўқ, ҳайрат денгизининг соҳили йўқ.

Қалби сўқир бандалар ҳам шу ҳаводан нафас оладилар, аммо бу ҳавонинг Аллоҳ берган улуғ неъмат эканини фаҳм этмайдилар. Шу сувдан ичиб, ташналикларини қондирадилар, бироқ сув Аллоҳнинг улуғ мўъжизаси эканини ўйлаб ҳам кўрмайдилар. Ақл эгалари эса неъматларнинг, мўъжизаларнинг қадрига етадилар ва ҳар нафаслари учун, ҳар томчи сув учун шукурлар қиладилар. Сизу биз бу одамлар билан кўришамиз, суҳбатлашамиз, илмларидан баҳраманд бўламиз. Кун ўтгани



сайин билим хазинамиз бойиб боради. Каминанинг умри ҳам худди сизларники каби ҳаётдан маъно териш билан ўтяпти. Ўтмиш алломаларининг китобларини ўқиш, замондош олимларимиз билан бўлган суҳбатлар маъно хазиналарининг асосидир.

Аллоҳнинг сизу бизга берган улуғ неъматларидан бири – барчамизни муҳтарам уламолар билан замондош қилганидир. Шундай улуғлардан бири шайхур-раис – устозлар устози Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф эдилар. Аллоҳ таоло менга улуғ устознинг илмларидан баҳраманд бўлиш бахтини берди. Ҳазрати Ҳасаннинг «Ким олимлар билан бирга юриб, бирга ўтирса, тили бийронлашади, зеҳни очилади, зеҳнига ўрнашган фикрлардан бениҳоя сурурланади, билганларидан фойдаланишда кучли бўлади, уларни бошқаларга ифодалаб бера олади», деган сўзлари нақадар ҳаётий ҳақиқат, нақадар ҳикматга бой эканига фаолиятим давомида кўп марта-лаб амин бўлдим.

«Ҳақ таоло ҳар замонда олимларни ўшал замона халқининг амалларига муносиб сўзлар билан гапиртириб кўяди» – Абу Туроб Нахшабийнинг бу ҳикматларига ҳам гувоҳ бўлдим. Мен устозлар устози билан чорак аср бирга бўлдим, бизларни ул аллома билан замондош қилган Аллоҳга шукроналар айтиб яшар эдик. Аллоҳ бизларни вақтинчалик фурсатга айирди. Бу айрилиқ доимий эмас, улуғимиз билан Қиёматда ёруғ юз ила дийдор кўришмоқликни илтижо қилиб яшайпмиз.

Ғафлат кўйлагини йиртиб, ўзи туғилган оламнинг ҳақиқатларидан воқиф бўлган улуғ зотлар учун ҳаёт бир имтиҳон, ўлим эса «шаъби арус» – никоҳ кечаси, яъни бир висолдир. Ҳазрати мавлоно Румий умр бўйи бу висол онини кутиб яшаган эканлар. Ўзимиз изтироб гулхани устида қолиб, устозлар устозини хайрли висолга кузатдик. Ҳазрати Алининг «Уламолар дунё қанча турса, шунча туради, уларнинг жисмлари йўқолган бўлса-да, мисоллари қалбларда мавжуддир» деган



ҳикматлари юрақларимизни умид нури билан ёритади.

Қачондир, қайсидир тарихга оид китобдан қуйидаги гапни дафтаримга кўчириб олган эканман: «Сиз вафот этгандан кейин даҳр дояси сиз каби бир алломани ўз этагида парвариш қила олмағай». Назаримда бу гап устозлар устозига қарата айтилгандай...

Айтишларича, Султон Маҳмуднинг жуда гўзал боғи бор эди. Бир куни у ушбу боғда отаси Носируддавла Сабуктакин шарафига зиёфат берди. Зиёфатдан кейин ўғил отасидан сўради:

– Азиз отам, бу боғим ҳақида нима дейсиз, сизга маъқул бўлдимми?

Ота жавоб берди:

– Эй кўзимнинг нури ўғлим, боғинг бағоят зебо ва дилкушо боғдир, аммо бундай боғни давлати, бойлиги бор ҳар бир киши бунёд қила олади, лекин сен кўпларга муяссар бўлмаган бир боғни вужудга келтирки, унинг мевасидек мева ҳеч ерда топилмасин.

– Сиз таъриф қилганингиздай бунёд қилиш ҳар кимга ҳам муяссар бўлмаган боғ қандай боғ экан? – деб эди, ота жавоб берди:

– У боғ – олиму фозиллар, адибу шоирлар, донишмандлару ва бошқа ахлоқли, тарбияли улуғ зотлар суҳбатидир. Шу улуғ зотлардан тарбия топиб, яхши ишлар зухурга келтириш унинг дарахти бўлиб, меваси эса яхши номга эга бўлишдир.

Таъбир жоиз бўлса, устозлар устози бизга ана шундай гўзал боғни мерос қолдирдилар. Бу боғ меваларидан то қиёматга қадар туғилиб яшайдиган авлодлар ҳам баҳраманд бўларлар, иншааллоҳ!

Али ибн Абу Толиб айтганларидек, «Жаннатга кириш ҳайратланарли муваффақият эмас. Маърифат эса шу дунёнинг ўзида жаннатга эришиш демакдир». Бу ҳикматнинг нақадар ҳақиқат эканига шайхур-раиснинг ҳаётлари мисолида гувоҳ бўлдик.

Бир йиғинда биродарларга: «Мен сизлардан кўра



бахтлироқман», дедим. «Ҳа, сиз Ҳазратнинг суҳбатларидан, илмларидан кўп бахраманд бўлдингиз», дейишди. «Бу дунёвий бахт, лекин мен бундан улуғроқ бахтдан умидворман. Болалигим шайхимиз дафн этилган шу қабристон атрофида ўтган. Қиёматга қадар манзилим ҳам, иншааллох, шунда. Дадажоним билан аяжоним, яна қариндошларим ҳам шу қабристонда ётишибди. Аллоҳ марҳамат этса, устоздан юз қадамча нарида, шайх Зайниддин бува, Алихонтўра Соғуний ётган қабрларга яқин жойдан менга ҳам кичик бир сўнгги маскан берар...»

\* \* \*

Ҳазратим билан Ёзувчилар уюшмасидаги йиғинда танишган эдим. Учрашувларимиз, суҳбатларимизнинг хисоби йўқ. Охирги марта вафотларидан ўн кун аввал булоқбошилиқ Абдумуталлиб ҳожи акамизнинг уйларида учрашган эдик. Устоз одатда бундай йиғинларда узок ўтирмас эдилар, лекин бу сафар шошилмадилар. Узок суҳбат қурдик. Мен ёшлар учун мукаммал Ислом қомуси яратиш ҳақида кўп гапирардим. Сўнгги учрашувда ҳам бу ҳақда сўзлашдик. «Олтин силсила»нинг иши ниҳоясига етди, йигитлар қомусга доир тайёргарлик ишларини бошладилар», деб мени қувонтирдилар.

Биринчи учрашув – 1989 йил...

Сўнгги мулоқот – 2015 йил...

Биринчи учрашув интиқ қутилган эди, зўр таассуротлар қалбга муҳрланган эди.

Сўнгги учрашув... Бу ҳам унутилмайди... Фақат... соғинч чўғи қалбни куйдириб туради...

Диний идорага сайланган янги муфтийнинг булоқбошилиқ эканини билиб қувондим, у киши билан учрашиш истаги туғилди. Булоқбоши – она юртим. Тоғам, аяжоним туғилиб ўсган мен учун табаррук қишлоқ. Гарчи ўзим у ерга илк бор ўттиз ёшимда борган бўлсам-да, юрагим ўша томон интилиб туради, бу масканга



доир ҳар қандай қувончли воқеа хабари дилимни шодлантиради.

Янги муфтий билан қандай учрашсам экан, деб ўйлаб юрганымда ўзлари Ёзувчилар уюшмасига келдилар. Мен у дамда динга доир илмнинг алифбосини Анвар қоридан ўрганар эдим. Анваржон уюшмадаги таржима бўлимида ишлардилар, устоз Алоуддин Мансурнинг қаноти остида Қуръони Каримнинг маънолар таржимасини нащрга тайёрлаш билан шуғулланардилар. Муфтийни уюшмадаги учрашувга чорлаш ҳам Анваржоннинг иштироклари билан бўлган эди. Муфтий Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуфнинг ташаббуси билан Саудия мамлакатидан кўп миқдорда Қуръони Карим келтирилганда, уюшма аъзоларига рўйхат бўйича олиб беришда ҳам Анваржон ҳаракат қилган эдилар.

Ўша йиллари Совет Иттифокининг жанозасига оз қолган, Ўзбекистонда ҳам ижтимоий-сиёсий ҳаракат жонланган эди. Ўрта Осиё мусулмонларининг диний раҳбари билан бўлган учрашувга ёзувчилар билан биргаликда, ижодга алоқаси бўлмаган, лекин муфтийнинг суҳбатидан баҳраманд бўлишни истаган кўп одамлар қатнашишди. Катта залда оёқ қўйишга бўш жой қолмади. Муфтийнинг нотиклиги, фикрларининг теранлиги ҳаммани қойил қолдирди. Суҳбат фақат диний масалада бўлмади, жуда кўп ижтимоий муаммоларни, хусусан, Орол фожиасини ҳам қамраб олди.

Суҳбат мўлжалдан кўпроқ фурсат давом этди. Шом намози вақти бўлганда «Муфтий намоз ўқимас эканми?» деган пичир-пичир қулоққа чалинди. Очигини айтсам, бу савол менда ҳам туғилган эди. Муфтий намозни унутмаган эканлар. Берилган саволга мантиқли жавоб қайтариб, хулоса ясагач, «Энди Аллоҳнинг фарзини бажариб олайлик, агар хоҳиш бўлса, суҳбатни кейин давом эттирамиз» деб, ўринларидан турдилар. Суҳбат намоздан кейин ҳам давом этди. Одамлар диний илмга чанқоқ эдилар. Назаримда, залда йиғилиш



бўлмаётган эди, балки қакрок даштга ҳаёт ёмғирининг томчилари тушаётганди.

Шундан сўнг муфтий иштирок этадиган йиғинларга боришга, маърузаларини эшитишга ҳаракат қиладиган бўлдим. Бир куни таксир мени йўклаётганларини эшитиб, қувониб кетдим. Бирга уйларига бордик. Кўп йиллик кадрдонлардек кўришдилар. «Муҳаммад Аминнинг айтишича, биз қариндош эканмиз, суриштириб билибди», дедилар. Бу янгилик ҳам қувончли эди. Шундан сўнг ҳафтада икки-уч кўришадиган бўлдик. Бўш фурсат топсам, Ҳастимомга шошардим. Мен-ку, вақт топар эдим, аммо Ҳазратимда бўш вақт сира-сира бўлмасди. Шунга қарамай, беш-ўн дақиқа гаплашиб олишга улғурардик.

Кунларнинг бирида Ҳазратимга шундай дедим: «Яхши кунларга кириб боряпмиз, Ўзбекистонда саодат тонги отай деб турибди. Тонг отгач, ёзувчиларнинг бурчи янада ошади. Совет тузуми тарихий асар ёзишга ижозат бермас эди. Энди бу тўсиклар йўқолади. Шунда адиблар олдида жиддий муаммо кўндаланг бўлади: тарихий асар ёзадиган адиб Ислом динини яхши билиши керак. Абдулла Қодирий, Ойбек устозлар эски мактаб, мадраса кўрган эдилар. Бизнинг авлод фақат даҳрийларни кўрди. Дин ҳақидаги тушунчамиз, халқ таъбири билан айтганда, «алиф»ни калтак дейдиган даражада эди. Бу камчиликка барҳам бериш учун дин илмига қизиқувчи ёзувчилар учун мадраса ҳузурида бир мактаб ташкил этилса. Ўқиш-ўрганиш «алиф»дан бошланса...»

Бу таклиф Ҳазратимга маъқул тушди. Масала тезлик билан ҳал қилинди. Муҳаммад Латиф, Зоҳиджон қори бу мактабни ташкил этишга масъул бўлдилар. Мактабда ўқишга қизиқувчилар кўпайди, ҳатто рассомлар ва бошқа соҳадаги зиёлилар кела бошлашди. Шунда мен бир оз хижолат билан Ҳазратимга мурожаат қилдим:

-- Ўқишга қизиқиш кучли, лекин намоз ўқимайдиганлар ҳам келишмоқчи, нима қиламиз?



Ҳазрат бу гапни эшитиб, кулимсираб қўйдилар:

– Келишаверсин, ароқ ичадиганлари ҳам келсин.

Бу гап жиддийми ёки кесатик оҳанги борми, билолмай гаранг турган эдим, мушкулумни ўзлари осон қилиб, бир воқеани сўзлаб бердилар:

– Покистон томонларда бир олим шогирдлари билан даъватга отланаётган экан, бир нотаниш йигит келиб, ҳамсафар бўлишдан илинжи борлигини айтди. Ниятини айтгач, пича сукут сақлаб, хаста овозда айбини ҳам билдирди: «Таксир, қалбим Аллоҳ ишқига интиляпти, лекин йўлимда шайтон тўсиғи бор. Мен оғир, аммо давоси бор касалликка мубталоман: ҳар қанча уринмайин, бу бадбахтликдан – ароқ ичишдан ўзимни тўхтата олмаяпман». Йигитнинг гапларини эшитиб, олим унинг кўкрагидан итармади, ёмон сўз ҳам айтмади, насихат қилмади. «Сен сафимизга қўшил, сени бу бадбахтликдан Аллоҳнинг Ўзи қутқаради», деди. Шогирдлар бу қарордан ажабланишди. Даъватчилар сафида майхўрнинг бўлиши уларга ғалат туюлди, аммо устознинг қарорига қарши чиқишмади. Бир неча кун йўл юришди, қишлоқларда илмий суҳбат қуришди. Бир кечаси дарода, очиқ осмон остида тунашди. Ярим тунда устоз уйғониб қарасаки, майхўр йигит ўрнида йўқ. «Оббо, иродаси панд бериб, охири қочибди-да» деб, кўнгли оғриб турганда катта харсанг ортида шарпа эшитилди. Аста ўтиб қарасаки, йигит тупроққа пешонасини қўйиб сажда қиляпти. У саждада узоқ қолди. Сўнг қаддини ростлади-да, қўлларини дуога кўтариб, пичирлаганича Аллоҳга илтижо қила бошлади: «Эй Роббим, мени фақат Сенгина ислоҳ қила оласан, шайтон алайҳиллаънанинг чангалидан фақат Сенгина қутқариб оласан. Сендан кўп нарса сўрамайман: фақат ҳидоят бер. Қалбимни фақат Сенинг ишқинг билан урадиган қалблар қаторига қўш. Мен бу дунёда атрофимдаги бандаларингдан уяляпман, қиёматда Сенинг ҳузурингда уялиб қолишдан кўрқяпман. Аллоҳим, Ўзинг буюксан, нафсимни ўлдир, менга



хидоят бер, шайтон чангалидаги қалбимни покла. Мени қаторларига олган солих бандаларинг ҳурмати, муножотимни қабул эт. Бу солихлар мен нотавонни сафларига олганлари учун уялиб қолишмасин...». Хаста овоз гўё дарани ларзага соларди. Йигитнинг йиғиси устознинг қалбини ҳам йиғлатди. Шу турганча у ҳам Аллоҳга муножот этиб, унинг қалбидаги муҳрни ечишни Роббидан сўради. Оқибат шу бўлдики, дуолар ижобат этилди, йигит бу нафс даридан кутулди, илмга берилди, солих шогирдлик пиллапояларидан кўтарилиб, устозлик мартабасига етди, даъватчиларнинг энг яхшилари сафидан ўрин олди...

Устоздан эшитганим бу воқеани кўпчиликка оғзаки айтганман. Мана, энди қоғозга ҳам тушди.

Ўқиш бошланган кунлари ҳаж ибодатига тайёргарлик кетаётган эди. Ўзбекистонлик мусулмонлар узок йиллар мобайнида бу саодатли ибодатдан маҳрум бўлиб келганлари учун ҳомийлардан ёрдам келаётган эди. Шунда мен ёзувчиларни исломий мавзуга кўпроқ жалб қилиш учун кўрик ўтказишни таклиф этдим. Кўрик ғолибларига мукофот ўларок, ҳаж ибодатига йўлланма бериш ҳам кўзда тутилди. Бу таклиф шайхур-раисга ғоят маъқул бўлди, кўрикни факат Ўзбекистон ёзувчилари ўртасида эмас, балки Ўрта Осиё ва Қозоғистон доирасида ўтказишга қарор қилдилар. Ўзбекистондан бешта ғолиб, бошқа жумҳуриятлардан икки-учтадан ижодкор ҳажга юбориладиган бўлди. Биродарлар билан ҳамкорликда тезлик билан кўрик низомини ишлаб чиқдик. Низом тасдиқланди. Эълон тарқатилди. Ҳакамлар ҳайъати тасдиқланди. Камина раис деб белгиланганда сал оғриндим. Чунки бу кўрикда «Сўнгги ўк» романи билан иштирок этмоқчи эдим. Раислик мансаби берилса, ўзимнинг иштирок этишим уятли ҳол бўлар эди. Бир даврада «Ҳажга борган одамнинг гуноҳлари тўкилиб, онадан қайта туғилгандай бўлиб қолади» деган гапга жавобан: «Ҳаж гуноҳлар ювиладиган ҳаммом эмас.



Гуноҳлардан бу ерда халос бўлиб, муқаддас жойга пок қадам босиб кириш керак», деган эдим. Ўша гапим эсимга тушиб, «Ҳали гуноҳларим кўп экан, Аллоҳ мени ўз Байтига чақирмабди» деб, тақдирга тан бердим.

1992 йил апрель ойининг охирига эди. Тобим йўқ, уйда ётиб эдим. Диний идорадан кўнғироқ қилиб, «Ҳазрат эртага Маккаи Мукаррамага кетяптилар, танловга бугун якун ясалиши керак экан, сизни кутяптилар», дейишди.

– Ҳаж вақтига ҳали анча бор-ку, нега бунча барвақт кетяптилар? – деб ажабландим.

– Ҳожиларимизни кутиб олишга тайёргарлик кўрадилар, – дейишди.

Кўлёмаларни кўтариб бордим. Наманганлик адиб Аҳмад Турсунни кўлёмма ҳикоялари учун танлаб, биринчи ўринни лозим кўрган эдим. Унинг ҳикояларидаги табиийлик, самимийлик, ҳаётийлик мени ўзига ром этган эди. Номзодни айтишим билан Ҳазрат мийиғларида кулиб кўйиб, «бўлмабди» дегандек бош чайқадилар. Кейин билсам, Аҳмадjon муфтий ҳазратга қариндош экан. «Ортикча фитна чиқмасин, «Муфтий ҳажга ўз қариндошини юборди» деган маломатга қолмайлик» деган мақсадда таклифимни рад этган эканлар (бу эҳтиёткорлик бежиз эмас эди. Айрим одамлар тўдалашиб, муфтий ҳазратнинг номларига нолайиқ гаплар айтишдан тийилмас эдилар. «Наҳотки улар Пайғамбаримиз алайҳиссаломнинг «Аллоҳ илм берган олимни паст санаманглар, чунки Аллоҳ илм бераётганида уни паст санамаган» деган муборак сўзларини билишмаса?» деб то ҳозиргача ажабланаман).

Танлов якунлари бўйича Алоуддин Мансур, Абдулла Орипов, Хуршид Дўстмуҳаммад, Асқар Маҳкам мукофотга лойиқ деб топилди. Яна ўнта ижодкорга пул мукофоти тайин қилинди. Кўрик-танлов хурсандчилик билан ўтган бўлса-да, икки ижодкор очикдан-очик норози бўлди. Бирлари таржима билан шуғулланадиган



акамиз эди, у кишининг мақолалари бошқаларникига нисбатан саёзроқ эди. Иккинчилари ўтган йили ҳаж ибодатини бажариб қайтган эдилар. Бир мақолаларини топшира туриб, «Боришга фақат мен арзийман» деб, катта кетишлари ажиб ҳол эди. Икковлари кибр отидан тушгилари келмай, пул мукофотидан ҳам воз кечишди.

Ўша куни муфтий ҳазрат каминанинг номига ҳам даъватнома келганини билдириб, қувонч берганлари ҳолда гангитиб ҳам қўйдилар. Ҳазратнинг ҳаж сафаридан анча олдин борганлари маҳсулини у ерга боргач билдик: Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари учун Каъбатуллоҳга яқин ерда янги куриб битказилган хашаматли меҳмонхона ажратилган эди. Барча мусулмонлар Саудия қиролининг меҳмонлари деб эълон қилинди, кутиб олиш, жойлаштириш, хизмат қилиш чиндан ҳам шоҳона эди. Барча ҳожиларнинг меҳмонхона ва таомланиш учун тўлаган пуллари қайтариб берилди. Ўша йилги ҳожилар фақат йўл сарфини тўладилар, холос.

1991 йилги ҳаж маросимида муфтий ҳазратнинг Арафотда қилган дуоларини кўп қатори камина ҳам телевидение орқали эшитиб, йиғлаган эдим. 1992 йилда Арафотдаги дуога эса бевосита гувоҳ бўлдим. У зотга Аллоҳ томонидан берилган воизлик санъати, дуо қилиш илҳомида илоҳий руҳни сезиш мумкин эди. Кўпчиликка қўшилиб, мен ҳам кўп йиғладим.

Шайхур-раиснинг дуо қилиш илҳомлари ҳақида кўп ўйлардим. Орадан икки йил ўтиб, Булоқбошида бўлганимда жума намозини ҳожи дадамиз – мухтарам Муҳаммад Юсуф домланинг масжидларида ўқидим. Мавъизанинг сермаънолиги, гап оҳангида ҳилмлик – алоҳида таассурот. Намоздан кейинги дуо пайтида ўзимни ўйлантирган саволга жавоб топдим: дуо қилиш илҳоми Ҳазратимга оталаридан ўтган экан. «Агар Аллоҳ таоло хоҳласа, бандасининг зеҳнини илм билан тўлдиради» дейилган ҳадис маъносини ўзимча талқин қилиб, «Аллоҳ шайхимизга илмни оталари орқали бер-



ган экан-да», деган хулосага келдим. Ўша куни кечки салқинда, Булоқбошидаги айвонда суҳбатлаша туриб хожи дадамиз: «Онаси уни бетаҳорат эмизмас эди, эмизаётганда «Ёсин»ни ўқиб турарди», деганларида Аллоҳнинг марҳамати ва қудратини яна бир бор ҳис этдим.

Аллоҳ суйган бандасига илм билан бирга сабр ҳам берган эди. Турли учрашувларда устозга турли саволлар бериларди. Саволларнинг баъзилари гоёт бемаъни бўларди, лекин буларга ҳам сабр ила жавоб қайтарардилар. Назаримда Ҳазрат Алининг «Олимнинг адо этиш лозим бўлган ҳақлари бор. Унга кўп савол бермаслик, жавобига эътироз қилмаслик, эриниб турганида жавоб беришга мажбурламаслик, ўрнидан туришга қўймай, этагига осилиб олмаслик, сирларини ошкор этмаслик, ҳузурида бирон кишини ғийбат қилмаслик, ундан хато қидирмаслик, борди-ю хато қилса, узрини қабул қилиш, модомики, Парвардигор амрига итоат этаркан, унга ҳам Аллоҳ учун ҳурмат кўрсатиш, олдида ўтириб олмаслик, бирор эҳтиёжи бўлса, уни раво қилиш учун ҳаммадан олдин шошилиш олимнинг ҳақларидандир» деган пурҳикмат сўзларини кўпчилик билмаса керак.

Бир даврада ирригация соҳасидаги олим одам Устозга ўндан зиёд савол тайёрлаб келибди. Қуръони Каримнинг маъно таржимаси билан танишгач, ўзича суралар нотўғри жойлаштирилган, деган хулосага келган экан. Чала билимига таянган ҳолда сураларни бошқача жойлаштирибди. Мен бундан ва саволларнинг бемаънилигидан Ҳазрат газабланиб, туриб кетсалар керак, деб ўйладим. Йўқ, саволларни охирига қадар диққат билан эшитдилар, сўнг бо-сиклик билан бирма-бир жавоб қайтардилар. Чаламулла зиёлилар билан суҳбатлашиш жуда оғир. Устозлар устози бундай оғирликларнинг кўпини енгиб ўтганлар.

\* \* \*

Қадрдонимиз, таниқли адиб Муроджон Мансур «Шарқ» нашриётида ишлаётганларида Аллоҳ у киши-



га улуғ неъмат насиб этди: устозлар устози Муҳаммад Солиқ Муҳаммад Юсуфнинг асарларини нашрга тайёрлашда муҳаррир сифатида иштирок этдилар. Муроджон ака жумладаги эга-кесим ёки боғловчиларнинг ўз ўрнида бўлиши, ҳатто тиниш белгиларининг жой-жойига қўйилишига жиддий эътибор берардилар. «Ҳадис ва ҳаёт» туркумида эса ўзбек тили грамматикаси қондасига баъзан амал қилинмас эди. Айниқса, арабий сўзларнинг ёзилиши борасида шайхимизнинг ўз қоидалари мавжуд эди. Шу масалада муҳаррир билан муаллиф ўртасида баҳсли ўринлар туғиларди. Муроджон ака таҳрир бобида муаллиф билан кўпам баҳслашавермас эдилар. Айниқса, Шайхимизнинг салобатлари босар эдими, камчиликни кўрсатишга ийманардилар. Шундай ҳол юз берганда, мени ёрдамга чақирардилар. Устознинг ҳузурларига бирга борардик. Камчиликни аниқлаган муҳаррир – Мурод Мансур, шайхур-раисни кўндириб берадиган эса Тоҳир Малик эди. Имло бобидаги баҳсда Ҳазратим ҳам ўжар эдилар. У кишини Муроджон аканинг таклифларига (аниқроғи, талабларига) кўндириш кийин эди. Қоғозга рўйхат қилиб ёзиб олган таклифларининг ярмига кўндира олсак ҳам Муроджон ака қувонардилар. Кўзлари хиралашиб қолганда ҳам бу савобли юмушни давом эттирдилар. Муроджон аканинг жанозаларини шайхур-раиснинг ўзлари ўқидилар. Икковларини Аллоҳ раҳмат қилсин, омийн!

Муроджон аканинг жанозалари куни шайхур-раисимиз маъруза қилаётганларида орадан бир неча ой ўтиб, ўзларининг ҳам жанозаларида ҳозир бўлишимизни қайдин билибмиз... Устозлар устозининг вафоти ҳақидаги хабар қалбларга яшин олови каби урилиб, куйдириб ташлади. Ҳазратнинг суҳбатларидан баҳраманд бўлган бизларгина эмас, бутун Ислом олами жудолик қайғусида изтироб чекди. Шарафли ҳадисдаги «Бутун қавмнинг ўлими бир олим ўлиmidан кичикроқ ходисадир» деган ҳикматли сўзларга ўзимиз гувоҳ бўлдик.



Шайхур-раисни биз бандаларга устоз қилиб бериш Аллоҳнинг улуғ неъматини эди, хузурига чақириб олишдаги айрилик азоби ҳам шунга яраша бўлди.

Тобим бўлмай, иккинчи марта жарроҳлик амалиёти ўтказилгач, шайхур-раис уйимизга келдилар. Амалиёт қайси куни, қайси соатда бўлганини сўраб билгач, «ажиб» деб кўйдилар.

– Нимаси ажиб? – дедим.

– Маккаи Мукаррамага отланганимни сиз билмаган эдингиз. Билганлар Каъбатуллоҳда дуолар қилишимни сўрашганди. Каъбанинг атрофида юриб, бир-бир дуолар қилаётганимда сиз ёдимга тушдингиз. Ҳозир билсам, жарроҳлар ишга киришган пайтда сизни эслаб, Аллоҳдан сиҳат-саломатлик сўраб, дуо қилган эканман...

Мен шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф эгаллаган илм даражаси не қадар улуғ экани хусусида сўз айта олмайман. У зот эгаллаган илмнинг уч-беш фоизига етишган бўлганимда, эҳтимол, бунга журъат қила олардим. Лекин олимларнинг баҳоларини эшитганман-ким, айримлари билан сизларни таништирайин.

Устоз Алоуддин Мансур суҳбатларимиздан бирида «Агар бугунги Ислом оламида ўнга улуғ олим бўлса, биттаси шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф, бешта бўлса, шуларнинг пешқадамларидан, иккита бўлса, биридир», деган эдилар.

Бундан олдинроқ, 1990 йили эди шекилли, Ливиядан келган меҳмонлар даврасида юзлари нурли бир қария: «Сизлар Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуфнинг кадрига етинглар. Мен бу шайхнинг устозиман. Бундай улуғ олимни Аллоҳ хамиша ҳам беравермайди. Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф бизга ўқишга келганида кўзимизга бўшанг йигит бўлиб кўринган эди. Дастлабки имтиҳонда бу фикримиздан қайтдик. Индамай юрувчи бу йигит илм олиш билан банд экан...» деди. Бу гапни Ливия Араб Жамоҳирияси «Ал-Фотих» университетидан «Улумул-Қуръон» фанидан дарс бе-



рувчи устоз, доктор Иброҳим Руфайда айтган эдилар.

Шайхур-раисимиз бадий адабиёт намуналарини доимий равишда кузатиб борардилар. Айниқса, шеърятдаги камчиликларни вақтида танқид қилиб турардилар. Ёзувчилар иккига бўлинганларида Адиблар иттифоқи вакили Ҳазратга мурожаат қилиб, «Сиз ҳам икки-уч китоб чиқардингиз, иттифоқимизга аъзо қилиб оламиз», деди. Кулимсираб туриб, бош чайқадилар: «Мен ёзувчи эмасман. Сизга аъзо бўлиб, икки гуруҳга ажралган муҳтарам адибларимизнинг ихтилофларини чуқурлаштиришни ҳам истамайман», дедилар. Кейин билишимча, Ёзувчилар уюшмасидан ҳам шундай таклиф тушган ва шундай жавоб қайтарилган экан.

Энди навбат ҳазрати Алининг «Олим киши кечалари қоим, кундузлари рўздор мужоҳиддан афзалдир. Олим вафот этса, Исломда бир ёриқ пайдо бўлади. У ёрикни фақат олимнинг ўринбосаригина тўлдиради» деган сўзларига келди. Не бахтки, Аллоҳнинг марҳамати билан устозлар устозининг қаноғи остига иқтидорли ёшлар тўпланишган эди. Улар устоздан имкон қадар билим олдилар. Энди бу билимларни такомилга етказиш, устознинг йўлини давом эттириш, ҳосил бўлган ёрикни тўлдириш вазифасини бажаришга киришишлари лозим бўлади. Ҳазрати Али: «Менга бир харф ўргатган кишининг хизматкори бўлишга тайёрман», деган эдилар. Устозлар устозининг бундай хизматга тайёр шогирдлари кўп. Камина – Тоҳир Малик шуларнинг биридир.

## КИТОБ ЭГАСИНИ ТОПДИ

“Одамийлик мулки”ни сўраганлар, кидирганлар кўп бўларди. Шунинг учун мен бу китобдан ҳар эҳтимолга қарши машинада олиб юрардим. Тўй-тўкин, туғилган кунлар бўлиб қолса жуда асқатарди-да. Ёки кимдир биров-бир китоб ҳақида, илм ҳақида юрак “жиз” этадиган бир гап айтса бўлди, танишми, нотанишми ўйлаб



ўтирмай “Одамийлик мулки”ни ўша одамга ҳадя қилиб юбораман. Шундан кейин у киши билан дўстлашиб ҳам қоламиз.

Бир сафар китоб машинада узоқ туриб қолди. Кўзи тушиши билан сўровчилар бўлди. Уларга “бировники, омонат” деб кутулардим. Лекин бу китоб кимга насиб қилади, кимнинг омонати ўзим ҳам билмасдим. Ҳа, китоб пинҳона гўё ўз эгасини кутарди.

Бир куни оилам Зухрабону поликлиникага чиқиб келди-да:

– Қаранг, ҳаётда ҳар хил оналар бор-да, бирови бола-си учун йиғиб-териб чарчамайди. Бировини-чи... гапини эшитиб, хайронлар қолибман... Бир дўхтир иккинчисига нима деди, денг: “Қизингизни бўйи етиб қолди, сарпога кўйлак оласизми, нархи уч юз минг экан”, – деди. “Э, деб униси қўл силтади, қизим уч юз мингга кўйлак кийгунча уч юз минг сўмлик китоб ўқисин”... Воҳ, ажойиб-а? Киройи шунақа хонадонларга қуда бўлсанг-да...

Бу гапдан мен ҳам бир яйрагандан минг яйрадим. Ичимга чирок ёққандек бўлди. Чинакам оналар шунақа бўлиши керак, аслида. Бировнинг уйига борадиган қизининг ақл-фаросати ҳамма нарсадан муҳим. Бу йўлда китоб оналар учун энг яхши ёрдамчи бўлса, қизлар учун беминнат маслаҳатчидир. Қани энди буни ҳамма оналар ҳам тушунсалар. Қизларининг устки либосини эмас, ички – маънавий либоси ҳақида ўйласалар. Кўз олдимга машинадаги китоб келди. Ҳа, унинг эгаси топилган эди...

– Ким экан у дўхтир, мен танийманми? – сўрадим Зухрабонудан.

– Юрак дўхтири, бор-ку оппоқкина, тўладан келган, аёл, ўша.

– Исми нима экан?

– Билмасам.

Исмини билмасам ҳам китобни олдим-да унга, ушбуларни ёздим:



“Қизим уч юз минглик кўйлак кийгунча уч юз минг сўмлик китоб ўқисин”, – деган дўхтир кизимизга. Китобни, илмни ҳурматлар экансиз, икки дунёда кам бўлмайсиз. Сиздек оналар омон бўлишсин. Кадрдоним, Тохир Малик номидан... 23.06.2016 йил. Рамазон ойи деб имзо қўйдим. “Одабийлик мулки” бу хонадоннинг чинакам қалб мулкига айланишига ишонаман.

Хотира китобини тайёрлаётганимизда “Хуррият” газетасининг 2019 йил 12 июнь чоршанба сонидида икки-та кадрдонимизнинг хотиралари эълон қилиниб қолди. Уларни бажонидил китобга киритдик.

### АВЛИЁСИФАТ ИНСОН ЭДИ (Ёзувчи Ёқубжон Хўжамбердиев хотираси)

Ёзувчи вафотидан ўн беш кунча олдин қадимий Ўш шаҳрида Тохир Маликнинг кадрдон дўсти, акаси, таниқли шоир Турсунбой Адашбоевнинг 80 йиллиги кенг нишонланди. Мазкур марака Тохир Маликсиз ўтиши хаёлга сиғмас эди. Шундай ҳам бўлди. Аммо бетоблиги боис унда ёзувчининг ўзи эмас, сўзи билан иштирок этди... Бобур номидаги театрда Турсунбой Адашбоевга бағишланган анжуман Тохир Маликнинг сокин овозда дўсти ҳақидаги ҳазил-мутойибага йўғрилган суҳбати ёзиб олинган видеолавҳа томошаси билан бошланди.

Ёзувчимиз бу ёруғ дунё билан хайр-хўшлашишдан олдин гўёки ўшлик китобхонлар ҳузурида бўлди. Уларни Турсунбой Адашбоев ҳақидаги ибратли суҳбати билан хушнуд этди. Яна бир эътиборли жиҳати шундаки, сафар давомида кечган ўзаро мулоқотлар, гурунларда Тохир Маликнинг номи тез-тез тилга олиниб турди. Жумладан, арслонбоблик шоир Қурбон Сагтор Эркин Малик ёнига келиб, бир даста қўлёзмани Тохир Маликка бериб қўйишини илтимос қилди.



– Афсуски, – дейди Эркин ака, – биз Тошкентга қайтганимизда Тоҳир Маликнинг жарроҳлик амалиётидан сўнг касалхонанинг жонлантириш бўлимида ётганини айтишди, кўриша олмадим. Қурбон Сатторнинг Тоҳирга йўллаган саломлари ҳам зиммамда қолиб кетди.

Шундай бўлди, ёзувчимизнинг Турсунбой ака ҳақларидаги ғоятда латиф, самимий сўзлари ҳам, ўшликларга йўллаган кайноқ саломлари ҳам қирғизистонлик мухлислари калбида муҳрланиб қолди.

Истеъдодли ёзувчимиз Тоҳир Малик авлиёсифат инсон эди. Асарларида ташбеҳлари келган кўплаб башоратлар ва бадий ишоратлар билан ўқувчилари қалбини ўзига ром қилиб оларди. Унинг жанозасида минглаб юртдошларимиз ҳозир бўлишди. Уларнинг аксарияти ёзувчининг ёзган китоблари орқали таниган мухлислари эдилар.

### НАВОИЙ АСАРЛАРИДА “ШАЙТАНАТ” СЎЗИНИ УЧРАТДИМУ... (Ёзувчи Шодмон Отабек шундай хотирлайди)

Адабиётимизнинг кейинги чорак асрида сермахсуллик, машҳурлик, оммабоп ва ҳаммабоп асар ёзиш борасида атоқли адиб Тоҳир Маликка (Оллоҳ раҳмат қилсин!) тенглаша оладиган ёзувчи йўқ эди десак, муболаға бўлмайди. Мабодо китоб дўконларига кириб қолсангиз, пештахталарнинг аксарияти Тоҳир Малик асарлари билан банд эканини кўрасиз. Бир кун китоб дўқонидаги бу манзарани кўрган таниқли адиб Мурод Муҳаммад Дўст шундай деган экан: “Ё тавба! Тоҳир аканинг китоб ёзиб берадиган заводи бормикин?..”

Раҳматли академик Азиз Қаюмов эса бир суҳбатида: “Тоҳир Малик бизнинг Толстойимиз!” деб ёзувчи ижодига юксак баҳо берган эдилар.

Тоҳир Малик “Фарғона тонг отгунча” романи билан маълум ва машҳур адиб ва моҳир таржимон Мирзака-



лон Исмоилийнинг жияни эди. Раҳматли тоғаси жиянининг келажагига умид билдириб, «қаламимнинг мерос-хўри» деганини кўпчилик эшитган. (Жиянга шундай дастхат битилган китоб совға қилинганини ўз кўзим билан кўрганман.) Не бахтки, жиян тоғанинг ишончини оқлабгина қолмай, унинг ушалмай қолган орзу-умидларини ҳам рўёбга чиқарди.

Тоҳир Малик мутолаадан андак узоқлашиб кетган китобхонларни «Шайтанат»дек машҳур асарни ёзиб, бир ҳамла билан ўзига оғдириб олди. Ўртоқлари унга биргина шу асарингиз билан кўп ёзувчиларни “синдириб” кўйдингиз деб ҳазил қилишарди. «Шайтанат» кино қилинган, «шафқатсиз» адиб киночиларни ҳам синдириб кўйишга чоғлангандек бўлди. Одоб-ахлоқ, дину диёнат ҳақидаги асарлари билан эса айрим сийқа насихатчиларни аллақачон “синдирган” эди. Мабодо у сатира ва юмор билан сал жиддийроқ шуғулланганда эди, бу соҳани ҳам “ўзиники” қилиб олармиди...

Кунлардан бир куни Тоҳир Малик «Энди нима ёзмоқчисан?» деб сўраган шоир дўстига жиддий алпозда шундай дейди: «Энди назмга ўтаман. Сенларга шеър ёзиш қандай бўлишини бир кўрсатиб кўймоқчиман!» Бояқиш дўсти бу гапга чиппа-чин ишониб, талмовсираб қолади. Шунда адиб, унга раҳми келиб, далда беради: «Кўркма, дўхтир мени соппа соғсан деган, шеър ёзмайман!»

Тоҳир Малик ана шундай ҳазилкаш эди. Шу боис унинг китобхонлар билан ўтадиган учрашувлари жуда жонли, қизиқарли бўларди. Ёзувчи мухлисларнинг айрим саволларига ҳазил-мутойиба билан жавоб беради:

– «Шайтанат» асарингизнинг ёзилишига нима туртки бўлган?

– Шайтонлар туртки бўлган.

Учрашувда бир муаллима ёзувчидан илтимос қилади:

– Мен “Шайтанат” асарингиздаги Асадбекни яхши кўриб қолганман. Илтимос, уни ўлдирманг.

– Яхши кўришингизни эрингиз биладими?



Адибнинг она юрти Андижондаги бир учрашувда мухлислардан шундай савол тушади:

– Қисқача таржимаи ҳолингизни айтиб берсангиз?

– Мен она томондан булоқбошилиқ, ота томондан марғилонлик, хотин томондан тошкентликман.

Энди шундай жиддий ҳазилкаш адиб ҳақида бир оғиз жиддий гап айтмасак бўлмас.

Тоҳир Малик тақводор, имон-эътиқоди бутун, сўзи билан иши бир инсон эди.

Тоҳир Маликнинг жиноят олами ҳақидаги асарларини ўқиган китобхонлар уни қаҳри қаттиқ одам деб ўйлаши мумкин. Бу янглиш тасаввур. Адиб ҳаётда яқинларига эътиборли, меҳрибон, кўнгли ўта нозик одам эди. Жанжалга, турли кўнгилсизликларга тоби-тоқати йўқ эди. Илгари ўзи ишлаган таҳририятларда муҳит сал ўзига ёқмай қолса ёки биронтаси дилини оғритса, «Ол ишингни!» дея қўл силтаб кетворарди. Манфаат юзидан ўзини ўтга-чўкқа уравермасди. Вақтида унинг қадрига етмаган таҳририятлар яна ўзлари ялиниб, уни қайта ишга олишарди. Биргина республика радиосига тўрт-беш марта ишга кириб-чиқиб юрганига гувоҳман. Шундай пайтларда унга ҳазиллашиб «Меҳнат дафтар»ингиз неча том бўлди?» деб кўярдим.

Ҳозир китоб ва китобхонлик ҳақида баҳс-мунозаралар кўпайди. Мутолаанинг сусайиб кетаётганлиги куйиниб айтиляпти-ю, бу муаммонинг илдизлари етарли очилмаяпти. Назаримда, ёзувчи билан китобхон ўртасидаги алоқа, мулоқот ҳам анча сусайган. Ахир китоб ким учун ёзилади? Ёзувчи бугунги китобхоннинг диди, талаб-истакларини билмаса, қандай ижод қилади? Масалага шу жиҳатдан қараганда Тоҳир Маликнинг фаолияти ибратли. У «Бекажон» газетасининг таҳририят раиси сифатида узок йиллар ёш қаламкашларга ижод ва маҳорат сирларини сидқидилдан ўргатиб келди. Ўз китобхонлари билан турли анжуман-тадбирларда, матбуот саҳифаларида ҳамда хат орқали яқиндан мулоқотда



бўлди. «Шайтанат»нинг давоми кетма-кет чоп этилишига ана ўша мулоқотлар, кўп сонли китобхонларнинг даъват-далдаси сабаб бўлгани эса ажаб эмас.

Адиб «Тасвир» газетасига берган интервьюсида шундай дейди: «Аллоҳга таваккал қилиб иш бошладим. («Шайтанат»нинг бешинчи китоби назарда тутилмоқда – Ш.О.) Китобхонлардан дуо қилишларини сўрайман. Илтимосим шуки, «китобни ёзсин», деб, шунчаки дуо қилманглар, «китобни яхшилаб ёзсин, савияси тушиб кетмасин, аввалгиларидан аълороқ даражада ёзсин», деб дуо қилинглар. Шояд дуоларинг ижобат бўлиб, яхши асар ёзилса».

Дуолар ижобат бўлди, адибнинг кўп сонли мухлислари «Шайтанат»нинг бешинчи китобини ҳам ўқидилар.

Ҳар қандай ёзувчининг ҳам сара, давр синовидан ўтган асари бўлади. «Бўйи баробар китоб ёзган» Лев Толстойнинг ҳам умрбоқий, суйиб ўқиладиган асарлари санокли. Тоҳир Маликнинг китобхонлар маънавий мулкига айланган бошқа асарларини камситмаган ҳолда айтсак, беш китобдан иборат машҳур «Шайтанат» асари алоҳида ажралиб туради. Бу асар нисбатан қисқа фурсат ичида қайта-қайта, кўп нусхада чоп этилди. Китобхонлар, адабий жамоатчилик бу асарни юқори баҳолади. Асарга мазмунли сўнгги сўз ёзган таниқли адиб Муроджон Мансуров «Шайтанат» Тоҳир Маликнинг энг баланд асари» дея эътироф этди. Бу – ҳаққоний баҳо эди.

Китобхонларнинг «Шайтанат»нинг ёзилишига нима туртки бўлган, бу асар қандай дунёга келган ўзи, деган саволларига каминанинг ёзувчи билан сўнгги суҳбатимиз ана шу саволга жавобдан бошланган эди.

– Бу саволни учрашувларда китобхонлар ҳам кўп беришади, – деган эди Тоҳир Малик. – Ҳазрат Навоий асарларидан бирида «шайтанат» сўзини учратдим-у, «Бу сўз яхши бир асарга ном бўлиши мумкин экан»,



деган фикр хаёлимдан ўтди. Кейинчалик, дўстлар билан Фарғона водийсига сафар қилдик. Раҳматли шоир Шавкат Раҳмоннинг юртига бордик, яхши учрашувлар, гурунглар бўлди. Андижонда юрганимизда дўстларимиздан бири яқинда ўтган бир жиноят ҳақида гапириб қолди. Хаёлимда ярқ этиб ўйлаб юрган асаримнинг воқеалари жонлана бошлади. Сафарни ортиқ давом эттиришга рағбатим қолмади. Тезроқ Тошкентга қайтгим, ёзув столига ўтириб, уни қоғозга туширгим келаверди.

– Ёзиш жараёнида кўп нарса ўзгариб кетгандир?

– Ҳа, бу – табиий. Ўша – Андижонда дўстлар гапириб берган жиноят тарихи ҳам асарга киритилмади. Одамлар жиноят олами ҳақида кўп нарса билмайдилар. Уларнинг бу борадаги тасаввур-тушунчаси жуда юзаки. Мен раҳмоннинг эмас, шайтоннинг гапига кириб, жиноят оламга юз тутганларнинг фожиасини кўрсатиш орқали одамларни огоҳликка, хидоят йўлига даъват этишни асосий мақсад қилиб қўйганман. Айни чоғда, ҳеч ким онадан жиноятчи бўлиб туғилмаслигини таъкидлагим келади. Эсингизда бўлса, ҳали болакай экан ёш Асадбекнинг кўнглига ёмонлик уруғи қатағон йиллари, кўз олдида гуноҳсиз отасини ноҳақ қамоққа олиб, уйдан олиб кетишганда экилган.

– «Шайтанат»нинг фильм қилиниши асарнинг довруғини янада оширди. Негадир фильмнинг давоми чўзилиб кетди?

– «Шайтанат» фильми телевидение бадиий кенгаши томонидан қабул қилинган. Насиб қилса, томошабинлар ҳукмига ҳавола этилар.

– Фильмдан кўнглингиз тўлдими?

– Умуман олганда ёмон эмас. Роллар ижросидан асосан қониқиш ҳосил қилдим. Бош қаҳрамон Асадбекни худди Ёдгор Саъдиев сиймосида тасаввур қилгандим, демак, бу роль ўзининг ҳақиқий эгасини топган.

– Фильмни суратга олиш жараёнида қандай хангомалар юз берди?



– Халқимиз азалдан кулгига мойил, икки ўзбек тўпланган жойда албатта хазил-мутойиба бўлади. Ҳозир эсимга тушиб қолган шундай бир воқеани айтиб берай. «Шайтанат» сурагга олинаётган кунларнинг бирида Ёдгор Саъдиев билан телефонда фильм ҳақида гаплашаётган эдик. Шу орада телефон хизматидаги эски касаллик панд бериб, суҳбатимизга бегона овозлар аралашиб кетди. Бир аёл суҳбатимизни бўлиб, сўраб қолди:

– Кечирасиз, сиз Тоҳир Маликмисиз?

– Ҳа, нима эди?

– Айтинг-чи, бош қахрамонингиз Асадбек ўлмайдими?

– Ана, ўзидан сўрай қолинг, гапингизни эшитиб турибди! – дедим.

– Маълумки, кино – санъатнинг мутлақо бошқа, мураккаб тури. Ҳар қандай бадиий асар экранлаштириляётганда жиддий ўзгаришлар бўлади, ҳатто ёзувчининг ғояси, талқини ҳам бошқачароқ тус олиши мумкин.

– Бу мулоҳазангизда жон бор деб ўйлайман. «Шайтанат» мисолида ҳам шу ҳол кузатилади. Маълумки, асарда Асадбек анча мураккаб образ. Бир елкасида раҳмон, иккинчисида шайтон туради. Афсуски, у кўпроқ шайтоннинг гапига киради. Кинода эса унинг салбий жиҳатларига камроқ эътибор қилинади, у кўпроқ ҳақиқат учун курашувчи сифатида талқин этиладики, принцип жиҳатидан бу унчалик тўғри эмас.

– «Шайтанат», шубҳасиз, детектив, саргузашт жанрида яратилган асар. Айрим одамлар, ҳатто баъзи адабиётга дахлдор кишилар ҳам бу жанрдаги асарларни енгил-елпи, нојиддий, деб ҳисоблайди. Тўғриси, ўзим ҳам илгари шунга яқинроқ фикрда эдим. Шу боис узок вақтгача «Шайтанат»ни ўқигим келмай юрди. Ахийри, у ҳақидаги шов-шувлар кучайгандан-кучайиб кетавергач, «Қани бир варақлаб кўрай-чи» дея истар-истамас китобни кўлга олдим-у илк саҳифалариданок бош кўтаролмай қолдим. «Шайтанат» бир нафасда, шавқ билан ўқиладиган китоб эканлигига амин бўлдим.



– Ҳамма гап аввало, ёзувчининг ўз қаҳрамонларига жон ато эта олишида, характерларнинг тўлақонли яратилишида, – саргузашт асарларга қизиқиш аввалдан мавжуд. Умуман, ҳар бир китобхон ўзининг қизиқишига қараб асар танлайди. Кимдир саргузаштга қизиқса, бошқа биров бундай асарни ҳазм қила олмайди. Шу боис адабиётда ранг-баранглик мавжуд. Детектив жанрини танлаган ёзувчи чойхонада чўпчак айтиш билан эмас, бадий адабиёт билан шуғулланаётганини унутмаслиги керак.

Шу тарзда адиб билан суҳбатимиз яна узоқ давом этди...

Сўнги йилларда Тоҳир Малик ўз мухлисларини яна бир янги асари билан мамнун этди. “Пўртанали уммонда сузар ҳаёт қайиғи” деб шоирона номланган, иккита китобдан иборат бу салмоқли асар “Шарқ” нашриётида чоп этилди. Тажрибали ношир Аҳроп Аҳмедов китобга муҳаррирлик қилган.

Асарда асосан икки йўналиш, икки мавзу устувор. Биринчиси – муаллифнинг таржимаи холи, кўрган кечирганлари, замондошлари ҳақидаги хотиралари, иккинчиси – унинг сўнги йиллардаги кўпгина асарларида кўп ва хўп қаламга олинаётган мавзу – маънавий қадриятлар ҳақидаги фикр-мулоҳазалари жамланган. Шу ўринда “Э, яна панд-насихатми?” деб қўл силтамоқчи бўлганларни соғлом, оқилона фикр юритишга чорлаш жоиз. Дарвоқе, адибнинг ўзи бундай иддаоларга юқоридаги асарида шундай жавоб беради: “Баъзи адабиётшунослар, ҳатто адиблар асарларимда диний калималарнинг мавжудлигини, ривоятлар, хикматлардан фойдаланишимни танқид қилишади. Мен бу танқидларга парво ҳам қилмайман. Чунки бу услубни камчилик эмас, фазилят деб биламан ва бу йўлдан четга чиқиш ниятим йўқ”.

Маълумки, дидактика шарқ менталитети, шарқ фалсафаси ва адабиётининг муҳим таркибий қисмидир. Бу мавзуда ўлмас асарлар битилган. Асрлар синови-



дан ўтиб, ҳали ҳамон таълим тарбия борасида муҳим қўлланма бўлиб келаётган машҳур “Қобуснома” бунга ёрқин мисолдир.

Адабиётнинг ўзгармас қонуни – гап нима ҳақида эмас, гап қандай ёзишда! Агар масалага шундай нуқтаи назардан каралса, жаҳон адабиётининг жуда кўп дурдона асарлари, жумладан, детектив саргузашт асарларнинг ҳам юксак санъат намунаси экани ойдинлашади. Жаҳон адабиётининг дурдоналаридан бири бўлмиш “Граф Монте Кристо”, Ф.Достоевскийнинг “Жиноят ва жаъзо” романи ҳам детектив асарлардир. Ўзимизнинг машҳур “Ўткан кунлар”да ҳам детектив лавҳалар (Отабекнинг Ҳамид ва Муталлар билан қонли тўқнашуви – Ш.О.) бор.

Шубҳасиз, Тоҳир Малик мақтовга муҳтож адиб эмас. Ёзувчи маънавий қадриятлар ҳақида ёзганда шунчаки, умумий мулоҳазалар билан чекланмайди. Ҳамиша камровни кенг олади. Мавзуни атрофлича, теран ёритишга интилади ва мақсадга эришади ҳам. Қаламга олинган мавзулар ҳеч қачон ўз долзарблигини йўқотмайдиган, ҳар бир инсон ҳаёт йўлида дастуриламал деб билиши лозим бўлган масалалардир. Адиб ўз фикр-мулоҳазаларини асослаш, қувватлантириш, таъсирчанлигини ошириш мақсадида муқаддас “Қуръон” оятларига, маданий меросга, турли ривоятлар, ҳикматлар, мумтоз ва замонавий адабиёт намуналарига дадил мурожаат этади. Айниқса, муқаддас динимизнинг моҳияти, асосий қадриятларини содда, равон ва изчил баён этишга алоҳида аҳамият беради. Шу аснода адибнинг ўзига хос услуби, бетакрор истеъдоди, қалби, дунёкараши, билим доираси, салоҳияти, донишмандлиги ҳам намоён бўлади. Дарвоқе, донишмандлар фақат ўтмишда ўтмаган. Бу сўзни иккиланмай Тоҳир Маликка нисбатан ҳам бемалол айтиш мумкин.

– “Жиноятнинг узун йўли” деган рисолаи қайта ишлаб, тўлдириб, “Қуёшингиз ботмасин” деб номлаб нашр этгирдим. Унда ўсмирларнинг жиноят оламига



кириб кетишлари сабаблари янги маълумотлар асосида таҳлил қилинди. Шунингдек, ўз жонига қасд қилиш, уйдан қочиб кетиш сабаблари ҳам ўрганилиб, тавсиялар берилган. Ўсмирлар орасидаги учраб турадиган котилликлар тобора ваҳшийлашиб бораётгани ҳам аниқ маълумотлар асосида баён қилинган.

“Ёлғон умидлар дашти” – икки китобдан иборат романим гиёҳвандлик олами зулмати ва бу зулматдаги фожиалар ҳақида. Иккинчи китоб бўйича “Ўргимчак тўри” номли бадиий фильм ишланди.

Оила ҳаловатига доир туркум асарларимни якунлаб, “Тенг-тенги билан бахтлидир” номи билан чоп эттирдим. Маърифий йўналишдаги асарларим якунига етгач, янги туркум ҳикоялар ёздим ва улар “Охират” номи билан нашр этилди. “Бир кўча, бир кеча” деган асарим асосида 20 қисмли “Ҳаловат кўчаси” номида телефильм ишланди. Шу кунларда машҳур маърифатпарвар аллома Абдулла Авлоний ҳаётига бағишланган “Қалдирғоч” (“Савоҳил”) асари асосида икки серияли бадиий фильмни суратга олиш ишлари давом этмоқда. Фильмни кузда экранларга чиқариш режалаштирилган. Оллоҳ омонатини сўраб қолмаса, ҳали ижодий режаларим бисёр”, деган эди адиб.

Халқимизнинг суюкли, атоқли адиби Тоҳир Маликнинг охирати обод бўлсин, дея Яратгандан сўраб қоламиз.

## ШУНГА ҲАМ САВОБ ОЛАДИЛАР

Бир куни Тоҳир менга кўнғироқ қилиб сўраб қолди.

– “Ҳилол нашр”да ишлайдиган шогирдингиз Ёркинжон Ҳайдаровни уй жойи йўқми? – деди.

– Йўқ, иккита боласи билан ижарада яшайди. Хотини олима, фан номзоди, институтда дарс беради, нимаиди? – дедим.

– Шу ёзувчиларга қурилаётган уйдан олиб берсаммикан, деган эдим.



– Бир умрлик улуг иш бўлади-ку, иложи бўларми-кан? – сўрадим.

– Иложи шуки, ўзимга деб оламан-да, шу ёш оилага ҳады қиламан...

– Илоҳо ниятингизга етинг, – дедиму бошқа гапиролмай қолдим.

Ажабо, ўзи отаси куриб кетган қалдирғоч уясидек хоналарда оқлаб, кўклаб яшаётган, бу ёқда бир эмас, иккита ўғил набираси бўй етиб келаётган бўлса-да, бошқа бир оила ҳақида қайғурса... Бунинг учун, албатта, Тоҳир Малик бўлиш керак. Унга ўхшаб фикрлаш, ўйлаш зарур. Набираларини уйлаш учун ҳали беш олти йил вақт бор-да. Унгача Худо пошшо. Бу орада бир ёш оила оёққа туриб олади-ку!

Тоҳир ўтгандан кейин Ёрқинжонга:

– Тоҳир сизни уй жойлик қилмоқчи эди, афсус ниятига ета олмади, – дедим армон билан.

Ёрқинжон кўзларига ёш олиб:

– Тоҳир акам шунга ҳам, савоб оладилар, – деди.

Қадрдоним Тоҳир Маликдан жуда қатта бой, адабий, маънавий мерос қолди. Тоҳир оламдан ўтгандан кейин бир ҳафта ўтиб, 2019 йил 21 май куни Ўзбекистон Қаҳрамони Озод Шарафиддиновнинг Миллий академик драма театрида 90 йиллигига бағишланган адабий-бадий кеча бўлиб ўтди. Унда устоз ҳаётидан фильм намойиш қилинди. Фильмда устознинг рафиқалари Шарофат ая Озод Шарафиддиновни миялари тўла илм билан кўмиб келишди деганларида зал титраб кетган эди. Биз ҳам Тоҳирни ҳали қоғозга тушиб улгурмаган ёзилажак гуж-гуж китоблари билан кўмиб келдик.

Сиз юқорида бир ижодкор дўстимизнинг “Сўнги суҳбати” билан танишдингиз. Сўнги суҳбат дейишнинг ўзи нақадар оғрикли, нақадар армонли. Бу дунёнинг абадий эмаслигига бир ишора. “Бу менинг Тоҳир Малик билан охири учрашувим эди, бу менинг охириги суҳбатим эди, деб хотирлайдиган тележурналист-



лар, радиожуналистлар қанча? Уларда сақланиб қолган овозли, ёзувли тасвирларни қоғозга кўчирадиган бўлсак, ўхў... бир эмас, бир нечта китоб бўлиши табиий. Буларнинг ёнига оддий ўқувчиларнинг хотиралари, адабиётшуносларнинг адибимизнинг китобларига ёзган мақолаларини қўшсак-чи?

Ушбу китобни босмага тайёрлаётганда устоз Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф хазратларининг қизлари, олима Одинахон Муҳаммад Содик таржималаридаги Имом Ғаззолийнинг “Ҳилол нашр”да ўн минг ададда босилиб чиққан “Эй фарзанд” китоблари кўлимга тушиб қолди. Имом Ғаззолий китобнинг 26 саҳифаси иккинчи бандида айтадилар:

“Эй фарзанд! Кераксиз нарса билан машғул бўлиш Аллоҳ таолонинг бандадан юз ўгирганлиги аломатидир.

Имом Ғаззолий давом этадилар: “Ушбу сўзлар Расулulloҳ алайҳи васалламнинг ўз умматларига қилган насихатлари жумласидан эди: “Кишининг умридан бир соатини ўзи яратилган мақсаддан бошқа нарсага сарфласа, узундан-узун ҳасрат қилаверсин.”

“Кимки қирқдан ўтиб ҳам яхшилиги ёмонлигидан ғолиб келмаган бўлса, дўзахга тайёрланаверсин”.

Ушбу насихатлар илм аҳлига кифоядир.

Тоҳир Малик умрининг бир лаҳзаси ҳам беҳуда ўтмади. Ҳадисларда айтилганидек, умргузаронлик қилди. Бошқаларни ҳам шунга чорлади. У ёмонликни, гуноҳи азимни қозоннинг қорасига ўхшатарди ва асарларида ундан нари юришга ундарди. У катта шахс эди.

Унутманг, азизлар, ушбу хотира китоби Тоҳир Малик шахсини ўрганиш йўлидаги дастлабки қадамлардир ва дастлабки уринишлардир. Тоҳир узоқлардан кўр тўкиб турган тоғларни эслатувчи ижодкор. Яқинлашганингиз сари маҳобати, салобати босиб, айтмоқчи бўлган сўзларингизни ҳам йўқотиб қўясиз. Уни кашф этмоқчи бўлган нуқталарингиз жуда-жуда олисларда милтирабгина кўринади. Зотан, камина ҳам ёзиш да-



вомида шундай ҳолатларни қайта-қайта бошдан кечирдим. Лекин ёзувчимизни қўмсаб, янги асарларини, суҳбатларини соғинаётган мухлисларига ўзбекона айтганда, тоб бости бўлсин деб ушбуни сизга тақдим этяпмиз. Худо хоҳласа Тоҳир Малик шахсини, унинг улуғлигини ўрганишда давом этамиз. Шу мақсадда, сиз, азиз мухлислардан ширин ва ўчмас хотираларни кутиб қоламиз ва сизларнинг Тоҳир Малик ҳақидаги навбатдаги ўз китобингиз бўлишини режалаштирганмиз. Масалан:

### ФАННИНГ ИБТИДОСИ – АҚЛ, АҚЛНИНГ ИБТИДОСИ ЭСА САБР-ТОҚАТДИР

“XXI АСР” газетасида Анвар Намозовнинг журналистга хос ажойиб бир тадқиқоти эълон қилиниб қолди. Журналист ёзади: Ўзбекистон халқ ёзувчиси Тоҳир Малик илмий-фантастик, саргузашт қиссалари билан шуҳрат топди. Адибни кенг жамоатчилик асосан “Шайтанат” романи билан танийди.

Кейинги йилларда эса маърифий китоблари билан китобхонлар кўнглига янада яқинроқ кириб борди. “Қайси йўналишга кирмайин, мақсадим бир, ўқувчи билан ҳаёт муаммолари ҳақида ғойибона суҳбат қуриш. Зулмнинг илдизини қуритиб, саодатли умрга етишиш йўлларини излаш”, деган эди бир суҳбатида Тоҳир Малик.

Чиндан ҳам Анваржон ёзувчининг асарларини ўқиб, саралаган иқтибосларида адиб умрининг поёнига яқинлашгани сари тобора донишмандга айланиб боргани яққол кўзга ташланади.

\* \* \*

Олимлар тош асри миллион ёки неча минг йил олдин ўтиб кетган дейишади. Лекин мен айрим одамларнинг тош қалбларига қараб, бу гапга ишонгим келмайди. Тош асри тугамаганга ўхшайди.



\* \* \*

Бир киши ўзининг синглиси билан юз кўрмас даражада аразлашган экан. Узоқ йиллар давомида ака-сингил бегоналардай юришган. Вақти келиб, сингил қазо қилганида ака фотиҳага бормоқни ихтиёр этиб, ҳаракатини “ўликнинг ҳурматини қилиб қўйиш керак”, деб изохлади.

Ажаб, минг бор ажаб! Дуруст, ўликнинг ҳурмати бор экан. Тирикнинг ҳурмати-чи?

\* \* \*

Ақлимиз ҳамиша биз билан бирга эмас, доимий равишда ҳукм ўтказмайди. Худди чекиш баҳонасида ташқарига чиққан кашанда сингари бизларни тарк этиб туради. Биз буни сезмаймиз ва айни шу дамда аҳмоқлик қилиб қўйиб, сўнг афсусланамиз.

\* \* \*

– Миллион долларсиз яшамоқ мумкинми?  
– Мумкин.  
– Юз, ўн, ҳатто бир долларинг бўлмаса-чи?  
– Яшамоқ мумкин. Ризқни Тангри беради. Кишининг тирик юриши учун кунда бир кесим нон кифоя. Оғир кунларда одамлар шундай яшашган. Одам нима учун таомланади? Ўлиб қолмаслик, ҳаракатдан тўхтамаслик учун. Бунинг учун катта бойлик шарт эмас.

\* \* \*

– Шон-шуҳратсиз яшамоқ мумкинми?  
– Одамлар яшяпти-ку? Нега мумкин эмас экан?  
– Юқори мансабсиз-чи?  
– Одамларнинг барчаси мансабдор эмас-ку?  
– Амалинг бўлмаса, бойлигинг бўлмаса, шон-шуҳратинг бўлмаса, тўй-ҳашамларда сенга пойгақдан жой тегади.  
– Демак, улар Одамни эмас, амал ва бойликни тўйга



чорлаган экан. Пойгакда ўтиришдан афсус чекмаслик керак. Чунки ўша тўрдагилар ҳадемай пойгакка тушадилар.

– Хўш, бойликсиз, амалсиз, шуҳратсиз яшамоқ мумкин экан. Нимасиз яшаб бўлмайди?

– Иймонсиз. Иймон билан яшаётган киши Аллоҳнинг хузурида энг бой, энг шуҳратли кишидир. Тангри хузуридаги дастурхон тўри ҳам иймон эгалариники бўлади. Дунёвий бойлик, мансаб, шуҳрат хиёнаткордир. Иймон бойлиги эса садоқатлидир. Бу дунёда ташвишли ёки қувончли кунларда ҳам ёлғиз қўймайди. У дунёда эса ўзингга кўшк бўлиб хизмат килади.

\* \* \*

Бир киши билан танишадиган бўлсак, унинг қандай фазилатларга эгаллиги билан қизиқамиз. Иллатлари ҳам назаримиздан четда қолмайди. Сўнг ақлу фаросатимизни тарозига айлантириб, янги танишимизнинг фазилату иллатларини “тортиб” кўрамиз. Тарозининг “фазилат” палласи оғирроқ келса, янги танишимиз билан янада яқинлашишга, дўстлашишга интиламиз. Тарозининг “иллат” палласи босса, ундан нари қочишга уринамиз. Ўзимизга хос ажиб хусусият шундаки, “фазилат” ва “иллат” тушунчаларини ўз ақлимиз даражасидан чиқолмаган тарзда, ўз қаричимиз билан ўлчаймиз. “Комил инсонга хос фазилат” деган меъёрни эса унутамиз. Шу боис янги танишимизга хос фазилатдай кўринган одаг комил инсонга ёт, иймонга зид бўлиб чиқиш эҳтимоли ҳам бор.

Бу борада янглишмаслик, янги танишни асл ҳолида танимоқлик учун ўзимизнинг қобиғимиздан чиқишимиз керак бўлади. Қаллакесар одам чивинга ҳам озор бермайдиган кишининг бу мўминлик фазилатини қадрлай олмайди, аксинча, “нодон” деб кулади. Бесабр одам сабрли кишининг қадрига етолмайди. Демак, уни зоҳиран билса-да, ботинан танимоғи мушкул.



\* \* \*

“Мана шу қаср, шу автомашина, шу жавоҳиру ёқутлар меники”, деб ўйлаймиз. Нодонлармиз биз. Ахир жонимиз узилиши билан булардан ажраймиз-ку? Булар бизларга асқотмайди-ку?

“Шу кўз, юрак, жигар... меники”, деймиз. Зоҳиран тўғри – ҳаёт эканимизда бизники. Аслида – оқибатда эса, жон чиқиб сўнгги манзилимизга борганимизда эса улар ўз эгаларини топадилар. Бу аъзоларимизнинг асл эгалари – лаҳад қуртларидир.

У ҳолда чин ўзимизники бўлган, бу дунёда ҳам, у дунёда ҳам ўзимизга садоқат билан ҳамроҳ бўлувчи, бошқаларга насиб этмовчи, фақат ўзимизга хизмат қилувчи бирор нимамиз борми? Бор! Бу – иймон.

\* \* \*

Шоир китоб ўкиб ўтирган экан. Бир жоҳил одам унга яқин келиб, “Нечун ёлғиз ўтирибсан?” деб сўрабди. Шунда шоир унга қараб: “Сен келишинг билан ёлғиз қолдим. Чунки китоб мутолаасидан тўхтадим”, деган экан.

\* \* \*

Ҳаёт – бешик ва тобут орасидаги тор бир йўл ва йўлчиликдир. Дунё ҳаёти сўнгсизлик ичида бир совун кўпиги кабидир. “Инсонлар идрок қилган ҳаёт нимадан иборатдир?” деган саволга ернинг захи ва қабр тошларининг қаттиқлиги энг тўғри жавоб бўлур эди. Шундай экан, нафсоний орзулар ва вужуд йўлида ўтган умрнинг маъноси нима ҳам бўлур эди?

\* \* \*

Баъзан эшитиб қоламиз: “Болаларнинг онгини дин билан заҳарламанг”. Англамоқ шартким, боланинг онги дин ҳикматидан бебаҳра бўлган ҳолатдагина заҳарланади.



\* \* \*

Агар сиз билимдон бўлсангиз, биродарларингизга ҳам беринг, токи ундан шамчирокларини ёндириб олишсин.

\* \* \*

Фан – қайиққа ҳам, кемага ҳам баб-баравар очик денгиз кабидир. Биров унда олтин ёмби ташиса, бошқаси кармоқ ташлаб балиқ овлайди. Фаннинг ибтидоси – ақл, ақлнинг ибтидоси эса сабр-токатдир. Улуғ ишлар учун толмас сабот керак. Кишини қобилияти учун эмас, балки ўша қобилиятидан қандай фойдалана олишни билишига қараб кадрлашади. Қобилият ўз-ўзича шуурсиздир, у ишга солинган тақдирдагина жилоланади.

\* \* \*

Чўкаётган одам нола қилиб, қичқирибди:

– Эй Худойим, мени қутқар!

Ёнидаги дўсти дебдики:

– Қўлларингни ишга сол, шунда Худо сени қутқаради.

\* \* \*

Дунё сармоясини охират сармоясига олиб борувчи восита сифатида кўрмас эканмиз, бу дунёдаги амалларимиз шайтонларга ем бўлишда давом этаверади. Натижа эса ғам-алам ва алданишдан иборатдир. Исроф тентаклиги ва марҳамат йўқсиллиги бу дунёнинг бош балосидир, охиратда эса азоб сармоясидир. Ўтган кунларимизнинг моҳиятини ўзгартириб бўлмайди. Келажакимизнинг моҳияти эса шубҳалидир. Он бу ондир. Бу онимизнинг кўнгил ва пешона терларини ҳаёт тупроғига эка олсак, иншааллох, охиратимиз ёруғ бўлғувсидир.

Тахририятимизнинг электрон почтасига Андижон вилояти Қўрғонтепа тумани халқ таълими бўлими она тили ва адабиёти фани методисти Умидахон Юсуповадан қуйидаги битик келиб қолди. Уни мамнуният билан китобга киритдик.



ОДАМИЙЛИК ОЛАМИГА САФАР  
(Тохир Маликнинг “Жиноятнинг узун йўли”  
рисоласини ўқиб...)

Хизмат сафари билан олис йўлга чиққан эдим. Машинада мендан ташқари яна икки йўловчи бор. Табиатан камгаплигим боисми, чарчаган асабларимга ором бериш илинжида суҳбатга аралашмай боряпман. Шу пайт суҳбатдошлардан бири: “Ишдан уйга роса чарчаб келаман. Фарзандларимнинг озгина ғалваларига ҳам тоқат қилолмайман. Баъзан ўйлаб қоламан, қачон ўз фарзандларимга вақт топаркинман, деб?”.

Бу гапдан сўнг сергак тортдим. Оила – табаррук кўрғон. Оила – покиза ниятлар билан яратилган боғ. Фарзандлар еса шу кўрғоннинг тиргаклари, шу боғнинг ширин меваларидир. Фарзандлар – Аллоҳнинг биз бандаларига берган илоҳий НЕЪМАТИ, Роббимизнинг ОМОНАТларидир. Бу илоҳий неъматнинг шукрини қилиш, бу омонатни асраб-авайлаш бизнинг бандалик бурчимиздир. Шундай экан, уларни тинглашга, уларнинг истаклари, ўй-хаёллари ҳақида суҳбатлашишга ҳамиша ВАҚТ топа олишимиз шарт.

Кейинги кунларда мутолаа қилганим ёзувчи Тохир Маликнинг “Жиноятнинг узун йўли” рисоласи ёдимга тушди. Тохир Малик ўзбек адабиётининг сермахсул ижодкорларидан. Турфа мавзулардаги асарлари билан халқимиз эъзози ва ардоғига сазовор бўлган адиб. Айниқса, сўнгги йилларда дидактик руҳда яратаётган қатор асарлари, рисолалари гўё инсоният шуурига фонус тутаётгандек. Зеро, инсон маънавияти учун кураш дунёдаги энг ҳалол, энг муносиб курашдир. Адиб шундай муқаддас йўлдан бораётган халқпарвар адибдир.

“Жиноятнинг узун йўли”. Адиб рисолани шундай номлайди. Жиноят инсониятнинг моддий ва маънавий таназзулидир. Рисолада бу узун йўлнинг изоҳига тўхталар экан, аввало, бу узун йўлнинг бошланиш



нуктасини қидиради ва ўқувчига айна нукталарнинг суратини чизиб беради. Шу халқнинг жонкуяр бир фарзанди сифатида миллатнинг ёруғ эртаси, соғлом ва баркамол авлод тарбияси хусусида ўқувчига тарбия усулларини ўргатади. Рисола бугуннинг қайғу-ҳасрати, бугуннинг оғриқларини ифода етгани билан долзарбдир. Юқорида жинойтни инсониятнинг маънавий ва моддий таназзули дедик. Моддий таназзул-ку ўз-ўзидан аён. Маънавий таназзул қандай юзага келади? Адиб қатор ҳаётий мисоллар кўринишида бу саволга жавоб беради. Зеро, бир марта жинойтга қўл урган инсоннинг қалбидаги энг нозик торлар узилиб бўлади, қайта улаш имкони бўлмаган, ҳеч қачон аввалги ҳолига келмайди. Бу ярадор қалб оғриқларига шифо топиш эса қийин бўлади. Шундай экан, “касалликни даволагандан кўра, унинг олдини олган осонроқ”, деган қадим хақиқат йўлидан бормокдир. Ёзувчининг бош мақсади ҳам шу. Жинойтни ҳали дунёга келмай туриб нобуд қилмоққа чақиради бизни, адиб. Ёзувчи “Жинойтнинг узун йўли”га назар ташлар экан, унинг бошланишини оиладан қидиради. Эътироф этилганидек, бу “узун йўл”нинг бошланиши биз табаррук деб билган ОИЛАдир. Шиддат билан ривожланаётган бугунги даврда бағримизда бўй чўзаётган тоза ниҳолларимизни бегона шамоллардан, аёвсиз изғиринлардан асрай олсак, бизнинг оиламиз ҳеч қачон “бу узун йўл”нинг бошланиши бўлмайди. Ёзувчи рисола орқали бизга шу ҳақиқатларни кашф қилиб беради.

Рисола тўққизта мўъжаз боблардан ташкил топган:

1. Бурилиш нуктаси ёки “ким айбдор?”
2. Бўйсунмас болалар
3. Бўш вақт
4. “Мен” – ўзликни англаш
5. Қил кўприк
6. Жинойт кўчасининг очик дарвозаси
7. Жарроҳнинг тиғи



8. Нақадар шафқатсизсан, эй ёруғ дунё

9. Ассалом, озодлик ёхуд ишончсизлик дунёси

Ҳар бир боб ҳаётий мисоллар, аниқ далиллар билан асослаб борилган. Бурилиш нуқтаси қаер? У нима ўзи? Бурилиш нуқтаси – бу бизнинг фарзандимизни бой бериб қўяётган нуқтамиз, жондан азиз фарзандларимиз биз хоҳламаётган томонларга юз бураётган машъум нуқта. Болалар меҳр-муҳаббатга, эътиборга муҳтож қалб Эгаларидир. Улар бизнинг олқишимиздан, эътиборимиздан, меҳримиздан куч олади. Агар шу кўнгли тилаганларини биздан, оиладан топа олмаса, табиийки, уни бошқа жойдан кидиради. Бундай лаҳзаларда ҳар қандай алдоқчи туйғуларни ҳам ҳақиқий деб билади. Улар адашганларини англагунча эса кеч бўлиши мумкин, биз уларни йўқотиб улгурган бўламиз. Ўсмирлик – инсон ҳаётининг энг оғир палласи. Вужудда бўлаётган, шуурда бўлаётган эврилишларни ўзи ҳам англай олмаётган, бу мубҳамлик, бу тушуниксизлик уни кийнаётган даврда у бир ДЎСТга муҳтож бўлади. Шу даврда фарзандларининг озорларига чора топа олган, у билан диллаша олган ота-она энг саодатли ота-онадир. Ота-оналик – бу рутба. Аллоҳ мушарраф қилган, мукаррам қилган рутба. Бу рутабага муносиб бўлиш эса саодатдир. Ота-оналикнинг муҳим фарзларини адиб қуйидагича эътироф этади:

- Фарзандга яхши, муносиб исм қўйиш;
- Унга яхши тарбия бериш;
- Яшаш сирларини ўргатиш.

Борди-ю, “бурилиш нуқтаси”га дуч келинса, “бўйсунмас болалар” пайдо бўлади, адибнинг фикрича. Бу тоифа болаларда ёлғончилик, бемаъни ўжарлик, ёмон хулқлилик каби жиҳатлар намоён бўлади. Адиб бу тоифа болалар билан ишлашда, энг аввало, ёлғоннинг моҳиятини, у ҳамма вақт, ҳамма даврларда қораланганини тушунтирмақ лозим. Ёлғоннинг исломий жиҳатдан оғир гуноҳ эканини, у кўр жиноятлар-



нинг дояси эканини англатмоқ жоиз бўлади. Бу бо-  
рада буюқларнинг фикрларидан мисоллар келтириш  
хам мақсадлидир. Хусусан, франсуз адиби В.Гюго-  
нинг: “Ёлғончилик – ёвузлик тимсоли”, Ж.Ренар-  
нинг: “Ёлғончилик – ўғрилиқдан бадтар”, рус адиби  
А.Чеховнинг: “Ёлғончи ўлаётганда ҳам ёлғон гапи-  
риб ўлади” каби сўзларини келтириб ўтади.

Ҳалолликни, ҳалол луқманинг аҳамияти, афзаллиги-  
ни англатиш лозимлигини маслаҳат беради. Шайх Саъ-  
дийнинг:

Есам арпа нонини меҳнат билан,  
Шириндир бошқаларнинг оқ нонидан

байти келтирилади. Боланинг бўш вақтини тўғри  
ташқиллаштиришда мактаблар қошидаги ва мактабдан  
ташқаридаги тўғаракларнинг аҳамияти ҳақида тўхта-  
лади. Тўғараклардаги соф ижодий муҳит боланинг ўз  
келажаги учун муносиб йўлни танлай олишига асос бў-  
лиши айтилган. Хар бир бола бир олам. Хар бирининг ўз  
олами бор. Ёзувчи “Ўзликни англаш” бобида Афлотун  
ҳакимдан шундай ҳикмат келтиради: “Фарзандларингиз  
илм ва адабини ўзингизнинг илм ва адабингиз билан  
чекламанг, уларни келгуси замон учун тайёрланг, чунки  
улар сизнинг замонангизнинг эмас, келгуси замоннинг  
одамлари бўладилар”.

Шундан сўнг фарзанднинг маънавий эҳтиёжлари  
билан қизиқиш, унинг рухий дунёсини турфа озорлар,  
шикастлардан асраш, эҳтиётлаш масалаларига тўхтала-  
дики, бу жуда муҳимдир. Фарзандлар умримизга чирой,  
ҳаётимизга зийнат бўлиши учун шу ондан жонимизни  
озорлаб бўлса-да, бедор бўлмоқни таъкидлайди ёзувчи.  
Энг аввало, фарзандлар ўртасида адолатли бўлишимиз  
тўғри тарбия мезонидир. Токи оилада адолатсизликка уч-  
раган бола адолатни бошқа ердан изламасин. Бўйсунмас  
болалар пайдо бўлмасин. Чунки бу бўйсунмас болалар-  
нинг эртага жинойт йўлига кириб қолиши ҳеч гапмас.

“Бизнинг фарзандларимиз – бизнинг қарилгимиз-



дир, – дея таъкидлайди адиб. – Тўғри тарбия – хайрли оқибат, саодатли қарилиқдир”. Ёмон тарбия эса бизнинг гуноҳларимиз, хатоларимиздир. Бугун шиддат билан ўзгачаланиб, ороланиб бораётган даврда кимки ўз фарзандига эгалик қилмаса, унга бошқалар эга чиқиши мумкин.

“Қил кўприк” бобида адиб Тоштемир, Али, Оқилбек, Вали, Шораҳим образларини келтириб, улар восита-сида ўсмирлар ҳаёти билан боғлиқ турфа ҳолатларни, уларнинг ечимларини тасвирлайди. Жиноят остонасида турган ўсмир билан камок жазосига ҳукм қилинган, камокда жазо ўтаётган маҳбуснинг руҳий кечинмалари бир-биридан фарқ қилади. Муҳими, ўсмирни ўша остонада эканида ортга, ҳақиқий ҳаётга қайтаришдир. Остона ҳатлангач эса анча кеч бўлади.

Адиб бугун ёшларимиз тарбиясига, маънавиятига, руҳий ҳаловатига шикаст етказаётган унсурларни санар экан, тунги клублар, дискотекалар, видеоўйингоҳлар ҳақида ҳам ўринли фикрлар билдиради. Зеро, турли жиноят ва бузукликларнинг уясига айланиб қолган бу каби жойлар бугун миллийлигимизга хавф солаётган “оммавий маданият”нинг эшигидир, дейди.

Хусусан, маориф ходими сифатида бизнинг вазифамиз ўқувчиларга инсонийлик илмини англашти, яшаш мезонларини ўргатишдан иборат. Бу борада дунёвий тарбия билан диний тарбияни муштарак олиб борсак, ўқувчиларнинг диний билимларини ҳам аниқлаштириб олган бўламиз. Зеро, жонимиз Аллоҳ берган омонатимиз. Уни эҳтиётламаслик эса Роббимизга исёнимиздир. Бу ҳолатнинг дунёвий моҳиятини ҳам очиб беришимиз лозим. Бу дунё гўзалликларга, бахтларга тўлиқ, унга қониб яшамоқ лозим. Дунёга инсон бўлиб келиш саодатига мушарраф бўлган экансан, инсондек яшамоқ ҳам фарз.

Адиб асарни хулосалар экан, ҳазрат Навоийдан байт келтиради:



Кимса минг йил комронлик қилса, билким, арзимас,  
Даҳр аро бир лаҳза бўлмоққа биров коми била.

Яъни, минг йил мурод-мақсадга етиб, шоду хуррамликда яшаганинг ўзгаларни муродига етказмакка сарф этган бир лаҳза умрингга арзимади. Адиб рисолада жиноятнинг узун йўли давомида қаламга олган турли нуқталар учраган турли манзил кишилари, яъни ота-оналар, мураббий ва тарбиячилар, ҳуқуқ-тартибот ходимлари, умуман, ёшлар маънавияти учун масъул бўлган ҳаммани ҳушёрликка, огоҳликка, фидойиликка чақиради.

\* \* \*

Сиз азизлар ҳам ўз хотираларингизни, ёзувчимизнинг асарларидан олган таассуротларингизни, у киши билан бўлган учрашувларда ёзиб олган видео ҳамда овозли ёзувларингизни, эсдалик учун тушган суратларингизни (info@sharq.uz) электрон почтамызга юборишингиз ёки нашриётимиз манзилига почта орқали жўнатишингиз мумкин. Ёзганда яшаш жойингиз ва исми-шарифингизни тўлиқ кўрсатишни унутманг.

## МУНДАРИЖА

НАМАНГАН ВА ЎШ	
САФАРЛАРИ ОЛДИДАН .....	3
ТОХИР МАЛИК .....	9
ДОВОН ЙЎЛИ .....	13
ИККИ ХАЛҚНИНГ СУЮМЛИ	
ФАРЗАНДИ .....	15
БАХТСИЗЛИК АСЛИДА БАХТДИР .....	28
ЎШДАН САЛОМ АЙТМОҚЧИ	
БЎЛГАНИМ .....	30
ЎЗИНИ БИЛМАГАН ОДАМ .....	31
ТОХИР МАЛИК ВА	
ИСЛОМ ШОҒУЛОМОВ .....	36
ТОХИР МАЛИК ВА ШАЙХ ҲАЗРАТЛАРИ .....	38
ТОХИР МАЛИКНИНГ ТАСДИҒИ .....	39
ТОХИРНИНГ КЎРСАТКИЧ БАРМОҒИНИ	
СИНДИРГАН УЧРАШУВ .....	40
ЖУМА НАМОЗИДА	
ОФИЯТ СЎРАГАНЛАРИМИЗ .....	50
МИЛЛИОНЕР ЁЗУВЧИ .....	51
ТАЛАБАЛАР БИЛАН УЧРАШУВ .....	52
ОҒРИМАЙДИГАН БОШ .....	54
АЗРОИЛ ЖАНОБЛАРИ .....	55
ЁЗУВЧИ АКАМ – БЎЛДИЛАР ҲАКАМ .....	55
ДУМАЛОҚ .....	56
ЎҚУВЧИЛАР ТОХИР МАЛИКДАН СЎРАШАДИ .....	56
ЁШИНГИЗ НЕЧАДА? .....	56
САДОҚАТ .....	57
ЧИПТА .....	57
ЯНА ДАВОМИ .....	57
БИТТА ИЛТИМОС .....	58
ИЧИМ ҚАНАҚА ЭКАН? .....	59
САВОЛ .....	59
ТАРБИЯ .....	59
ЙЎЛДА .....	60
ШПИЁН .....	60
ЖАВОБ БЕРУВЧИГА-ЧИ? .....	60
УЙДАГИ ВАЗИФА .....	61
ҚАХР .....	61
ЯНА БИТТА ҚАЙТАРИНГ .....	61
ОШХОНАДА .....	61
“ОДАМИЙЛИК МУЛКИ” ҲАҚИДА .....	62

СИРДАРЁДАГИ УЧРАШУВ .....	69
АЛИМЕНТ .....	72
ВРАЧ НИМА ДЕДИ? .....	73
ИЛМИЙ ҚАРАШ .....	74
ТОҲИР МАЛИКНИНГ ЗИЁФАТИ .....	75
ҚУРБОНЛИК .....	77
СОВҒА .....	78
ТЎН .....	80
АВТОСЕРВИСДА .....	82
БОҒДА .....	84
ЎЗАРО ЁРДАМ... .....	85
СЎНГГИ КУН, СЎНГГИ МУЖДА .....	88
АЛВИДО ДЕМАНГ... .....	90
КИМСАСИЗ ОРОЛ .....	92
ҲИКМАТ ИЗЛАБ... .....	93
ИФТОРЛИК .....	94
ЭЛЧИ .....	95
МАҲР .....	96
ЮЛДУЗЛАР ПАСТЛАГАН КЕЧА (Озод Мунаввардан яна бир хотира) .....	98
МУҲАММАД ЮСУПОВНИНГ МУҲАММАД ЮСУФ БЎЛГАНИ... .....	101
ЯНГИЧА УСЛУБ .....	103
МАНГУ ҚОТГАН ЛАҲЗАЛАР .....	105
БИР КУНИ... .....	109
ЎҚУВЧИ ЭЪТИРОФИ .....	110
БАНДАСИ ОЖИЗ ЭКАН (Ёзувчи Сотволди Ражабов хотираси) .....	110
СЎЗ НУКТАДОНИ (Диктор Насиба Иброҳимова хотираси) .....	113
АСАДБЕК .....	114
СЎНГГИ СУҲБАТ .....	114
УСТОЗЛАР УСТОЗИ .....	120
КИТОБ ЭГАСИНИ ТОПДИ .....	133
АВЛИЁСИФАТ ИНСОН ЭДИ .....	135
НАВОИЙ АСАРЛАРИДА “ШАЙТАНАТ” СЎЗИНИ УЧРАТДИМУ... (Ёзувчи Шодмон Отабек шундай хотирлайди) .....	136
ШУНГА ҲАМ САВОБ ОЛАДИЛАР .....	144
ФАННИНГ ИБТИДОСИ – АҚЛ, АҚЛНИНГ ИБТИДОСИ ЭСА САБР-ТОҚАТДИР .....	147
ОДАМИЙЛИК ОЛАМИГА САФАР .....	152

Эркин МАЛИК

БАХТСИЗЛИКДАН  
БАХТИНИ  
ТОПГАН  
**ТОҶИР МАЛИК**

«SHARQ» нашриёт-матбаа  
акциядорлик компанияси  
Бош таҳририяти  
Тошкент – 2019

*Муҳаррир ва мусахҳиҳ*  
**Шахло Холдорова**

*Бадий муҳаррир*  
**Баҳром Бобожонов**


*Саҳифаловчи*  
**Анвар Мусахўжаев**

**Нашриёт лицензияси: АІ № 201, 28.08.2011 йил.**

Босишга рухсат этилди: 17.07.2019 йил.  
Бичими 84x108 <sup>1</sup>/<sub>32</sub>. Офсет босма. Шартли босма табағи 8,4.  
Нашриёт ҳисоб табағи 7,2. Адади 5000 нусха.  
Буюртма № 541. Келишилган нархда.

**“Sharq” нашриёт-матбаа акциядорлик  
компанияси босмаҳонаси,  
100000, Тошкент шаҳри, Буюк Турон, 41.**


## Тоҳир МАЛИК китобларидан намуналар



«Одамийлик мулки»




«Меҳмон туйғулар»




«Нафс кишанлари»




«Сўнги ўқ»




«Саодат саройининг  
калити»




«Ажаб дунё»



«Зулмат  
салтанати»




«Аёвсиз илон»




«Чархпалак»

18000


## Тоҳир МАЛИК китобларидан намуналар



«Ҳикоялар»




«Пўртанали уммонда  
сузар ҳаёт қайиғи»




«Шайтанат»



«Азалий насиба»




«Тенг-тенги билан  
бахтлидир»



«Мурдалар  
гапирмайдилар»



«Ёзувчининг бахти  
ва бахтсизлиги»



«Иблис девори»




«Безанган  
келинчак»



12+

ISBN 978-9943-26-969-9



9 789943 269699